



**М. Н. СУННАТОВ**

**ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК  
БОЗОРИНИ ТАРТИБГА  
СОЛИШ МЕХАНИЗМИ**

**ТОШКЕНТ**

**М. Н. СУННАТОВ**

**ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК  
БОЗОРИНИ ТАРТИБГА  
СОЛИШ МЕХАНИЗМИ**

**ГОШКЕНТ**

СУННАТОВ МУХТОР НЕЪМАТОВИЧ

# **ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК БОЗОРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ МЕХАНИЗМИ**

ТОШКЕНТ – 2022

УЎК: 330.101.8  
КБК 67.410(5У)  
С 56

**М.Н.Суннатов. Интеллектуал мулк бозорини тартибга солиш механизми – Т.: «Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи», 2022, 180 бет.**

ISBN: 978-9943-8050-0-2

Ушбу монографияда миллий иқтисодий таракқиёт стратегиясида интеллектуал мулк бозорини тартибга солиш механизмини таҳлил этишнинг услубий ва назарий асослари ҳамда иқтисодий ривожланишида интеллектуал мулкни ўрни ёритилган. Асосий эътибор миллий ва жаҳон амалиётида қабул қилинган макроиқтисодий кўрсаткичлар тизими бўйича интеллектуал мулк объектларининг молиявий-иқтисодий самарадорлигини баҳолаш механизмларига ҳамда уларни иқтисодийта самарали фойдаланишни амалга ошириш имкониятларига қаратилган.

Монография олий ўқув юртларининг иқтисодий мутахассислиги талаба ва магистрлари, шунингдек, иқтисодий соҳасидаги таянч докторант, мустақил изланувчи ҳамда ўқитувчилар учун мўлжалланган.

**Такризчилар:**

**Хайитматов Ў.Т.** - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси ҳузуридаги Кадрлар малкасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти "АКТ ва рақамли иқтисодий" кафедраси доценти, и.ф.н.;

**Сиддиков А.Ж.** - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси ҳузуридаги Кадрлар малкасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти "Макроиқтисодий статистика ва миллий ҳисоблар" кафедраси доценти, и.ф.н.

УЎК: 330.101.8  
КБК 67.410(5У)

ISBN: 978-9943-8050-0-2

© «Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи», 2022:

## **МУНДАРИЖА**

**КИРИШ..... 5**

**I БОБ. ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ФАОЛИЯТНИ  
БОШҚАРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ  
АСОСЛАРИ ..... 10**

1.1. Интеллектуал фаолиятни бошқаришнинг ҳуқуқий асослари ..... 10  
1.2. Интеллектуал мулкни шакллантириш механизмлари ..... 24  
1.3. Интеллектуал мулк бозорининг ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари ..... 39

**II БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ  
МУЛКНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА  
ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ..... 65**

2.1. Ўзбекистонда интеллектуал мулкни ривожланиш кўрсаткичлари таҳлили ва муҳофаза ҳужжатлари классификацияси ..... 65  
2.2. Интеллектуал мулкни баҳолаш тамойиллари ва услубиёти ..... 80  
2.3. Мулкний ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқариш ва муаллифларга ҳақ тўлаш тизимини шакллантириш ..... 100

<b>III БОБ. ИННОВАЦИОН ЖАРАЁНДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК БОЗОРИНИ БОШҚАРИШНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ МЕХАНИЗМЛАРИ .....</b>	<b>112</b>
3.1. Инновацион фаолият жараёнида интеллектуал мулк бозорини бошқариш .....	112
3.2. Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулкни бошқариш соҳасида халқаро ҳамкорликнинг ўрни .....	130
3.3. Интеллектуал мулк бозори институционал бошқарувини такомиллаштириш.....	149
<b>ХУЛОСА.....</b>	<b>166</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар .....</b>	<b>169</b>

## КИРИШ

Янги Ўзбекистонни ва Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш борасида амалга оширилаётган туб ўзгаришлар ва ислохотларнинг мақсади, мазмун-моҳияти ҳамда устувор йўналишлари бўлиб, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини оширишга қаратилган Янги Ўзбекистон стратегиясини ишлаб чиқилганида деб ҳисоблаймиз. Хусусан, иқтисодий жараёнларнинг глобаллашуви шароитида интеллектуал мулк соҳасини тартибга солишнинг давлат стратегияси ҳамда бошқарувини такомиллаштириш, инновацион жараёнда интеллектуал мулк объектларини баҳолаш механизмларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳамда глобал бозорларда интеллектуал мулк объектларини ҳимоя механизмларини ривожлантириш доимий равишда долзарблигини йўқотмайди.

Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотига 196 та давлат аъзо бўлиб, бу барча мамлакатларнинг 96 фоизини ташкил этади<sup>1</sup>. Аъзо давлатлар томонидан 2020 йилда глобал пандемияга карамай, халқаро Патент кооперацияси тўғрисидаги шартнома (Patent Cooperation Treaty – PCT) асосидаги тизим бўйича 275900 та ихтироларни патентлашга аризалар топширилиб, 2019 йилга нисбатан 4 фоизга ошди ва 2010 йилдан бери ўсиш тенденциясини сақлаб қолди. Хитой, АҚШ, Япония, Корея Республикаси ва Германия дастлабки бешта рўйхатни тўлдирди. 2020 йил якунлари бўйича энг яхши 10 та мамлакат

<sup>1</sup> <https://www.wipo.int/treaties/ru/summary.jsp>

умумий мурожаатларнинг 88,5 фоизини ташкил этди<sup>2</sup>. Жаҳонда интеллектуал мулк ресурси замонавий глобал иқтисодийнинг ядроси бўлиб, «моддий» бозорлар сонининг ўсиш суръатларидан юқори, йилига 10 фоиздан кўпроқ суръатда ўсмоқда (Хитой – 23 %, АҚШ – 5 %, Франция – 2 %, Россия – 5 %)<sup>3</sup>. Ялпи ички маҳсулотда интеллектуал ресурслар улуши, Европада 45<sup>4</sup> фоизни, Хитойда 12 фоиз ва Россияда 7 фоизни ташкил этади.

Жаҳонда интеллектуал мулк бозорини тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш юзасидан кенг қамровли илмий изланишлар олиб борилмоқда. Хусусан, глобал инновацион ривожланаётган мамлакатлар интеллектуал фаолият натижалари билан фаол савдо қилар экан, интеллектуал мулк бозорининг хусусиятлари, мазмуни, ҳолати, уларнинг илмий-назарий ва методологик муаммоларини ҳал этиш бўйича илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассаларида амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, иқтисодий таҳлил ва бошқарув методологияси нуқтаи назаридан қатор илмий натижалар олинган, жумладан: интеллектуал мулкни корхона активи сифатида тан олиш, баҳолаш усулларидан фойдаланиш механизмлари асосланган (Массачусетс Технология институти АҚШ, Бостон); бизнесда интеллектуал мулк объектларининг истиқболдаги даромадлиги асослаб берилган (Гарвард университети АҚШ); интеллектуал мулк бозорининг иқтисодий ўсишга имкон яратиши асосланган (Кембридж университет Англия); интеллектуал мулк объектларини тижоратлаштиришда инвестицияларни ташкил этишнинг муқобил усуллари таклиф этилган (Страсбург университети Франция).

<sup>2</sup> <https://www.wipo.int/edocs/infogdocs/en/ipfactsandfigures/>

<sup>3</sup> [f9ddf6a499e00c92062220485f114ad.pdf \(csr.ru\)](#) ВОИС: ИС в фактах и цифрах 2020 год (wipo.int)

<sup>4</sup> Интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш масалалари муҳокама қилинди (president.uz)



Интеллектуал мулк соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш, инновацион жараёнда интеллектуал мулк объектларини баҳолаш механизмларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани, мамлакатимизда аҳоли умумий даромадларида «мол-мулкдан олинган даромадлар таркибида интеллектуал мулкдан фоизлар ва муаллифлик ҳақи 20,1 фоизни»<sup>5</sup> ташкил этаётгани мазкур соҳани истиқболда янада ривожлантириш заруратини келтириб чиқармоқда. Хусусан, Ўзбекистонни Глобал инновацион индекс рейтингига киритиш ва мавжуд муаммоларни тизимли ижобий ҳал этиш мақсадида Бутунжаҳон Интеллектуал мулк ташкилоти раҳбарияти, Elsevier вакиллари ва бошқа хорижий ташкилотлар иштирокида «Ўзбекистон Республикасини Глобал инновацион индекс рейтингига ўрнини яхшилаш»<sup>6</sup> мавзусида илмий тадқиқот олиб борилаётгани бугунги кунда долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон, 2020 йил 29 октябрдаги «Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-6097-сон Фармонлари, 2019 йил 8 февралдаги «Интеллектуал мулк соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4168-сон, 2021 йил 28 январдаги «Интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4965-сон, 2021 йил 17 февралдаги «Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4996-сон Қарорлари, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа

<sup>5</sup> aholi\_daromadlari\_uz\_28012021.pdf (stat.uz)

<sup>6</sup> <https://mininnovation.uz/uz/news/2363>

меъерий-ҳукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади. Интеллектуал мулк бозорини тартибга солиш масалаларига хорижлик олимлардан Kamil Idris, Keith E. Maskus, William M. Eandes, Richard A. Posner, Christine Greenhalgh, Mark Rogers, Dean Baker, Arjun Jayadev, Joseph Stiglitz ва бошқа хорижлик олимлар муносиб ҳисса кўшиб, мазкур соҳани ривожлантиришга назарий жиҳатдан ёндашганлар<sup>7</sup>.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида интеллектуал мулк объектларига иктисодиётнинг манбаи сифатида тизимли ёндашиш масалалари Л.И.Лукичёва, А.Ф.Наумов, И.П.Степанова, С.А.Судариков, Н.Г.Грек, К.А.Бахренькова, В.И.Мухопад, А.Н.Олейник, П.Н.Цыбулов, А.Н.Козырев, А.П.Сергеев, И.А.Близнеца, Р.А.Мерззликина, А.А.Пиленко, Е.А.Моргунова, М.С.Дашян, И.В.Иванов, Е.В.Шипова сингари олимларнинг тадқиқотларида ўз аксини топган<sup>8</sup>.

Республикамиз олимларидан О.О.Окюлов, Б.Н.Тошев, Н.Қ.Йўлдошев, Б.Б.Беркинов, Ш.Ж.Эргашходжаева, М.Э.Пулатов, Ғ.Э.Захидов, Л.С.Зоиров, С.К.Қосимова,

---

<sup>7</sup> Kamil Idris. Intellectual property a power tool for economic growth. World Intellectual Property Organization (WIPO) Geneva 2003. 4-6 p. Keith E. Maskus. Intellectual Property Rights and Economic Development. Case Western Reserve University (2000), -473 p., William M. Eandes Richard A. Posner. The Economic Structure of Intellectual Property Law. Cambridge, Massachusetts, and London, England 1 2003. -74p., Christine Greenhalgh, Mark Rogers., Innovation, Intellectual Property, and Economic Growth. Copyright © 2010 by Princeton University Press Published by Princeton University Press. -330-340 p. Dean Baker, Arjun Jayadev, Joseph Stiglitz. Innovation, Intellectual Property, and Development: A better set of approaches for the 21st century. -59-68 p.

<sup>8</sup> Лукичёва Л.И., Управление интеллектуальным капиталом. Учебное пособие. 2-е изд. – М.: Омега-А, 2009. -52 с., Наумов А.Ф., Степанова И.П. Управление интеллектуальной собственностью. Учебное пособие. – Саратов, 2017. -220 с., Сергеев А.П. Право интеллектуальной собственности в российской федерации. – М.: Проспект, 2004. -34-54 с., Близнеца И.А. Право интеллектуальной собственности – М.: Проспект, 2010. 241-319 с., Шипова Е.В. Оценка интеллектуальной собственности. – Иркутск., 2003, 28-30с.

Н.Н.Алимов, Ф.И.Маматова. А.А.Кравченко ва бошқалар интеллектуал мулк муҳофазаси ва унинг иқтисодий муносабатларини тадқиқ этганлар<sup>9</sup>.

Юқоридаги олимларнинг тадқиқотлари муҳим илмий-услубий асос ҳисобланса-да, интеллектуал мулк ресурсларини ишлаб чиқариш омиллари билан боғлиқлигига етарли даражада илмий баҳо берилмагани сабабли, интеллектуал мулк объектлари бўйича эмпирик тадқиқотлар тор даражада амалга оширилган. Мазкур ҳолатдан келиб чиқиб, интеллектуал мулк бозорини тартибга солиш, ишлаб чиқаришда бошқариш ёки фойдаланишда натижаларни рағбатлантириш механизмларини такомиллаштириш масаласи мустақил тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаганлиги танланган тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилаб, илмий тадқиқот ишларини олиб боришни тақозо этади.

---

<sup>9</sup> Оқюлов О.О. Интеллектуал мулкнинг ҳуқуқий мақоми. – Т.: ТДЮИ. Док.дисс. 66-82-б., Ходиев Б.Ю., Беркинов Б.Б., Кравченко А.А. Бизнес кийматини баҳолаш – Т.: Иқтисод-Молия. 2007. 132-145б., Пўлатов М.Э. Интеллектуал капитал ҳисоби ва аудити методологиясини такомиллаштириш. – Т.: ТДИУ, 2017. Док.дисс. 14-23б. Йўлдошев Н.К., Захидов Ғ.Э. Менежмент. – Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2018. -140-150б. Zoyirov L.S., Qosimova S.K., Intelktual mulk va nomoddiy aktivlarni baholash. O'quv qo'llanma. – Т.: Iqisod-Moliya, 2019. -31-32б. Алимов Н.Н. Ўзбекистонда интеллектуал мулк муҳофазаси. – Т.: Иқтисодиёт ва таълим, 1-сон 2010. – 52б., Беркинов Б.Б. Институционал иқтисодиёт. – Т.: ТДИУ, 2013. 113-119б., Беркинов Б.Б., Эргашходжаева Ш.Ж., Маматова Ф.И. Трансакция ва трансакция харajatлари. – Т.: ТДИУ, 2010. 52-55-б.

## **I БОБ.**

# **ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ФАОЛИЯТНИ БОШҚАРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

### **0.1. Интеллектуал фаолиятни бошқаришнинг ҳуқуқий асослари**

Одатдаги меҳнатдан фаркли интеллектуал фаолиятда инсон онги, ақли, тафаккури мавжуд. Бу фаолиятда ҳаммага маълум қоидаларни ўзлаштириш, такрорлаш асосида эмас, янги, илгари ҳеч кимга маълум бўлмаган қоидалар ва усулларни вужудга келтириш асосида рўй беради. Шу сабабли ҳам ижодий фаолиятни фан, техника, адабиёт ва санъат соҳасида янги маҳсулот яратиш билан тугалланадиган жараёни интеллектуал фаолият деб таърифлаш мумкин.

Интеллектуал фаолият ғоят катта суръатлар билан ривожланиб бораётган соҳа эканлиги маълум бўлганлиги учун бу жараён хилма-хил янги соҳаларини очмоқда, янгидан-янги натижаларни вужудга келтирмоқда. Бу эса интеллектуал фаолиятни бошқариш натижаларининг иқтисодий-ҳуқуқий тизимини асослашда қатор жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Шулардан бири инсоннинг интеллектуал фаолиятдаги ўрни масаласидир. Маълумки, инсон интеллектуал фаолиятни ижодкор субъекти ҳамда интеллектуал фаолиятни бошқарувчиси сифатида ҳам намоён бўлади. Кўплаб адабиётларда интеллектуал капитал асосан инсон салоҳиятини асослаб беради. Жумладан, адабиётларда интеллектуал

капитал модели компаниянинг интеллектуал салоҳияти бўлиб ҳисобланади.

$$V_{ic} = V_c - (V_a - V_{ia})^{10}$$

$V_{ic}$  – интеллектуал капитал қиймати

$V_c$  – компаниянинг бозор қиймати

$V_a$  – жами баланс

$V_{ia}$  – баланс қийматида номоддий активлари қиймати

Фан, адабиёт санъат асарларини яратиш, улардан фойдаланиш ва уларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш муаллифлик ҳуқуқи билан тартибга солинади. Асарларни ижро этиш, саҳналаштириш, уларни узатиш билан боғлиқ муносабатлар турдош ҳуқуқлар билан тартибга солинади ва у муаллифлик ҳуқуқига тутшиб кетган махсус институт ҳисобланади. Интеллектуал мулкнинг ҳуқуқига доир ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларида ҳал қилинмаган қатор масалалар мулк ҳуқуқига тегишли ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда мавжуддир. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига эришгандан кейин ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида кескин ижобий сифат ўзгаришлари рўй берди.

Мамлакат иқтисодий тизими тубдан янгиланиб интеллектуал мулк бозорини тартибга солиш ва бошқариш механизмини институционал асослари ислоҳ қилинди. Бозор иқтисодиёти тизимини шакллантириш фуқаролик қонунларини тубдан қайта кўриб чиқишни, мутлақо янгидан-янги қонунлар қабул қилинишини тақозо этади. Жамиятда мулкчилик ва мулкый муносабатлар мазмуни ҳамда моҳияти ўзгарди. Хусусий мулк ўз қонуний асосларига эга бўлди ва иқтисодиётда тадбиркорликнинг негизи вазифасини бажармоқда. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш жараёни муваффақиятли амалга оширилмоқда, мулкдорлар синфи шакллантирилмоқда. Мулкый ҳуқуқлар мазмуни ўзгариши билан бирга мол-мулк объектлари

<sup>10</sup> Лукичёва Л.И., Управление интеллектуальным капиталом. Учеб. пос. 2-е изд. – М.: «Омега-А» 2009. 52с.

доираси ҳам кенгайдн. Жумладан, инсоннинг ижодий фаолияти натижалари, фуқаролик муомаласи иштирокчиларнинг индивидуаллаштириш воситалари мол-мулк сифатида тўла эътироф этилди. Натижада мулк ҳуқуқлар мажмуида янги тизим-интеллектуал мулк институти вужудга келди.

Интеллектуал мулк ҳуқуқи соф моддий мулк ҳуқуқидан фарқли равишда жамиятнинг иқтисодий, ҳам маънавий турмушида ўз илдизларига эга. Ҳар қандай ижтимоий муносабат расмий норма билан тартибга солинавермайди. Шундай экан, ҳар қандай умумий маънодаги ижодий фаолият ҳам ҳуқуқий ҳам иқтисодий муносабат объекти бўлиши учун маълум талабларга жавоб бериши шарт деб ҳисобланмайди. Бу талаблар умумий ва махсус талабларга бўлинади. Умумий талаблар ҳар қандай ижодий фаолиятга нисбатан тааллуқли бўлса, махсус талаблар ижодий фаолиятнинг айрим соҳалари маҳсулотларига нисбатан қўйилади.

Интеллектуал фаолиятни тартибга солиш ва бошқариш натижаларига қўйиладиган умумий талаблар ёки белгилар куйидагилардан иборат:

– ижодий фаолиятда моддий ишлаб чиқариш фаолияти эмас, балки фикрлаш, тафаккур қилиш асосий етакчи ўринни эгаллайди, шу сабабли ҳам у интеллектуал ижодий фаолият ҳисобланади;

– интеллектуал фаолият натижасида вужудга келган маҳсулот ижодий ёндашув асосида яратилгани учун янги ёки оригинал бўлади, баъзан янгилик ёки оригиналлик маҳсулотнинг айрим туб элементларида ҳам мужассамланиши мумкин;

– интеллектуал мулк объектлаштирилган шаклда мужассамланган бўлиши шарт (сўзлар билан матнда, ҳаракатда, тасвирда). Бу объектлаштирилган шакли турлича бўлиши мумкин, лекин асосийси у бошқа шахсларнинг ижодий фаолият маҳсулини ақлан қабул қилишга имкон бериши шарт;

– интеллектуал фаолият натижалари ҳар доим ўз яратувчи


муаллифларига эга. Муаллифнинг номи кўп ҳолларда ижодий фаолият маҳсулининг таркибида уни ўзига хос тарзда кузатиб юривчи ҳамроҳи ҳисобланади;

– интеллектуал фаолият натижалари гоявий-идеал кўринишида ёки гоявий-идеал негиздаги моддий-ашёвий кўринишида бўлиши мумкин;

– интеллектуал фаолият натижасидан кўп ҳолларда бир вақтнинг ўзида чексиз доирадаги шахслар фойдаланиши мумкин. Бу эса интеллектуал фаолият маҳсули соҳибининг институционал ҳуқуқий мақомини белгилашда, унинг ўз ҳуқуқларини рўйёбга чиқариш механизмини ишлаб чиқишида, ўзига хосликларни келтириб чиқарадики, қуйида бу ҳақда батафсил тўхталиб ўтамиз.

Кўрсатиб ўтилган умумий талаблар ва белгилардан ташқари иқтисодий адабиётларда интеллектуал фаолиятнинг бошқа белгилари ҳақида ҳам фикрлар баён этилган. Масалан, уларнинг инсон меҳнат фаолияти натижаси сифатида қиймат ва баҳога эга эканлиги. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, иқтисодий категория сифатида интеллектуал фаолиятнинг қиймат ва баҳога эга бўлиши интеллектуал мулк бозорини тартибга солиш предмети бўла олади.

Интеллектуал мулкни яратиш ва уни бошқаришнинг миллий тизимда олтига институционал ҳуқуқий асосга бўлишимиз мумкин. Булар, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Халқаро шартномалар, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Вазирликлар, Давлат кўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ва қарорлари (1.1-расм).



1.1-расм. Интеллектуал мулкни яратиш ва уни бошқаришни ҳуқуқий асослари.<sup>11</sup>

Интеллектуал мулк инсоннинг ижодий фаолияти натижа-сида яратилган адабий, бадий, санъат асарлари ва саноат на-мунасиدير. Ижодий фаолият, ўз навбатида, инсон тафаккури маҳсули ҳисобланади. Шу боис интеллектуал фаолият ишти-рокчилари, яъни муаллифлар фуқаролик-ҳуқуқий муносабат-ларнинг энг фаол субъектларидир. Бугунги кунда интеллектуал мулк ҳуқуқига оид қонунчиликнинг изчил ислоҳ қилинаётгани интеллектуал мулкнинг ҳуқуқ тизимида асосий институтлар-дан бири сифатида ривожланаётганидан далолат беради.

Кейинги йилларда республикамызда ҳам интеллектуал мулк ҳуқуқига оид қонунчилик таркибан ва мазмунан жиддий янгиланди. Унга кўра интеллектуал мулк ҳуқуқини патент ҳуқуқи, муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларга ажратиш мумкин. Миллий қонунларимызда айнан ана шу тоифадаги

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Фуқаролик Кодекси, Интеллектуал мулк объектларининг ҳуқуқий муҳофазаси соҳасидаги қонунлар асосида муаллиф ишланмаси.



хукуклар эътироф этилган ҳолда, барча тафаккур мулкининг хукукий муҳофаза қилинишини Фуқаролик кодексига кўришимиз мумкин. Кодекснинг нормалари, ўз навбатида, бир қатор соҳавий қонунларнинг ҳам қабул қилинишида хукукий асос бўлиб хизмат қилади.

Республикамизда интеллектуал мулк бозорини тартибга солишнинг ташкилий-хукукий ва иқтисодий механизмларини яратилишини куйидаги босқичларга ажратиш мумкин (1.1-жадвал).

1.1-жадвал

**Интеллектуал мулк бозорини тартибга солишнинг ташкилий-хукукий ва иқтисодий механизмларини яратилиш босқичлари<sup>12</sup>**

<b>ЯРАТИЛИШ БОСҚИЧЛАРИ</b>	<b>ЧОРА-ТАДБИРЛАР МАЖМУИ</b>
Биринчи босқич 1991-1995 йиллар	- бу давр жаҳон патент/муаллифлик тизими тажрибасини ўрганиш, соҳага оид ихтисослашган халқаро ташкилотларга аъзо бўлиш, миллий қонунчилик асосларини яратиш, давлатнинг ваколатли органи, яъни Давлат патент идораси, Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш Давлат агентлиги ташкил этилди.
Иккинчи босқич 1996-2002 йиллар	- бу даврда интеллектуал мулк бойликларини хукукий жиҳатдан муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилди. Бу йилларда фақатгина патент ҳуқуқи соҳасида умуммажбурий характердаги 15 та ҳужжат ва идора фаолиятини тартибга солидиган 120 дан зиёд меъёрий-хукукий ҳужжат ҳам рўйхатга олинганини қайд этиб ўтиш лозим. Бу ривожланган давлатларнинг шу соҳада фаолият олиб борадиган идоралари тажрибасини республикамизда тизимли ҳамда самарали жорий этиш имконини берди.

<sup>12</sup> Муаллиф томонидан ишланди.

1.1-жадвалнинг давоми

Учинчи босқич 2003-2012 йиллар	- бу йилларни «хамкорлар билан ишлаш даври» деб номлаш мумкин. Ҳуқуқий муҳофаза қилинадиган интеллектуал мулк объектлари ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиш, халқаро анжуманлар ўтказиш орқали республикамизда олиб борилаётган соҳага оид ислохотларни дунё жамоатчилигига етказиш, соҳага оид миллий қонунчиликнинг қўлланиши ва халқаро актларнинг ижроси юзасидан назорат-таҳлил ишлари ўтказилиши, омма ўртасида тарғибот ишларини юритиш кучайганини кўриш мумкин.
Тўртинчи босқич 2012-2018 йиллар	- бу давр оралиғида ҳар бир мамлакат иктисодий-ижтимоий фаровонликка эришиш учун интеллектуал мулк муҳофазасининг мустаҳкам тизимига эга бўлиши учун ягона бошқарув тизимини ташкил этди.
Бешинчи босқич 2019 йилдан янги давр бошланиши	- интеллектуал мулк соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш чора-тадбирларини бошлаб берди.

Интеллектуал мулкни бошқаришнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, давлат органлари ва манфаатдор ташкилотларнинг биргаликдаги фаолиятини таъминлаш, энг асосийси жамиятнинг турли қатламлари, айниқса, ёш авлод орасида соҳага оид назарий, ҳуқуқий билимларни тизимли тарғиб қилиш долзарб вазифалардан биридир.

Бугунги кунда бутун дунёда интеллектуал мулк объектларини таркибларга ажратиш, объектларга ҳуқуқий режим бериш, ҳуқуқ эгалари манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини соддалаштириш орқали кодификация жараёни олиб борилаётгани кўзга ташланмоқда. Бизнингча, республикамизда интеллектуал мулк ҳуқуқи билан боғлиқ барча қонунларни жамлаб, алоҳида «Интеллектуал мулк кодекси»га киритиш вақти келди.

Қонунлар сонининг кўпчилиги айрим нормаларнинг бошқа қонунларда такрорланиши ёки умумий ҳавола йўсинидаги

нормаларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Шунингдек, соҳага оид қонунлар илмий концепцияси ихчамлашиб, кодексда яхлит илмийликка асосланган, назарий жиҳатдан асослаш мумкин бўлган нормалар жамланиши мумкин.<sup>13</sup>

Иктисодиётни ривожлантиришда эса барча тадбиркорлик субъектларини инновацион фаолиятга жалб этиш, олимлар ва корхоналар ўртасидаги ҳамкорликни таъминлашга эришиш, интеллектуал мулк объектларини ишлаб чиқаришга жорий этишнинг турли шакл ва воситаларидан кенг фойдаланиш, миллий патентлар бозорини ривожлантириш лозим. Юқорида кўрсатилган масалалар ўз ечимини топса, мамлакатимизнинг иқтисодий қудрати янада ошган, жаҳон иқтисодиётидаги салмоғи кенгайган бўларди. Зеро, бугунги авлод дунё тамаддунининг тамал тошини қўйган буюк аждодларнинг салоҳиятли вориси эканини намоён этиши учун барча имкониятлар мавжуд.

Интеллектуал мулк ҳуқуқи билан боғлиқ иккита тушунчани аниқлаштириб олиш керак: муҳофаза ва ҳимоя. Муҳофаза бирор интеллектуал мулкни яратиб, уни рўйхатдан ўтказишгача бўлган жараён. Масалан, ихтиро яратилса, Интеллектуал мулк агентлигида патентланади ва муҳофазага олинади. Ҳимоя эса ундан кейинги жараён. Кимдир интеллектуал мулкдан берухсат фойдаланса, интеллектуал мулк ҳимоя қилинади.

Ижодий соҳалар жамият тараққиётининг барча босқичларида ижтимоий ишлаб чиқаришни янада юқорирок даражага олиб чиқадиган прогрессив ишланмалар манбаи бўлиб хизмат қилган. Иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг юқори поғоналарига эришиш ва жамият фаровонлигини ошириш йўлида ҳар бир жамият интеллектуал мулк муҳофазасининг мукамал ташкил этилган тизимига эҳтиёж сезади. Жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётига

---

<sup>13</sup> <http://elibrary.ru>

ёрдам берадиган ижодкорларга тўланадиган муаллифлик ҳақи прогрессив ишланмаларни муҳофаза қилишнинг қадимий шакллари билан бири ҳисобланади.

Илм-фан, адабиёт ва санъат асарларини яратиш ҳамда улардан фойдаланиш билан боғлиқ иқтисодий муносабатларда муаллифлик ҳақларини ундириш ва тарқатишда нодавлат ва нотижорат кўринишидаги жамоавий институтни, яъни муаллифлик ҳуқуқини химоя қилиш жамоа ташкилотини ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Институционал ўзгаришлар сезиларсиз тарзда кечиши ёки тезда такомиллашувга олиб келиши мумкин. Бу жараёни жадал ва самарали механизми Ўзбекистон Республикасида муаллифлик ҳақини тўлаш тизимида қуйидаги масалаларни ҳал этиш билан боғлиқдир. Асар муаллифларига солиқ ва бошқа преференциялар тақдим этиш, иқтисодий рағбатлантириш, муаллифлик асарларини баҳолаш, ҳукумагимиз томонидан қўллаб-қувватлашни тизимли тарзда йўлга қўйиш ва бошқалар.<sup>14</sup>

Масалани муаммоли томони шундаки, ижод маҳсули учун албатта сарф-харажатлар талаб этилади. Шу сабабли уларни яратишдаги фаолиятига қўлланадиган меъёрни, яъни 30 фоизли чегирма орқали солиқ базасини аниқлашни миллий иқтисодиёт қонунчилигида асослаб қўйилган. Бу кўрсатиб ўтилган маълумотни кейинги тадқиқотларимизда алоҳида тўхталамиз. Ўйлашимиз бўйича дастлаб бюджет даромадларини шакллантиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар заминидан албатта муаллифларни қўллаб-қувватлаш сиёсати туради. Маълумки, қилинган ҳар бир рағбатлантириш остида бюджет даромадлари базасини шакллантириш туради. Тўғри аввал бюджетга солиқ миқдори камайиши юз берса, барқарор иқтисодий ўсишда солиқ базаси кенгайди. Натижада бюджет

<sup>14</sup> <http://andijan.uz>

даромадлари ортади. Яна бир томони шундаки, муаллифга иктисодий рағбатлантириш юз беради. Илм-фан, адабиёт ва санъат муаллифларини замон талаблари асосида қўллаб-қувватлаш, муаллифлик ҳақини ўз вақтида тўлашни тизимли равишда ташкил этиш мақсадида қарор ва лойиҳалар ишлаб чиқиш Ҳаракатлар стратегиясининг бош мақсадига айланган.

Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида<sup>15</sup> илм-фан ва илмий фаолиятни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш ҳамда молиялаштириш манбаларини диверсификациялаш борасидаги мақсадли параметрларида 2025 йилга қадар илм-фанга йўналтириладиган жами маблағларнинг ялпи ички маҳсулотга нисбатан улушини 6 бараварга, 2030 йилгача эса 10 бараварга ошириш ҳамда 2025 йилга қадар илм-фанни умумий молиялаштириш ҳажмида илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига хусусий сектор томонидан ажратиладиган маблағлар улушини амалдаги 8 фоиздан 20 фоизга, 2030 йилгача эса 30 фоизга етказиш билан бирга инновацион ишланмалар ва стартап лойиҳаларни молиялаштириш мақсадида хорижий етакчи инвестиция компаниялари билан ҳамкорликда 2021 йилда 2 та, 2025 йилда 10 та венчур жамғармаларини ташкил этиш кўзда тутилган бўлиб, бугунги кунда самарали чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда, жумладан, илм-фан соҳаси ва илмий тадқиқот ишларини 2021-2023 йилларда молиялаштириш ҳажмини таҳлил қиладиган бўлсак, жами 2021-2023 йиллар оралиғида 8715309,1 млн. сўм (284515,4 минг АҚШ доллари) молиялаштирилиб шундан, 2021 йилда 1592137,1 млн.сўм (30283,1 минг АҚШ доллари) 2022 йилда 2508927,6 млн.сўм (102542,3 минг АҚШ доллари) ва 2023 йилда 4614244,4 млн. сўмни (151690 минг АҚШ доллари) ташкил этади.<sup>16</sup>

<sup>15</sup> <https://regulation.gov.uz>

<sup>16</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сонли Фармони.

Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясининг стратегик мақсади – миллий иқтисодийни ривожлантиришнинг инновацион ва юқори технологик форматига ўтиш, мамлакатимизнинг рақобатдош устуликларини амалда қўллаш ва тўғри сафарбар қилиш, инновацион маҳсулотлар ҳажмини юқори қўшилган қийматга кенгайтириш, иқтисодий ўсишни таъминлайдиган интеллектуал мулк бозорини яратувчиларга инвестицияларни йўналтириш, инновацион ёндашувга ҳамда илмий тадқиқотлар ва эришилган натижаларга асосланган илмий ечимини топиш, халқаро миқёсда илмий ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда халқаро рейтингларда нуфузли ўринларда бўлиш ҳисобланади.

Илм-фан, адабиёт ва санъат асарларини яратиш сарф-харажатлари ва уни ҳисоблаш бўйича маданият ва санъат ташкилотлари, ижодий уюшмалар ва оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада ривожлантириш, шу соҳада меҳнат қилаётган, ўзининг бадиий, ижтимоий-сиёсий руҳдаги ижодий асарлари билан халқимиз маънавиятини юксалтириш, жамиятимизда тинчлик-осойишталик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшаётган шоир ва ёзувчилар, рассомлар, маданият ва санъат ходимлари, журналистлар меҳнатини рағбатлантириш бўйича қўшимча шароитлар яратиш мақсадида ҳукумат қарори қабул қилинди (1.2-жадвал).<sup>17</sup>

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари шаҳарларда барпо этиладиган кўп квартирали арзон уйлар ҳамда кишлок жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган арзон уй-жойларга мухтож фуқаролар рўйхатини белгиланган тартибда шакллантиришда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, «Ўзбеккино» Миллий агентлиги,

<sup>17</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 августда 3201-сонли Қарори.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги тизимидаги ташкилотлар, Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Бадиий академияси, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси аъзолари ва ходимлари, жумладан, ушбу соҳалардаги истеъдодли ва истиқболли ёшларнинг уй-жойга бўлган эҳтиёжи инобатга олинди.

Шу билан бирга илм-фан, адабиёт ва санъат асарлари нашр этилгани учун муаллифлик ҳақининг энг кам ставкалари, оммавий ижро учун драматик, мусикали ва мусикали-драматик, адабий асарлар яратиш бўйича буюртмаларни бажаргани учун, ҳайкалтарошлик асарлари, тасвирий санъат асарлари яратгани, бадиий лойиҳалаштириш ва конструкциялаш ишлари учун муаллифлик ҳақининг энг кам ставкалари, шунингдек, ушбу пул Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўланганида унинг энг юқори ставкалари ҳам белгиланган.<sup>18</sup>

1.2-жадвал

**Илм-фан, адабиёт ва санъат асарлари нашр этилганлиги учун муаллифлик ҳақининг энг кам ставкалари (фоизда)<sup>19</sup>**

Муаллифлар	Битта китобнинг бошланғич нархи (қиймати)дан фоиз ставкалари тарзида тўланадиган энг кам ставка		Ўзгариши
	Бекор бўлган	Амалда	
1. Янги асарларни нашр этиш: – асар муаллифига	5	10	2 барабар

<sup>18</sup> <http://uza.uz>

<sup>19</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 8 январдаги 8-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 августдаги 3201-сонли Қарорлари асосида муаллиф ишланмаси.

1.2-жадвалнинг давоми

2. Таржима асарларни нашр этиш:			
- янги асар муаллифига	3	6	2 баравар
- таржимонга	2	4	2 баравар
3. Оралиқ таржимадан фойдаланган ҳолда нашр этилган тақдирда:			
- янги асар муаллифига	3	6	2 баравар
- оралиқ таржима таржимонига	1	2	2 баравар
- нашр этилган тил таржимонига	2	4	2 баравар

Муаллифлик ҳақини ҳисоблаш ва тўлаш тизимининг асосий мезон ҳамда уни жорий этиш самарадорлиги бўйича ишланмалар бўлиб, бунда чин рақобат ўрнига қароқчиларга ҳаракат килиш ҳолатдаги ҳам ўрганилади. Шундан келиб чиқиб «контрафакт» сўзи – муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни бузиш маъносида ишлатилади. Бугунги кунда «контрафакт» сўзи ўрнида тез-тез қароқчилик маҳсулоти ибораси ишлатилиб, бу салбий ҳолатни олдини олишда мамлакатимизда чоратадбирлар ишлаб чиқилган ва тегишли қонун ва қонуности ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган. Интеллектуал мулкни ҳимоялаш билан боғлиқ чора-тадбирлар механизми бутун дунё мамлакатларида амалда бўлиб такомиллаштирилиб келинмоқда. Масалан, Евросиё иқтисодий иттифоқи аъзо давлатлари томонидан интеллектуал мулкни ҳимоялашдаги чора-тадбирлари қуйидагича амал қилади (1.3-жадвал).



**Евросиё иқтисодий интеграцияга аъзо давлатлари томонидан  
интеллектуал мулкни ҳимоялашдаги чора-тадбирлари  
(жиноятлар тури бўйича жазо чоралари)<sup>20</sup>**

Давлатлар	Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларининг бузилиши	Шахсийлаштирилган маҳсулотларнинг ҳуқуқини бузилиши	Патент ҳуқуқининг бузилиши
Арманистон Республикаси	2 йилга	3 ойга қамок	2 йилга
Белоруссия Республикаси	5 йилга	5 йилга	5 йилга
Қозғистон Республикаси	6 йилга	75 кунга қамок	7 йилга
Қирғизистон Республикаси	5 йилга	240 соат жамоатчилик ишларига	5 йил
Россия Федерацияси	6 йилга	6 йилга	5 йилга

Шуни алоҳида такидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 149-моддаси «Муаллифлик ёки ихтирочилик ҳуқуқларини бузиш» деб номланади. Шунга кўра, базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.<sup>21</sup> Шунингдек, Ўзбекистон Республика-

<sup>20</sup> Роль интеллектуальной собственности в развитии евразийской интеграции. Под редакцией С.Б. Алиева, академика РАН, докт.техн.наук, профессор. -Москва 2016. -76с. (98)

<sup>21</sup> <https://lex.uz>

сининг 2021 йил 20 августдаги 709-сон қонунида «зарарлар етказилиши фактидан қатъи назар, ҳуқуқбузарликнинг хусусияти ва ҳуқуқбузарнинг айби даражасидан келиб чиқиб, иш муомаласи одатларини ҳисобга олган ҳолда зарар қопланиши ўрнига базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан минг бараваригача миқдорда тўланиши лозим бўлган товонни тўлашини»<sup>22</sup> кўрсатиб ўтилган.

## 1.2. Интеллектуал мулкни шакллантириш механизмлари

Интеллектуал мулкни шакллантиришда иқтисодий механизм тушунчаси иқтисодий адабиётларда бутун мамлакатнинг ва алоҳида хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий фаолиятини ташкил этишда кенг қўлланилади. «Механизм» атамаси турли хил бирикмаларда, масалан, «хўжалик механизми», «иқтисодий механизм», «инновацион механизм», «инновацион иқтисодий механизм», «ташкилий механизм», «ташкилий иқтисодий механизм» ҳамда «молиявий механизм» ва бошқаларда ишлатиладиган адабий манбаларнинг катта рўйхатини келтириш мумкин. «Механизм» сўзи (юнонча *mechané* – машина)нинг маъносида, ҳар қандай фаолият турини белгилаб берадиган тизим ва қурилма сифатида таржима қилинади.<sup>23</sup>

XX асрда мулк муҳим ўрин эгаллаган ягона иқтисодий йўналиш сифатида, АҚШда шаклланган институционализм эди. Мулк асосчилардан бири Торстейн Вэблен (1857-1929) ишлаб чиқариш билан ҳеч қандай алоқаси бўлмаган, эгасига даромад келтирувчи сифатида ғойибона мулкчилик

<sup>22</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 20 августдаги 709-сон қонуни.

<sup>23</sup> Наумов А.Ф., Степанова И.П. Управление интеллектуальной собственностью. Учебное пособие. Саратов, 2017. 220с.

тушунчасини кенг илмий муомалага киритди.<sup>24</sup> Шундан кейин ХХ аср 20-30 йилларида мулкчилик тоифасини аниқлашда янги Австрия мактабининг вакили Людг фон Мизес (1881-1973) мулкнинг иқтисодий тоифасини батафсил изоҳлаб берди. У, мулк иқтисодий жиҳатдан активдир деб тавсифлади. Шунинг учун мулк тоифасини кўриб чиқишда бундай ёндашувни функционал деб аташ мумкин. Л.Мизес мулкнинг ҳуқуқий тарафларини ўрганмайди, лекин мулкни актив сифатида бошқариш кераклигини ўрганади. Шу билан бирга, у мулк ҳуқуқига оид яна бир қондани тўғридан-тўғри баён қилди.<sup>25</sup>

Мулк эгасининг ҳуқуқларини муайян юридик муассасалар эмас, балки компания томонидан бир шахс ёки одамлар гуруҳи томонидан товарлардан фойдаланиш натижалари ва бу фойдаланиш учун жавобгарлик тўғрисида эътироф этилган талаблар сифатида изоҳлайди. Мулк ҳуқуқи муваффақиятли бўлиш учун мулк ҳуқуқи эгасига, бир томондан ушбу товардан фойдаланиш натижасида олинадиган барча имтиёزلарни талаб қилиш ҳуқуқини бериши ва бошқа томондан эса уни ишлатишда етказилган барча зарар учун айблаш кераклигини уқтиради ва шундагина мулк ҳуқуқининг эгаси натижага тўлиқ жавоб беради.<sup>26</sup> Л.Мизес талқинида мулк ҳуқуқларининг энг муҳими, бу анъанавий эгалик қилиш, фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқлари эмас, балки фойдаланишдан фойда олиш ҳисобланади.

ХХ асрнинг ўрталарида неонституционализм доирасида мулк категориясини кўриб чиқиш учун яна бир ёндашув шаклланди. Асосчилари, А.Алчян (1914-2013) ва

---

<sup>24</sup> Назила К.Н., Кокурина Д.И., Агабекова С.И., Инновационная политика. Учебное пособие. – М.: Юрайт. 2019. -157-160сс.

<sup>25</sup> <http://elibrary.ru>

<sup>26</sup> Мизес Л. Человеческая деятельность. Трактат по экономической теории М Экономика, 2000, -488с

Г.Демсец (1930-2019)<sup>27</sup>лар бўлиб, улар ўз асарларида мулк ҳукуқи назариясининг асосларини яратдилар. Бу масалада неоинституционал ёндашув ва классик ёндашув ўртасида фарқ шундан иборатки, А.Алчян ва Г.Демсец ва унинг издошлари мулкни ташкил этувчи «тўплам» (пучка) таркибини ўзгартирадиган кучлар рўйхатини кенгайтirdилар. Масалан, 1961 йилда инглиз ҳуқуқшуноси Артур Оноре томонидан ишлаб чиқилган мулк ваколатларининг тўлиқ тўплами 11 элементни ўз ичига олади<sup>28</sup>. Мулк ҳуқуқлари назарияси доирасида «мулк» тушунчаси одатда турли шахслар ўртасида ҳар хил улушларда тақсимланган ҳуқуқлар тўплами сифатида талқин этилади. Айнан, Артур Оноре рўйхати ўз ичига олган мулк ҳуқуқлари тўплами таърифи «тўлиқ» ҳисобланади:<sup>29</sup>

Булар, 1) мулкка эгалик ҳукуқи (*ins possendi*), яъни мулкни жисмоний назорат қилиш ва мутлақ бошқарувни амалга ошириш шу жумладан эгасининг вакиллари ёки ишончли шахслари орқали назорат қилиш;

2) фойдаланиш ҳукуқи (*ins utendi*), яъни ашёдан шахсий фойдаланиш ҳукуқи;

3) тасарруф этиш ёки бошқариш ҳукуқи (*ins abutendi*), ашё қандай ва ким томонидан ишлатилиши тўғрисида қарор қабул қилиш;

4) мулкни ўзлаштириш ёки даромад олиш ҳукуқи (*ins fruendi*), яъни ашёдан аввал шахсий фойдаланиш ёки ундан фойдаланишга бошқа шахсларнинг руҳсатномаси натижасида олинadиган имтиёзлар;

---

<sup>27</sup> Армен А.Алчян, Гарольд Демсец. Производство, стоимость информации и экономическая организация. Опубликовано в American Economic Review. 1972. С317. -218с.

<sup>28</sup> Олейник А.Н. Институциональная экономика. Учебное пособие. -М.: ИНФРА-М. 2002. (416с). -110с

<sup>29</sup> Беркинов Б.Б. Институционал иктисодиёт. Ўқув қўлланма. – Т.: YANGI NASHR, 2011. – 78-80 бетлар.

5) қолдик қиймати ёки суверен ҳуқуқи (*ins vindicandi*), яъни товарни бегоналаштириш, истеъмол қилиш, исроф этиш, ўзгартириш ёки йўқ қилиш ҳуқуқи;

6) хавфсизлик ҳуқуқи (*security right*), яъни мулкни мусодара қилишдан иммунитетни кафолатлайдиган ҳуқуқ;

7) мерос ҳуқуқи (*inheritance law*), яъни мерос қолдирган ҳолда ашёни бериш ҳуқуқи;

8) муддатсизлик ҳуқуқи (*perpetuity*), агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, вақт ўтиши билан чексиз эгаллик қилиш ҳуқуқи;

9) зарарли фойдаланишни тақиқлаш ҳуқуқи (*right to prohibit harmful use*), ашё ташқи салбий таъсир кўрсатиши билан боғлиқ бўлса, ундан фойдаланишни тақиқлаш ҳуқуқи;

10) ундириш шаклидаги жавобгарлик (*penalties*), яъни қарзни тўлаш учун нарсаларни олиш имконияти;

11) қутилаётган қолдик ҳуқуқи (*residual nature*), яъни ўтказиш муддати тугагандан сўнг бировга берилган ваколатларни «табiiй» қайтариш.

Тадқиқотлар натижасида ҳар бир ҳуқуқлар тўпламига нисбатан илмий, техник ва саноат соҳаларида интеллектуал мулк объектларини бошқариш хусусиятларини ўрганиб, интеллектуал мулк муносабатларининг субъектив томонини, яъни ушбу муносабатлар иштирокчилари ўртасида ваколатларни тақсимланиш схемасини ишлаб чиқдик (1.4-жадвал).

### Интеллектуал мулк объектларини бошқариш хусусиятлари<sup>30</sup>

№	Интеллектуал мулк объектларини «мулк ҳуқуқлари тўплами» асосида бошқариш	Мулк ҳуқуқларининг субъектлари					
		Муаллифлик ҳуқуқи			патент ҳуқуқи		
		Яратувчи муаллиф (ёки ҳаммуаллифлар)	Муаллифлик ҳуқуқи берувчи ташкилот	Фойдаланувчи	Ихтирочи муаллиф (ёки ҳаммуаллифлар)	Патент берувчи ташкилот	Фойдаланувчи
1.	Мулкка эгалик ҳуқуқи	+			+		
2.	Фойдаланиш ҳуқуқи			+			+
3.	Тасарруф этиш ёки бошқариш ҳуқуқи	+	+		+		
4.	Мулкни ўзлаштириш ёки даромад олиш ҳуқуқи	+	+	+	+		+
5.	Қолдик қиймати ёки суверен ҳуқуқи	+			+		
6.	Хавфсизлик ҳуқуқи	+		+	+		+
7.	Мерос ҳуқуқи	+			+		
8.	Муддатсизлик ҳуқуқи	+		+	+		
9.	Зарarli фойдаланишни тақиқлаш ҳуқуқи	+	+		+		
10.	Ундириш шаклидаги жавобгарлик ҳуқуқи	+	+		+		
11.	Кутилаётган қолдик ҳуқуқи	+			+		

Интеллектуал мулкни ташкилий-ҳуқуқий асосларини ўрганиб, уни иктисодий жиҳатдан актив (моддий ва номоддий) сифатида бошқариш кераклигини, шунингдек,

<sup>30</sup> Муаллиф томонидан ишланди.

ишлаб чиқариш омили бўлиб ижтимоий-иқтисодий самарадорлик кўрсаткичини белгиловчи иқтисодий категория эканлиги аниқланди. Самарадорликка жамият ва унинг ҳаёти жиҳатидан назар ташласак, ижтимоий самарадорлик сифатида қараб, бутун бир тизимнинг тутган ўрнини таҳлил этиш мумкин. Ижтимоий самарадорлик – бу хўжалик фаолиятининг натижаларини жамиятнинг мақсади ва эҳтиёжларига, унинг аъзолари манфаатларига мос келишини англатади.

Интеллектуал мулк муносабатларининг субъектлари, бизнинг фикримизча, объектга бўлган муносабатларга қараб ажратиш мақсадга мувофиқ. Хусусан: 1) интеллектуал фаолият натижаларини яратувчи муаллифлари (ёки ҳаммуаллифлар), яъни эгалари (мутлақ ҳуқуқлар эгалари); 2) интеллектуал мулк натижалардан бевосита иқтисодий фаолиятида фойдаланадиган хўжалик юритувчи субъектлар; 3) қолган «учунчи» томонлар.<sup>31</sup>

Интеллектуал мулк муносабатларининг вазифаларидан бири, бу муносабатлар объектларини «учинчи» шахсларнинг ружсатисиз ҳаракатларидан ҳимоя қилишдир ва иккинчиси интеллектуал мулк ҳуқуқларига ваколатларни тақсимлашда иштирок этмасликлари сабабли, келажакда улар кўриб чиқилмайди. Мисол сифатида биз интеллектуал мулкнинг мутлақ муаллифлик ҳуқуқи ва патент ҳуқуқлари объектларига нисбатан субъектив муносабатлар тузилишини кўриб чиқамиз. Ушбу муносабатлар субъектлари 1.5-жадвалда келтирилган.

Интеллектуал мулк объектлари (ИМО) ва мутлақ ҳуқуқлар объектларининг ҳуқуқий асослари ҳар доим ҳам мос келавермайди. ИМОларига баъзида мутлақ ҳуқуқлар тизими қамраб олинмаган, лекин ижодий натижалари бўлган объектлар қиради, масалан, ишлаб чиқариш сирлари (ноу-хау). Баъзи олимларнинг фикрига кўра ноу-хауга мутлақ ҳуқуқларнинг махсус режими қўлланилади деб ҳисоблашади.

---

<sup>31</sup> <http://elibrary.ru>

**Мутлак муаллифлик ҳуқуқи ва патент ҳуқуқларига оид интеллектуал мулк муносабатларининг субъектлари<sup>32</sup>**

Мутлак ҳуқуқлар тури	Субъектлар
Муаллифлик ҳуқуқи	Интеллектуал фаолият натижаларини яратувчи муаллиф (ёки ҳаммуаллифлар)
	Турдош ҳуқуқларга эга бўлган фойдаланувчи
	Муаллифлик ҳуқуқи эгаларининг мулкӣ ҳуқуқларини бошқарувчи ташкилот
Патент ҳуқуқи	Ихтиро муаллифи (ёки ҳаммуаллифлари)
	Интеллектуал мулк агентлиги
	Патент олган фойдаланувчи

Муаллифлик ҳуқуқи ва патент ҳуқуқ субъектлари ўртасидаги муносабатларни ҳамда интеллектуал фаолият натижаларига ваколатларни тасдиқлашда менежментнинг илмий ёндашувларидан бири бўлган маъмурий ёндашувдан фойдаландик. Бунда ижрочилар маъмурият қарори, буйруғига биноан бирор амални бажаришга мажбур қилинади ёки бу амални бажариш таъқиқланади. Биз бу масалани ўрганиб, интеллектуал мулкни тасарруф этиш жараёнида фақат маъмурий эмас, балки ихтиёрийлик ёндашувидан фойдаланишни таклиф этамиз. Маъмурийлик ва ихтиёрийлик ёндашувларининг бир-биридан фарқи менежмент функцияларини амалга ошириш жараёнида яққол намоён бўлади.

Интеллектуал мулк объектларини тартибга солишда менежментнинг маъмурий илмий ёндашувини қўллаб тегишли ҳуқуқларни муҳофаза қилишда ҳамда муаллифлик ҳуқуқи ва патент ҳуқуқи субъектлари ўртасидаги ваколатларни

<sup>32</sup> Муаллиф томонидан ишланди.



тасдиқлашда «ихтиёрий» ёндашув асосида тасдиқлашнинг мақсадга мувофиқлиги илмий асосланди (1.6-жадвал). Ушбу таклифни амалиётга жорий қилингани ўзаро ҳамкорликда ишлаш тизимини такомиллаштиришга ёрдам беради.

1.6-жадвал

### Интеллектуал мулк объектларини тартибга солишда маъмурий ва ихтиёрий ёндашув<sup>33</sup>

Интеллектуал мулк (ИМ)	Ҳимоя қилиш объекти	Рўйхатдан ўтказиш маъмурий ва ихтиёрий	Хавфсизлик хужжати	Мутлақ ҳуқуқларнинг амал қилиш муддати
Муаллифлик ҳуқуқи	Адабиёт, фан ва санъат асарлари	Талаб қилинмайди		Муаллифнинг ҳаёти давомида ва вафот этган йилдан кейин 50 йил
	Ҳосила ва композит асарлар			
	Компьютер дастурлари	Мажбурий	Гувоҳнома	
	Маълумлотлар базаси			
Турдош ҳуқуқлар	Ижро; Фонограмма; Эшиттириш.	Талаб қилинмайди		Ижро йилдан кейин 50 йил давомида ишлаб чиқариш, эфирга узатиш
	Ишлаб чиқарилган маълумотлар базаси			Ишлаб чиқарилган йилдан кейин 15 йил
	Нашрлар			25 йил нашр этилганидан кейин
Патент ҳуқуқи	Ихтиролар	Мажбурий	Патент	20 йил
	Фойдали моделлар			10 йил (3 йилга узайтириш)
	Саноат намуналари			15 йил (10 узайтириш)

<sup>33</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

1.6-жадвалнинг давоми

Селекция ютуқлари ҳукуқи	Ўсимлик навлари	Мажбурий	Патент	30 йил (танланган турлар учун 35 йил)
	Ҳайвонлар зоти			30 йил
Интеграл микросхемалар топологияси ҳукуқлари		Хоҳишига	Гувоҳнома	10 йил
Ишлаб чиқариш сирлари бўйича ҳуқуқ (ноу-хау).		Талаб қилинмайди		Сирлиги очилгунга қадар
Шахсийлаштириш воситаларига бўлган ҳуқуқлар	Фирма номи	Талаб қилинмайди		Юридик шахсларнинг ягона давлат реестридан чиқарилгунга қадар
	Товар белгиси ва товар келиб чиққан жойнинг номи	Мажбурий	Гувоҳнома	10 йил давомида ҳар бир янгилаш ҳуқуқи билан 10 йил
	Тижорат сир	Талаб қилинмайди		Чекланмаган

Ишлаб чиқариш сирлари (ноу-хау)<sup>34</sup> химояланмаган объектдир. «Ноу-хау» сифатида тан олинган ахборот одатда махфий характерга эга ишлаб чиқариш сирлари ҳисобланади ва улар учунчи шахсларга ошкор этилмайди<sup>35</sup>, бошқача айтганда, ноу-хауда фақат ҳуқуқий монополия мавжуд.

Бундай ҳолда мулкий ҳуқуқларни ўтказиш усулига қараб субъектлар ўртасидаги ваколатлар таксимланади. Ҳуқуқларни топширишнинг иккита варианты мавжуд бўлиб, биринчи вариант «а» (муаллифлик ҳуқуқи): асар муаллифи муаллифлик

<sup>34</sup> Козырев А.Н. Оценка интеллектуальной собственности: Функциональный подход и математические методы. -М.: 2016. Центральный экономико-математический институт РАН. -73-75с

<sup>35</sup> Окулов Омонбой, Интеллектуал мулкнинг ҳуқуқий асослари., ю.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. –Т.: ТЮДУ.2000. (305) – 3 боб 6 параграф. 164-189б.

ҳуқуқи эгаларининг мулкӣ ҳуқуқларини бошқарувчи ташкилот билан шартнома тузади, унга мувофиқ муаллиф фойдаланувчига роялти тўлашнинг муддати учун тўлик инвестицияни беради.

Иккинчи вариант «б» (патент тўғрисида қонун): интеллектуал мулк ҳуқуқларини бошқарувчи ташкилот Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги(ИМА)да ўз ихтироси учун патент олган муаллиф, фойдаланувчига олдиндан ҳисобланган суммани тўлаш шarti билан (ягона тўлов шаклида) маълум муддатга мутлақ лицензия беради. Бундай ҳолатларда мулк ҳуқуқи ваколатлари тўплами асосида тузилган институтлар ваколатларининг спецификацияси қуйидагича акс этади (1.2-расм).



1.2-расм. Муаллифлик ҳуқуқи ва патент ҳуқуқ субъектлари ўртасидаги институтлар муносабатининг тузилмаси.<sup>36</sup>

<sup>36</sup> Муаллиф томонидан ишланди.

Интеллектуал мулк муносабатларининг ўзига хос хусусияти ушбу муносабатлар объектларининг табиати ва бир хиллиги ҳамда мулк муносабатлари субъектлари ўртасида ваколатларни тақсимлаш усули ҳамда интеллектуал фаолият натижаларини яратувчи эгаларининг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш тизими билан белгиланади. Умуман олганда, интеллектуал мулк муносабатлари тизимининг тузилишини куйидагича ифодалаш мумкин.(1.3-расм).



1.3-расм. Интеллектуал мулк институти муносабатлари тизими.<sup>37</sup>

Шундай қилиб, интеллектуал мулк – бу интеллектуал фаолият натижаларига ваколатларни тасдиқлаш масаласида одамлар ўртасида юзага келадиган институционал тизим томонидан тасдиқланган ҳатти-ҳаракатлардир. Ушбу муносабатларнинг мажбурий элементлари эгалари – интеллектуал фаолият натижаларини яратувчилар, интеллектуал фаолият натижаларини фойдаланувчилари, ушбу муносабатлардаги

<sup>37</sup> Муаллиф томонидан ишланди.

ваколатлар спецификациясини таъминловчи интеллектуал мулк институти ва ушбу институт томонидан ажратилган интеллектуал мулкнинг ўзи ҳисобланади.

Артур Оноре рўйхати неоинституционализм доирасида машҳурликка эришди, бироқ, баъзи иқтисодчилар фикрича мулк ҳукуки назариясини ҳар қандай қатъи ваколат тўпламининг баёнотида хоҳ у шарафли рўйхат бўлсин, хоҳ бошқа бўлсин боғлашга асос йўқ деб қарашди. Мулк ҳукуки назариясининг баъзи замонавий тарафдорлари, умуман мулкни иқтисодий таҳлил қилишда иккита тушунча ишлайди, яъни якуний назорат ҳукуки ва қолдиқ даромад. Якуний назорат ҳукуки деганда «ушбу активдан фойдаланиш тўғрисида қонун ҳужжатларида аниқ белгиланмаган ва шартнома бўйича бошқа шахсларнинг ваколатларига берилмаган ҳар қандай қарорларни қабул қилиш ҳукуки» тушунилади. Бошқача қилиб айтганда, бу қонун билан чекланган ва ихтиёрий равишда бошқа шахсларга бериладиган ҳуқуқлардан ташқари, мулкдорга қолган ҳуқуқдир. Қолган даромад тушунчаси соф даромадни англатади, яъни актив эгаси барча томонлар билан ҳисоб-китоблардан кейин қолган миқдорни олиш ҳуқуқига эга. Бундан ташқари, ушбу тушунчаларнинг тўғри комбинацияси эгасини актив қийматини сақлаш ва оширишга ундовчи рағбатлантирувчи омилларни келтириб чиқаради.<sup>38</sup>

Мулк ҳуқуқлари тўплами кўплаб омилларга масалан, мулк турига қараб (давлат ёки хусусий мулкка, шахсий компания ёки акциядорлик жамияти) фарқ қилади. Шунинг учун келажакда интеллектуал мулкни иқтисодий категория сифатида, хусусан, интеллектуал мулкни тижоратлаштириш усуллариини ўрганаётганда, мулккий муносабатларини асосий функциялари

<sup>38</sup> П.Милгром, Дж.Робертс. Экономика, организация и менеджмент: В 2-х т./пер. с англ. И.В.Розмаинского, Д.Е.Тетерина, К.А.Холодилина под редакцией И.И.Елисеевой и В.П.Тамбовцева -СПб.: Экономическая школа, 1999. -т.1 -472с., т.2-424с. См.там.-413-415сс.

(интеллектуал мулкка эғалик қилиш, фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш)дан келиб чиқадиган ваколатлар таксимоти сифатида кўриб чиқиш керак. Мулккий ҳуқуқлар мажмуида интеллектуал мулкни таксимланган ҳуқуқлар тўплами сифатида талқин этишимиз мумкин.

Америкалик юрист П.Розенберг мутлақ ҳуқуқларни *de iure* ва *de facto*\* асосида фарқлашни таклиф этади. «Мутлақ ҳуқуқ *de facto*, унинг фикрича, ихтиро муаллифи томонидан яратилган ихтиродан фойдаланувчи учун унинг ҳуқуқларини тегишли равишда расмийлаштиришга ҳожат йўқ. Ушбу ҳуқуқ ихтиро моҳияти ва ундан фойдаланиш усуллари бошқа шахслардан сир сақлангунича амал қилади. Ихтиронинг ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат бўлмаган тақдирда, исталган шахс ушбу ихтиродан, агар уни қўллашнинг ноқонуний усулларига мурожаат қил-маса, фойдаланиши мумкин.»<sup>39</sup> «*de facto*» умуман мутлақ ҳуқуқларга нисбатан қўлланилмайди, чунки мутлақ ҳуқуқлар тегишли нормалар билан тартибга солинади.<sup>40</sup>

Иқтисодий шарт-шароитлар интеллектуал мулк институти мавжуд бўлишини такозо этар экан, ўз навбатида бу институт тизими иқтисодий омиллар турткилари остида доимий такомиллашаб боради. Бошқача айтганда, интеллектуал мулк институти ғоят тез суръатлар билан ривожланаётган илмий-техника тараққиёти орқасидан юрмасдан, балки уни доимий равишда ўз таъсир доирасида бўлишга имкон берувчи институционал майдон бўлиши лозим. Интеллектуал мулкнинг умумий муаммолари, уни тартибга солиш механизмларини ривожлантириш масалалари ҳам назарий ҳам амалий аҳамиятга эга масала сифатида долзарб бўлиб келмоқда. Интеллектуал мулк объектларининг бозор муносабатлари тизимида товар

<sup>39</sup> Рузакова О.А., Права интеллектуальной собственности. -М. 2004. Московския финансова-промышленная академия.(308с) -23с.

<sup>40</sup> <http://elibrary.ru>

сифатида ҳаракати илмий-иқтисодий жиҳатдан ўрганилиб чиқилмаган.<sup>41</sup>



1.4-расм. Интеллектуал мулк объектлари ва иқтисодий субъектлари ўртасидаги трансакция муносабатлари.<sup>42</sup>

Интеллектуал мулк субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар, улар ваколатларининг таркибий қисмлари ҳам чуқур таҳлил этилмаган. Интеллектуал мулк бозорини ҳимоя қилиш, бундай иқтисодий ҳуқуқларни амалга оширилишига қўмаклашувчи ташкилотларнинг фуқаролик-ҳуқуқий мақоми ҳам атрофлича ёндашув ва тизимли тадқиқотлар асосида ўрганиб чиқилмаган. Айни вақтда интеллектуал мулк объектларининг ҳуқуқий мақоми, объектларга нисбатан ҳуқуқ соҳибларининг ваколатлар ҳажми ва мазмуни бозор тизимида мутлақ янги оҳанг касб этмоқда, бу эса ўз навбатида баъзи бир эскирган қарашлар ва тасаввурларни қайта кўриб

<sup>41</sup> <http://elibrary.ru>

<sup>42</sup> Муаллиф томонидан тузилган

чиқишни, мутлако ўзгача характердаги ташкилий, конунчилик, меъёрий ечимларни ишлаб чиқишни тақозо этмоқда. Мулк ҳуқуқларининг субъектлари фаолиятини бошқариш жараёнида, мулкчилик ҳуқуқини алмашинишида, бошқа шахслар томонидан мулкка нисбатан ноқонуний хатти-ҳаракатлар содир этилган шароитларда уни химоя қилишда, шунингдек, иқтисодий ислоҳотлар жараёнида фаолият юритиб турган институтлар ва нормаларни янгиларни билан алмаштиришда трансформация ва трансакция харажатлари юзага келади (1.4-расм).

Иқтисодиёт субъектларининг самарали ишлаши кўп жиҳатдан трансакция харажатларининг вужудга келиш омиллари ва улар ўзгаришига боғлиқ бўлади. Шу нуқтаи назардан такомиллашиб боровчи институционал муҳитда трансакция харажатларининг шаклланиши, уларни камайтириш ва оптималлаштириш миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлашнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.<sup>43</sup> Шу катори интеллектуал мулк бозорини тартибга

<sup>43</sup> Маматова Ф.Х. Трансакция харажатларини тахлил қилиш асослари. – Т: «Фан ва технология», 2014й., 3-13 бетлар.

\* Утилитаризм (лот. utilis – фойдали) – ахлоқий ёндашиш (ахлоқий назария), унга кўра хатти-ҳаракат ёки ҳаракатнинг ахлоқий қиймати унинг фойдалиги билан белгиланади. Фойдани ахлоқнинг асоси ва инсон ҳаракатларининг мезони деб биландиган ахлоқий ёндашиш. (Буюк Британияда файласуф И.Бентам тавсифи остида, кейинчалик Австрия мактаби иқтисодчилари томонидан фойда назарияси шаклида ишлаб чиқилган). Л.П.Кураков, В.Л.Кураков, А.Л.Кураков. Экономика и права: словарь-справочник.-М. 2004.

\* Статика (юнон. «stistikos» – тик, ҳаракатсиз) – умуман олганда «statika» – тушунчаси дам олиш, жим туриш, турғунлик, барқарорлик ёки мувозанатни англатади. Ҳаракатсиз ҳолатни акс эттиради. (Ўзбек тилидан изоҳли лугати. Т1.(С). – Т.2018., -569. (жами 6226).

\* Динамика (юнон. »dinamikos» – куч, ҳаракат) – ҳаракат ва куч таъсири билан боғланган. Ҳаракат ҳолати, ўсиш, ривожланиш, воқеа, ходисалиги ўзгаришлик. (Ўзбек тилидан изоҳли лугати. Т1.(Д). – Т.2018., -6226. (жами 6806)). Динамика ва статика – мавжудлик ва таффақкур, ҳаракат, макон ва замон, дунёнинг ривожланиши ҳақидаги турли фалсафий ва илмий назарияларда муҳим роль ўйнайдиган ўзаро боғлиқ ҳодиса ва тушунчалардир.



солишни институционал механизмларини ривожлантиришда-хам.

Интеллектуал мулк ҳуқуқларининг иқтисодий таҳлили утилитар\* бўлиб, ҳар қандай тизимнинг фойдаси статик\* ва динамик\* нуктаи назаридан унинг харажатлардан устун келадими-йўқлигини сўрайди. Бозорда кутилаётган фойда ва харажатлар ижтимоий институтларнинг хусусиятларига боғлиқ. Шундай қилиб, халқаро ИМ ҳуқуқларини уйғунлаштириш учун «битта ўлчам барча учун» ёндашишга иқтисодий маъно йўқ.<sup>44</sup> *Бозор иқтисодиёти тизимида илм-фанни ташиқил этиши, уни бозор стихиясига ташлаб қўймаслик муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатимизда мулкдорлар синфини шакллантириш энг муҳим ижтимоий вазифалардан бири сифатида қаралмоқда, ижодкор зиёлилар ва тадбиркорлар илмий-ижодий уюшмалар интеллектуал мулк объектларини эгалари сифатида бозор муносабатларига фаол киришмоқлари лозим. Интеллектуал мулк объектлари мерос мол-мулк таркибига кириши ва мулкий ҳуқуқ сифатида ворисларга ўтиши лозим.*

### **1.3. Интеллектуал мулк бозорининг ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари**

Интеллектуал мулк объектларини фуқаролик муомаласига киритишдан мақсад илмий ишланмалар, тажриба-конструкторлик ишларининг ва бошқа объектлардан мамлакат иқтисодиётини юксалтириш учун фойдаланиш, бунинг натижасида манфаатдорликни таъминлаган ҳолда юқори технологик, рақобатбардош маҳсулот яратишга эришишдан иборат. Бу Ўзбекистон Республикасида интеллектуал мулк бозорини тартибга солиш ва бошқариш самарадорлигининг

<sup>44</sup> Keith E. Maskus, Intellectual Property Rights and Economic Development, 32 Case W. Res. J. Int'l L. 471.(2000), Available at: <https://scholarlycommons.law.case.edu/jil/vol32/iss3/4>. 506. -473.

институционал механизмини ташкилий-ҳуқуқий асосларни яратишда асос бўлади.

Интеллектуал мулк бозорини тартибга солиш механизмини такомиллаштириш ҳар бир ривожланган давлатнинг устувор йўналиши килиб олинган. Яратилган интеллектуал мулк объектларига ҳуқуқий кафолатни бериш, объектларни саноатда ва ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳаларида қўллаш бўйича лицензия шартномаларни расмийлаштириш, тегишли ҳуқуқларни ишлаб чиқарувчиларга ўтказиб бориш ҳамда уни бошқариш, муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар бозорини ташкил этиш талаб этилади.

«Бозор» тушунчасининг бир неча таърифлари мавжуд. Улардан бири бозорда товар ва хизматларни сотиш ҳамда сотиб олиш жараёнида истеъмолчилар ва ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги муносабатлар мажмуи сифатида ифодаланади. Иқтисодий жараёнлар учун бозор муносабатларининг объектлари сифатида биз анъанавий равишда товарлар ва хизматлар бозори, инвестиция бозори, меҳнат бозори, ишлаб чиқариш воситалари бозори, қимматли қоғозлар бозори ва бошқа бозорларнинг таниш турларига одатий ҳолга айланганмиз. Аммо интеллектуал мулк бозори бу нима?. Ҳозирги кунда бу бозор тўғрисида янги ғайриоддий қандайдир ноанъанавий ва ноаниқ нарса сифатида қараб келинмоқда.

Интеллектуал мулк бозори – интеллектуал мулкка мутлақ ҳуқуқ эгалари (сотувчилар сифатида) ўртасидаги иқтисодий муносабатлар тўплами сифатида инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилар, инвесторлар (харидор сифатида), давлат ҳокимияти ва маҳаллий ҳокимият органлари (тартибга солувчи сифатида) ва интеллектуал мулкнинг шаклланиши ҳамда айланиши масалалари бўйича профессионал воситачилар (юрислар, иқтисодчилар, баҳоловчилар, интеллектуал мулк менежерлари) ёрдамида инновацион технологияларни

яратилиши ва уларни ишлаб чиқаришда, хизматлар кўрсатишда фойдаланиши тушунилади.<sup>45</sup>

Мамлакатда саноат ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва ички иқтисодий инновацион ривожлантириш шароитида мамлакатимиз учун интеллектуал мулк бозори нафақат иқтисодий амалиёт нуқтаи назаридан, балки менежмент тадқиқотлар нуқтаи назаридан ҳам иқтисодий субъектлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг янги воситасидир. Интеллектуал мулк бозорининг яна бир муҳим хусусияти унинг асосий маҳсулотининг номоддий хусусиятида эканлиги. Корхоналарни бухгалтерия ҳисоби ва солиқ ҳисоботида бундай активлар номоддий<sup>46</sup> деб номланиши бежиз эмас.

Интеллектуал бозорининг шаклланиши бугунги кунда Ўзбекистон иқтисодий ривожланишининг асосий йўналишларидан биридир. Дунё интеллектуал фаолият натижалари билан фаол савдо қилар экан мамлакатимизда бозорнинг ушбу сегменти эндигина ривожланмоқда. Кўпгина маҳаллий корхона ва ташкилотлар нафақат интеллектуал фаолиятни бошқаришга аҳамият берадилар, балки бошқа муаллифлар томонидан яратилган «интеллектуал мулк» объектларидан фойдаланишга ҳам эътибор бермайдилар. Бироқ, энг жадал ривожланаётган корхоналарнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, интеллектуал мулк объектларининг юқори пакетига эгалик қилиш ва уларни ваколатли бошқариш бозорда фақат устунлик беради. Бу рақобатчиларнинг имкониятларини чеклайди ва натижада даромадларнинг доимий ҳамда сезиларли равишда ўсишини таъминлайди. Бугунги кундаги интеллектуал мулк бозори тегишли (микдор жihatдан) интеллектуал капиталга эга бўлан кўпгина мамлакатлар

<sup>45</sup> ГОСТ Р 55386-2012. Интеллектуальная собственность. Термины и определения. -Зс.

<sup>46</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2005 йил 25 мартдаги 35-сонли буйруғи билан «Тасдиқланган» Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти 7-сонли БҲМС.

миллий иқтисодиётининг муҳим йўналишларидан бирига айланмоқда. Интеллектуал мулк ижтимоий фаровонликнинг ўсишини белгилайдиган энг муҳим манбалардан биридир – бу интеллектуал мулк бозорининг иккинчи хусусиятидир.

Этакчи хорижий компанияларнинг мулкий мажмуаларида, шу жумладан интеллектуал хизматлар бозорида сотиб олинган мулкка асосланган номоддий активларнинг улушини доимий равишда ошиб бориши бежиз эмас. Интеллектуал мулк ишлаб чиқаришнинг ажралмас қисмига айланди. Бу моддий ишлаб чиқариш соҳасида юкори даромад олишга қодир бўлган манбаидир. Худудлар тизими сифатида интеллектуал мулк номоддий ва маълум шартларга кўра бир вақтнинг ўзида бир неча юридик ва якка тартибдаги тадбиркор томонидан фойдаланиши мумкин. Интеллектуал мулкни сотишда новатор ва уни ишлаб чиқувчиларнинг мутлақ ҳуқуқи ва билимлари ҳар доим ҳам бегоналаштирилмайди. Бу интеллектуал мулк бозорининг яна бир хусусияти.

Россиялик олимлардан А.Ф.Наумов, И.П. Степановаларнинг фикрича интеллектуал мулк бозорининг аҳамияти ва унинг роли куйидаги функцияларда намоён бўлади:<sup>47</sup>

– бозор – бу интеллектуал мулк ва ишлаб чиқариш муаллифлари (ҳуқуқий ворислари, патент эгалари) ўртасидаги боғлиқлик, яъни у сотувчилар ва харидорларни (ишлаб чиқарувчиларни) боғлайди ҳамда инновацион маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқаришнинг узлуксизлигини таъминлайди;

– бозор – оммавий фойда ва ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулот ёки хизматнинг (янгиликнинг) аҳамиятини яқуний тан олишни таъминлайди. Ҳар бир ишлаб чиқарувчи инновацион маҳсулотларни яратишни бошлаганида у жамият учун зарур бўлган нарсаларни ишлаб чиқаради деб тахмин қилади. Аммо ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳақиқатан ҳам зарурлиги

<sup>47</sup> А.Ф.Наумов, И.П.Степанова Управление интеллектуальной собственностью. Учебное пособие. Саратов, 2017. 81-82с.

(якуний аҳамияти) уни реализация қилиш шарти билан, яъни бозорда реал алмашинув шароитида ибботланади;

– бозор – рағбатлантирувчи функцияни бажаради. Бозор нархлари механизми ишлаб чиқарувчини ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, интеллектуал фаолият натижаларини жорий этишга, инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда маҳсулот бирлигига (таннархига) харажатларни камайтиришга мажбур қилади. Тадбиркор ишлаб чиқариш жараёнида иқтисодий мақсадлилиқ принциpidан фойдаланишга мажбур бўлган шароитда, яъни энг кам харажат билан максимал молиявий натижага эришишга интилади. Бунда рақобат шароитида инновацион технологиялар ёрдамида янги маҳсулотни таклиф қилиш орқали рақибни енгиш истагига ёрдам беради;

– бозор – аҳолига қуйидаги маълумотларни тақдим этади: бозорда интеллектуал мулк конъюнктураси тўғрисида; интеллектуал фаолият натижаларининг қиёсий сифат афзалликлари тўғрисида; инновацион маҳсулотларнинг тўйинганлик даражаси ва уларни ишлаб чиқариш харажатлари даражасини белгилайдиган нархлаш ахборот функциясини;

– бозор – рақобат механизми орқали жамиятни заиф, кучсиз иқтисодий субъектлардан озод қилади ва кучли ишлаб чиқариш соҳаларига санитар вазифасини ўтайтиди. Бир қарашда бундай иқтисодиётни «тиклаш» тизими жуда шафқатсиз бўлиб туюлиши мумкин. Дарҳақиқат, уларнинг хатолари учун ишлаб чиқарувчи тадбиркор мукаррар равишда иқтисодий жихатдан жазоланади, яъни йўқотишларга дуч келади, ҳатто банкрот бўлиши мумкин. Бирок, мохиятига кўра бу бузадиган эмас, балки кўпроқ ижобий функцияни бажарадиган табиий жараён. Бошқаларнинг ҳисобидан яшайдиган, зарар кўриб ишлайдиган, рақобатдош бўлмаган корхона ҳамда ташкилотлар фаол ва муваффақиятга эришадиганлар иқтисодиётининг «вамperi» бўлиб жамият ривожланишига тўсқинлик қилмоқдалар.

Интеллектуал мулк объектларининг ҳуқуқий монополии тадқиқ этиш куйидаги муаммолар билан ҳам узвий равишда боғлиқ:

биринчидан, дунё ва ривожланган мамлакатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда мамлакатимизда яхлит ва ягона интеллектуал товарлар ва у билан боғлиқ хизматлар бозорини вужудга келтириш;

тўқинчидан, илмий-ижодкор ва бадий-ижодкор субъектларнинг мулкӣ ва шахсий ҳуқуқларни аниқ-равшан белгилаб қўйиш, уларни амалга оширилишини кафолатлаш;

учинчидан, интеллектуал мулк бозоридаги тадбиркорлик субъектлари ўзаро муносабатларини шартномавий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;

тўртинчидан, республикамизда илмий тадқиқот ва бадий ижодиётни ташкил этиш, рағбатлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари ва тизимини қайта қўриб чиқиш ва ислоҳ қилиш.

Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш динамикаси ва миллий иқтисодиётнинг глобал рақобатбардош кўрсаткичлари фуқаролик муомаласида интеллектуал фаолиятнинг қандай натижалари жалб қилинишига, уларнинг нархи ва айланиш тезлигига боғлиқ. 2025 йилгача бўлган даврда интеллектуал ҳуқуқлар айланиши учун интеллектуал мулк ва рақамли инфратузилмаларнинг роли миллий иқтисодиётнинг ўсишини ва натижада мамлакатнинг дунёдаги таъсирини белгиловчи асосий омил бўлади. Бунинг шартлари глобал рақамли тармоқларнинг ривожланиши билан яратилган бўлиб уларнинг 70 фоизидан кўпроги интеллектуал мулк объектларининг ҳаракати ҳисобланади. Интеллектуал мулк институти замонавий глобал иқтисодиётнинг ядроси бўлиб «моддий» бозорларнинг ўсиш суръатларидан юқори, йилига 10 фоиздан кўпроқ ўсмоқда (Хитой-23%, АКШ-5%, Франция-2%, Россия-5%)<sup>48</sup>.

<sup>48</sup> Эффективное использование интеллектуальной собственности. Центр стратегические разработки. Москва-2017. 7-с.(жами57)

Миллий иқтисодиётнинг ўсишини ва мамлакатнинг глобал дунёдаги таъсирини белгилашда рақамли инфратузилмаларнинг ўрни муҳим саналади. Жадал ривожланаётган ва замонавий дунёда Интернет тармоғи орқали маблағ тўплаш лойиҳаларни молиялаштиришнинг муқобил ва истиқболли схемасига айланиб бормоқда. Хусусан, ахборот технологиялари соҳасидаги лойиҳаларни краудфандинг платформаси орқали жойлаштириш ва молиялаштириш механизми. Ушбу схема ёш тадбиркорлар ва стартапларга инвестицияларни жалб этиш ҳамда молиялаштириш манбаларини топиш имкониятини яратиб, куйидаги самарали натижаларга эришиш имкони беради (1.5-расм):

- интеллектуал мулк объектлари баъзасини шакллантириш;
- интеллектуал мулк бозори ривожланиши;
- аҳолида молиявий саводхонлик кўникмаларини ҳосил қилиш;
- интеллектуал мулк объектларини молиялаштириш манбаини аниқлаш кийин бўлган бошланғич bosқичларида қўллаб-қувватлаш;
  - инновацион ва технологик лойиҳаларга хорижий инвестициялар ва халқаро ташкилотларнинг маблағларини жалб этиш;
  - Ўзбекистон Республикасида стартапларнинг экотизимини ривожлантиришни жадаллаштириш;
  - молиялаштириш натижасида айланма маблағларни кўпайтириш орқали иқтисодиётга ижобий таъсир кўрсатиш;
  - стартапларни нодавлат қўллаб-қувватлаш;
  - стартапларда ишлайдиган ёки унга асосланган ўзини-ўзи банд қилганлар/тадбиркорлар сонини кўпайтириш;
  - имкониятлар яратиш орқали чет эл давлатларига кетадиган мутахассислар сонини қисқартириш;
  - халқаро интеллектуал мулк бозорида Ўзбекистон Республикасининг имиджини яхшилаш;
  - электрон тижоратга жалб қилинган одамлар сонини ва кўпчилиكنи ахборот технологиялари инфратузилмасига жалб қилишни кўпайтириш;
  - технологик тадбиркорлик шаффофлигини таъминлаш;
  - тегишли соҳаларда давлат-хусусий шерикликни кучайтириш.

*1.5-расм. Краудфандинг платформасининг имкониятлари.<sup>49</sup>*

<sup>49</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

Жаҳон банки маълумотларига кўра, 2025 йилга келиб ривожланаётган мамлакатларда краудфандинг платформалари орқали жалб этилган инвестицияларнинг йиллик ҳажми 95 миллиард доллардан ортиши мумкин.

**Краудфандинг** – Лойиҳаларни ихтиёрий тарзда жамоавий молиялаштириш усули. Бунда, махсус интернет-майдонча (платформа)лар орқали лойиҳалар, стартаплар, маҳсулотлар ёки бизнес-лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида маблағларни жалб этиш механизмини жорий этиш кўзда тутилади.

#### Халқаро платформалар




Махсус платформалар орқали жалб этилган маблағларнинг умумий миқдори:  
**16+ МЛРД**  
АҚШ долларидан зиёд

#### Муваффақиятли амалга оширилган лойиҳаларга мисоллар

 <b>Pebble Time</b> 20,4 млн. АҚШ доллари (Махсус эълон соатларнинг янги модели)	 <b>Flow Hive</b> 13,3 млн. АҚШ доллари (Асалари асални йиғиш учун уя кутиси)	 <b>Baubax</b> 9,2 млн. АҚШ доллари (Кўп функцияли қуртқа)	 <b>Fidget Cube</b> 6,4 млн. АҚШ доллари (Стресс ҳолатларини йўқотишга йўналтирилган ўйинчоқ)
❶ Қизиқарли лойиҳаларни қўллаб қувватлаш (ижодий ҳунармандчилик ва бошқалар)	❷ Ҳайратланарли осонлиги	❸ Ҳайратланарли осонлиги	❹ Ҳайратланарли осонлиги
❺ Бюрократик тўсиқликларни камайти	❻ Ҳайратланарли осонлиги	❼ Лойиҳанинг муваффақияти – инвесторлар бизнес улуғига даъво қилмайдилар	❽ Маблағ йиғинининг қувватлиги


#### Ишлаш принципи

Краудфандинг платформаси туридан келиб чиққан ҳолда лойиҳа, лойиҳа ташаббускори ва ҳаваси (донорларга турли ташаббулар кўйилади. Краудфандинг платформаларида қўйиладиган асосий ташаббулар қўриққичлардан иборат:



Лойиҳа қийматининг "минимал чегаравий миқдори"дан ҳам маблағ тўлганда, лойиҳа молиялаштирилган деб қаролади. Бундай ҳолда лойиҳа ташаббускори донорлар маблағларини қабул қилмайди ва краудфандинг платформаси операторига ўраганидан қозғасини тўраққич. Донорлар маблағлари краудфандинг платформаси оператори томонидан банк вомиссисидан ташқари миқдорда сайтга қилади.

#### Платформаларнинг хизмат нархлари



1.6-расм. Краудфандинг платформасини ишлаш принципи.<sup>50</sup>

<sup>50</sup> Муаллиф томонидан тузилган.




Тадқиқотлар натижасида интеллектуал мулк бозорида илғор инновациялар савдо оқими юқори бўлган ахборот технологиялар соҳасидаги лойиҳаларни тижоратлаштиришда хорижий инвестициялар, халқаро ташкилотлар ва тадбиркорларнинг маблағларини жалб этишнинг «одамларнинг жамоавий хиссаси» орқали молиялаштириш таклифини ишлаб чиқдик. Мазкур илмий янгиликнинг амалиётга жорий этилиши, интеллектуал мулк бозорини шаклланишини ва стартапларнинг экотизими ривожланишини таъминлаб соғлом рақобатни ривожлантиришга олиб келади ва ўз навбатида, Ўрта Осиё стартап хаби яратилишига имкон беради;

Мутахассислар краудфандингни ракамли иктисодиётнинг инновацион молиявий воситаси деб билишади. Келажакда бу банк кредитига муқобил бўлиши мумкин. Краудфандинг «Ақилли одамларнинг жамоавий молиялаштириши» деб ҳам аталади. Сўнгги йилларда жаҳон бозори фаол ривожланмоқда хусусан, краудфандингинг бозори. QY Research<sup>51</sup> ва бошқа таҳлилий платформалар ҳисоб-китобларига кўра унинг ҳажми 2018 йилда 10,2 миллиард АҚШ долларни, 2019 йилда 13,9 миллиард АҚШ долларни ҳамда 2020 йилда 17,2 миллиард АҚШ долларни ташкил қилган. 2025 йилга бориб, бу кўрсаткич 28,8 миллиард АҚШ долларгача глобал ўсиши прогноз қилинмоқда.

Дунёда краудфандинг платформаларининг умумий сони 2018 йилда 2948 тага етди (1.7-расм). Уларнинг кўпчилиги Европа Иттифоқида (ЕИ) 1231 та, АҚШда 900 та, Осиёда 431 таси жойлашган бўлиб, глобал бозорда АҚШ платформалари устунлик қилиб, умумий ҳажми 29 миллиард долларни, ЕИ ва Осиёда мос равишда 19,1 миллиард долларни ташкил қилиб, бу учта минтақа глобал краудфандинг фаолиятини 92 фоизни ташкил этади. Йирик халқаро платформалардан Kickstarter.com

<sup>51</sup> QY Research – маркетинг тадқиқотлари, менежмент бўйича консалтинг агентлиги, 2007 йилда ташкил этилган (АҚШ).

(АҚШ, 2017 йилда тахминан 4,5 миллиард доллар тўпланган), Indiegogo.com (АҚШ, 1 миллиард доллар), Groudfunder.cj.uk (Англия, 60 миллион доллар), Ourcrowd.com (Израил, 440 миллион доллар) ва бошқалардан иборат.



1.7-расм. Дунёдаги краудфандинг платформалари сони (2019 йил 01.01. ҳолатида).

Таҳлил шуни кўрсатадики, ушбу соҳани ривожланишининг 4 та модели мавжуд:

**Биринчиси – Англо-саксон модели.** Краудфандинг механизм сифатида ишбилармонлик мухитига меъёрий равишда киритилган ва турли ихтисосликларга эга бўлган моделдир (кредит, криптовалюта краудфандинг, муסיка ва илмий лойиҳаларни ривожлантириш платформалари мавжуд).

**Иккинчиси – Европа модели.** У краудфандингни ривожлантириш йўналишини белгилловчи миллий қонунчиликнинг мавжудлиги билан ажралиб туради (Австрия, Италия, Германия, Франция). Асосан, ижтимоий ва гуманитар соҳаларни молиялаштиришга қаратилган (археология ва экологик тадқиқотлар, ижтимоий кам таъминлаган оилаларга кредит бериш).

Европада краудфандинг ривожланишига ҳисса қўшадиган асосий омиллар қуйидагича: а) давлатнинг меъёрий-ҳуқуқий

ёрдами; б) прогрессив тартибга солиш ва имтиёзли солиқ режими; в) етакчи краудфандинг платформаларининг халқаро фаолияти.

Учинчиси – Осиё модели. Бу модель йирик корпоратциялар томонидан краудфандинг бозорининг монополлашуви ва унинг ижтимоий-маданий йўналиши билан тавсифланади. Осиё минтақасида Хитой кўп сонли лойиҳалар туфайли етакчи ҳисобланади. Хитой Электрон тижорат тадқиқот маркази маълумотларига кўра, мамлакатда 230 дан ортиқ краудфандинг платформалари фаолият кўрсатмоқда. Жаҳон банки прогнозларига кўра, 2025 йилда бориб Хитойда краудфандинг лойиҳалари ҳажми 46-50 миллиард долларга етиши мумкин. Бу бозор сегменти Япония, Жанубий Корея, Таиланд, Сингапур ва Малайзияда ҳам ривожланган.

Тўртинчиси – Шарқий Европа модели. Ушбу моделнинг хусусиятлари: а) тартибга солишнинг йўқлиги; б) кам сонли сайтлар; в) потенциал инвесторларнинг етарли даражада хабардорлиги; г) инфратузилманинг етишмаслиги.

Краудфандинг атамаси 2006 йилда краудсорсинг атамаси билан бир вақтда пайдо бўлган деб қаралади ва унинг муаллифи Jeff Хоудир. Шундан сўнг АҚШда ва Европада дастлабки платформалар ташкил этила бошланди (1.7-жадвал).

Тадқиқотлар натижасида интеллектуал мулк бозорида илғор инновациялар савдо оқими юқори бўлган ахборот технологиялар соҳасидаги лойиҳаларни тижоратлаштиришда хорижий инвестициялар, халқаро ташкилотлар ва тадбиркорларнинг маблағларини жалб этишнинг «ақилли одамларнинг жамоавий ҳиссаси» орқали молиялаштириш деб ёндашишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланди. Мазкур илмий янгиликнинг амалиётга жорий этилиши, интеллектуал мулк бозорини шаклланишини ва стартапларнинг экотизими ривожланишини таъминлаб соғлом рақобатни ривожлантиришга олиб келади

ва ўз навбатида, Марказий Осиё стартап хаби яратилишига имкон беради.

1.7-жадвал.

### «Краудфандинг» терминага берилган тарифлар<sup>52</sup>

Муаллифлар	Ёндашувлар
Ahlers, G.K.C. et al.	Маълум бир мақсадни қўллаб-қувватлаш учун одатда ихтиёрий хайрия йўли билан жисмоний шахс ёки шахслар гуруҳи томонидан кичик миқдордаги маблағ йиғиш шакли
Ordanini, A., Micali, L., Pizzetti, M., Parasuraman, A	Бир гуруҳ манфаатдорлар томонидан кичик ва ўрта ҳажмдаги инвестициялар орқали кимдир томонидан таклиф қилинган янги лойиҳа учун пул йиғиш бўйича шахсий ташаббус
Schwienbacher, A., Larralde, B.	Интернет орқали очик сўров асосида қандайдир мукофот ва/ёки овоз бериш ҳуқуқи эвазига текин хайрия шаклида молиявий ресурсларни тақдим этиш
Rubinton, B.	Бир томон лойиҳани молиялаштириш учун кўп сонли манфаатдор шахслардан маълум бир қиймат шаклини тақдим этиш эвазига кичик бадалларни сўраш ва олиш орқали маблағ тўплаш жараёни.
Гусева Д., Малыхин Н.	Бошқа одамлар ва ташкилотлар томонидан бошланган лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш учун ўз ресурсларидан фойдаланадиган одамларнинг умумий хиссаси. Замонавий дунёда бу жараён Интернетдан фойдаланиш билан содир бўлади
Тегин В., Усманов Б.	Бошқа одамлар (ташкилотлар) ташаббуси билан бошланган лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш учун Интернет орқали ўз молиявий ёки бошқа ресурсларини бирлаштирганларнинг ишончига асосланган жамоавий ҳамкорлик.

Дунё краудфандинг бозорида лойиҳаларни молиялаштиришнинг иккита модели, пулсиз ва пулли кўринишда бўлиб, хайрия, классик, акциянерлик ва кредит турлари бўйича тавсифланади (1.8-жадвал).

<sup>52</sup> Муаллиф томонидан тузилди.

Краудфандинг турларининг хусусиятлари<sup>53</sup>

Краудфандинг тури	Лойихаларга куйилмалар шакли	Қайтарилиш шакли	Инвесторга мотивация	Халқаро платформалар
<b>1. Молиялаштиришнинг пулсиз модели</b>				
Хайрия (фидойи)	Эҳсон	Номоддий неъмат	Шахсий ва ижтимоий мотивация	GoFundMe Помоги.org Тугеза.ру <b>Halfana.uz</b>
Классик (бонус)	Эҳсон	Материл ва номоддий неъмат	Шахсий ёки ижтимоий мотивация комбинацияси ҳамда ҳар қандай мукофотга интилиш	Kickstarter Indiegogo Rockethub Boomstarter Planeta.ru
<b>2. Молиялаштиришнинг пулли модели</b>				
Акционерлик (краудинвест)	Инвестиция	Капитал куйилмадан даромад	Шахсий, ижтимоий ёки молиявий комбинациялашган мотивация	Seedrs Crowdcube AngelList StartTrack Jumpstartupper
Кредит (узук муддатли, краудлендинг, р2р-кредитлаш)	Кредит (ссуда, қарз)	Қарздан олинган даромад	Шахсий, ижтимоий ёки молиявий комбинациялашган мотивация	Lending Club Prosper.com Webmoney Взалл.ру

Краудфандинг сизга керакли пулни йиғиш имконини берувчи ҳамда лойихага киришни истаган инвесторларни жалб этувчи механизм бўлиб, ғоя муаллифларини қўллаб-қувватлаш учун ихтиёрий равишда пул ёки бошқа ресурсларни бирлаштиради. Жаҳон амалиёти краудфандингни ривожлантириш муҳимлигини кўрсатиб, кичик ва ўрта бизнесда инновацион лойихаларга инвестицияларни жалб қилишни ижтимоий-

<sup>53</sup> Муаллиф томонидан тузилди.

иктисодий аҳамиятини долзарблигини кўрсатиб турибди. Краудфандингнинг тобора оммалашиб бориши оддийлиги билан боғлиқ, агар давлат инвестициялари ва банк кредитлари билан солиштирганда маблағ йиғиш тезлигидадир.

МДХ мамлакатларидан Россия, Беларусия ва Қозоғистонда краудфандинг лойиҳалари нисбатан фаол ривожланмоқда. Россияда 2018 йилда умумий бозор ҳажми 218,5 миллион долларни ташкил этди (2015 йилга нисбатан у ўн баробарга ошган). Россия бозорида асосий ўйинчилар Boomstarter ва Planeta краудфандинг платформалари бўлиб, улар бозор айланмасининг 75-80 фоизини ташкил этади.

2021 йил 1 январдан бошлаб Россия Федерациясида «Инвестиция платформаларидан фойдаланган ҳолда инвестицияларни жалб қилиш ва Россия Федерациясининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қонун қучга кирди. Ушбу қонун краудфандинг платформалари орқали инвестицияларни жалб этиш қоидаларини белгилайди. Россия Федерацияси Марказий банки бундай сайтлар операторлари реестрини юритади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 мартдаги «2021-2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-6181-сонли Фармони билан тасдиқланган «2021 – 2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини 2021 йилда амалга ошириш» Йўл харитасининг 31-бандида фуқаролик жамияти институтлари томонидан ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида «краудфандинг института» имкониятидан фойдаланиш механизмини яратиш белгиланган. Мазкур банд ижроси юзасидан Адлия вазирлиги ҳамда Фуқаролик жамияти институтлари томонидан ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида «краудфандинг

института» имкониятидан фойдаланиш механизмини яратиш бўйича амалий чора-тадбирлар тасдиқланди.

Хусусан, ушбу механизмни яратиш бўйича 2021 йилнинг 12 август куни Адлия вазирлигида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти (СМТИ), Ахборот технологиялари вазирлиги, «Тараққиёт стратегияси» маркази ва «EZGU AMAL» жамоат фонди вакиллари иштирокидаги ишчи гуруҳ тузилиб, биргаликда таклиф ва тавсиялар ўрганилиб, таҳлилий маълумотномалар тайёрланмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги «Рақамли иктисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4699-сонли Қарорининг 11-бандига мувофиқ, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Краудфандинг платформаси орқали ахборот технологиялари соҳасидаги лойиҳаларни оммавий молиялаштириш механизмларини яратиш тўғрисида»ги қарори лойиҳаси ишлаб чиқилиб, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишилган ва 2021 йилнинг 8 январиди 11-8/119-сон хат билан Вазирлар Маҳкамасига киритилган.

Хусусан, халқаро тажриба асосида краудфандинг бўйича қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш, ушбу йўналишни ривожлантириш мақсадида қулай муҳит ва шарт-шароитни ҳамда лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш тизимини яратиш тадбирларини ўз ичига олган чора-тадбирлар режаси лойиҳасини **ишлаб чиқиш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.**

Ҳозирги босқичда интернетда интеллектуал мулк халқаро савдосининг барқарор ривожланишини таъминловчи асосий омиллар қуйидагилар: электрон тижоратнинг асосий

шакллариинг изчил ўсиши, ҳаётнинг барча соҳаларига телекоммуникация ва ахборот технологияларининг кириб келиши, интернетга киришни таъминлаш учун коммуникация тизимлари ва хизматлари нархининг пасайиши, иктисодиёти ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда компьютер саводхонлигининг ўсиши, электрон бизнесни ривожлантириш бўйича халқаро ва миллий дастурларни амалга ошириш асосий стратегик йўналишлар сифатида белгиланиши.

Краудфандинг атамаси иккита инглизча сўздан келиб чиққан. Оломон ва молиялаш. Концепциясини мослаштириб биз жамоавий молиялаштириш, яъни гоё ёки лойиҳани амалга ошириш учун катта миқдордаги маблағлар тўплами эканлигини тушунамиз. Дунё бўйлаб 21 та энг яхши краудфандинг платформаларини<sup>54</sup> ҳамда Ўзбекистонда ягона бўлиб турган «Halfana»<sup>55</sup> краудфандинг платформасини максадларига тўхталиб ўтсак (1.9-жадвал).

---

<sup>54</sup> Рич, Джейсон. Краудфандинг. Справочное руководство по привлечению денежных средств: СмартБук: И-трейд: Москва; 2015, С.174. ISBN 978-5-9791-0331-0

<sup>55</sup> <https://halfana.uz/>



**Краудфандинг платформасининг мақсади**

т/р	Краудфандинг платформаси	Краудфандинг платформасининг мақсади
1.	Kickstarter (АҚШ)	Ижодий лойиҳаларни молиялаштириш платформаси сифатида танилиб, фильмлар, ўйинлар, мусиқа ва санъат, дизайн ва технологиялар билан боғлиқ лойиҳаларни молиялаштиради
2.	CrowdCube (Англия)	Инвестицияларни демократлаштириш ва корхоналарнинг янги авлодини фаоллаштиришдан иборат
3.	Eureeca (БАА)	Банклар ва венчур капитали фирмалари каби анъанавий молиялаштириш варианты бўлиб, кичик ва ўрта корхоналарга сармоядорлар гурихи томонидан капитал жалб қилишда ёрдам беради
4.	Imvester (Швейцария)	Кўчмас мулк краудфандинг веб-сайти бўлиб, у инвесторларга шаффоф, хавфсиз ва фойдали даромадни таклиф қилади ҳамда тегишли микдорга бинонинг бир қисмига эгаллик қилишингизни кафолатлайди.
5.	Arikovani (Туркия)	Тадбиркорларнинг инновацион лойиҳаларини амалга оширади, маҳаллий технология ишлаб чиқаришни кўпайтиришни қўллаб-қувватлайди ҳамда жамоатчилик хабардорлигини оширади.
6.	Tessin (Швеция)	Кўчмас мулкка ва компаниянинг янги лойиҳаларига сармоя киритмоқчи бўлган инвесторлар платформаси
7.	Startupxplore (Испания)	Юкори даражада батафсил танлаш ва филтрлаш мезонлари орқали сифатли ривожланаётган компанияларга яхши мувозанатланган ва деверсификацияланган инвестициялар портфелини тақдим этади
8.	Uprise Africa (Жанубий Африка)	Замонавий ва ижодий даврнинг келишидан хабар бериб, корхоналарига капитал жалб қилишнинг муқобил усулини тақдим этадилар
9.	OurCrowd (Израил)	Стартапларга венчур молиялаштиришни таъминлаш учун мўлжалланган

10.	Brickfunding (Португалия)	Кўчмас мулкни инвестициялаш (капитал, кредитлаш ва криптовалюта) бўйича ихтисослашган
11.	Kisskissbank-Bank(Франция)	Ижодкорлик ва инновацияларни молиялаштиради
12.	Seedrs (Англия)	У ўз миқдорларини Европа стартаплари ва бошқа ривожланаётган компанияларнинг акциялари эвазига сармоя киритишга тайёр бўлган инвесторлар ва венчур капиталистлар билан таништиради
13.	Bidra AS (Норвегия)	Технология ва тахририятни қўллаб-қувватлайди
14.	NaijaFund (Нигерия)	У ҳар кимга исталган мақсад учун маблағ тўплаш имкониятини беради. Ўзларининг ижтимоий тармоқлари билан NaijaFund онлайн платформаси орқали мулоқот қилишиб, ўзлари ёки яқинлари учун молиявий ёрдам сўрашлари мумкин.
15.	MamaCrowd (Италия)	Инвесторларга энг яхши италиян стартаплари ва кичик ва ўрта бизнес корхоналарига катта солиқ имтиёзлари билан сармоя киритиш имконини беради
16.	Companisto (Германия)	Инвестор сифатида сиз ҳар бир стартап учун батафсил инвестиция таҳлилини оласиз. бошқа инвесторлар ва фашистлар билан мулоқот қиласиз ва ҳаттоки ҳар бир стартап асосчилари билан жонли видеоконференцияларни ўтказишингиз мумкин.
17.	Symbid (Нидерландия)	Тадбиркорни ривожлантиришда зарур маблағлардан фойдаланиш имкониятини таъминлайди
18.	Indiegogo (Канада)	Бизнеснинг барча турлари, шу жумладан тадбиркорлик, бадний ва жамоат учун маблағ йиғади
19.	Gogetfunding (Албания)	Кичик ва ўрта бизнес стартапларига ёрдам берувчи краудфандинг платформаси
20.	MyBusiness (Австралия)	Тадбиркор одамларга ўз мақсадлари учун маблағ тўплашда ёрдам берувчи мукаммал ва замонавий маблағ йиғувчи платформа

21.	Chuffed (Португалия)	Нотижорат. хайрия, жамоат лойиҳалари ёки муҳтож одамлар учун хайр-эҳсонларни қабул қиладиган краудфандинг платформаси
22.	Halfana (Ўзбекистон)	Моддий қийинчиликларга муҳтож одамларга, янги бошланган стартапларга ўз пулларини инвестиция қилишни ёки хайрия қилишни хоҳлайдиган одамлар билан ҳамкорликда иш юритади.


**Манба:** Дунёдаги 21 та ҳамда Ўзбекистондаги «Halfana» краудфандинг платформаларини Интернет тармоғи манзиллари асосида муаллиф томонидан тузилди<sup>56</sup>.

Бутун дунёда саноат ишлаб чиқаришда янги тармок шаклланмоқда ва ривожланмоқда бу «Интеллектуал маҳсулот ахбороти» тармоғи деб юритилади. Интеллектуал маҳсулот ахбороти ўз навбатида интеллектуал мулкни тижоратлаштиришда бозор субъектларини инновацион фаолиятдаги ўзаро алоқадорлигини асослайди

Миллий иқтисодийнинг ўсишини ва мамлакатнинг глобал дунёдаги таъсирини белгилашда рақамли инфратузилмаларнинг ўрни бугунги кунда долзарб ҳамда самарали омил саналади. Жадал ривожланаётган ва замонавий дунёда Интернет тармоғи орқали маблағ тўплаш лойиҳаларни молиялаштиришнинг муқобил ва истикболли схемасига айланиб бормоқда. Хусусан, интеллектуал мулк объектларини тижоратлаштиришда ҳамда молиялаштириш механизмида. Ушбу схема ёш тадбиркорлар ва стартапларга инвестицияларни жалб этиш ҳамда молиялаштириш манбаларини топиш имкониятини яратиб,

<sup>56</sup> kickstarter.com, crowdcube.com, eureeca.com, imvesters.ch, arikovani.com, tessin.com, startupxplore.com, uprise.africa, ourcrowd.com, brickfunding.com, kisskissbankbank.com, seedrs.com, crowdcube.com, najafund.com, mamacrowd.com, companisto.com, symbid.com, indiegogo.com, gogettfunding.com, mycause.com, chuffed.org, halfana.uz  
Гусева Д., Мальхин И. Краудфандинг: сущность, преимущества и риски. Современная наука: Актуальные проблемы теории и практики. Серия «Экономика и Право», 2014 — № 9-10 — 5 с.

қуйидаги самарали натижаларга эришиш имкони беради (1.8-расм).



*1.8-расм. Краудфандинг платформасининг имкониятлари.*

**Манба:** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Краудфандинг платформаси орқали ахборот технологиялари соҳасидаги лойиҳаларни оммавий молиялаштириш механизмларини яратиш тўғрисида»ги қарори лойиҳаси асосида муаллиф томонидан тузилди.

Интеллектуал мулк билан таъминланган краудфандинг институти мустақил лойиҳалар учун маблағ жалб қилишнинг асосий воситаси бўлиши мумкин.<sup>57</sup>

Замонавий дунёда янгилик ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Доимий равишда улар ғоялар пайдо бўлиши ва уларнинг қийматини ва маъносини тушуниш учун тегишли шартлар мавжуд бўлганда юзага келади.

Ҳозирги вақтда интеллектуал мулкни тижоратлаштириш билан боғлиқ кўплаб ҳал қилинмаган муаммолар мавжуд.

<sup>57</sup> Развитие альтернативных механизмов инвестирования: прямые инвестиции и краудфандинг. Материал подготовлен Департаментом стратегического развития финансового рынка. – М.: Центральный банк Российской Федерации, 2020.

Умумий муаммоларнинг характериға кўра, уларни беш гуруҳға бирлаштириш мумкин.<sup>58</sup>

► ҳуқуқий хусусият: саноат мулки объектларидан ноқонуний фойдаланиш; контрафакт маҳсулотларнинг мавжудлиги;

► ташкилотнинг табиати: хавфсизлик ҳужжатини рўйхатдан ўтказиш ва қўллаб-қувватлашнинг юқори даражаси; аризани кўриб чиқишнинг узоқ муддатлари; товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари бўйича маълумотлар базасининг етишмаслиги;

► инсон табиати: мутахассисларнинг малакаси етарли эмаслиги (патент таълими йўқлиги), маркетинг соҳасида мутахассислар етишмаслиги; олий ўқув юртларида мажбурий ўқитиш дастурлари йўқлиги; патентлар ва инновациялар бўйича корхоналарда алоҳида хизматларнинг йўқлиги;

► молиявий характердаги: инновацион ишланмаларни давлат томонидан молиялаштиришнинг етарли даражада эмаслиги: ускуналарға юқори божлар; даромад солиғи бўйича имтиёзлар йўқлиги; кичик инновацион бизнес учун минимал талаб;

► ахборот характери: инновацион корхоналар бўйича аниқ маълумотларнинг етишмаслиги; янги ички инновацион ишланмалар ҳақида маълумот йўқлиги.

Ўзбекистонда илмий-инновацион сиёсатнинг вазифаси – интеллектуал маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни моддий ишлаб чиқаришда қўллаш ҳисобланган илмий фаолиятни самарадорлигини таъминлайдиган барқарор ўз-ўзини ривожлантириш механизмини яратишдир. Интеллектуал мулк устидан назорат этиш ўтмишимиз билан боғлиқ бўлиб қадимги қонунларға кўра, ҳамма нарса давлатға тегишли эди.

---

<sup>58</sup> Интеллектуальная собственность как объект оценки: таможенный аспект: монография / В. А. Останин, С. В. Кирбитова, Н. А. Кожина, П. В. Довженко; Российская таможенная академия, Владивостокский филиал. Владивосток: РИО Владивостокского филиала Российской таможенной академии, 2019. – 106 с.

Илмий-инновацион ташкилотлар бу соҳада даромад олиш масаласини кўрмаган ва тадқиқотнинг истиқболлари билан ҳар доим қизиқмас эди. Бирок, интеллектуал фаолият натижалари хўжалик юритувчи субъектлар учун янги технологик муҳитни шакллантирди ва бозор механизмини сезиларли даражада модернизация қилишга асос бўлди.<sup>59</sup>

Интеллектуал мулкни бошқариш тизимини ишлаб чиқиш зарурати илмий-инновацион ташкилотларнинг ташқи муҳитидаги ўзгариш суръатларининг натижасидир.<sup>60</sup> Замонавий шароитда бу ўсишнинг сабаби илмий-техника тараққиётидир, асосан тез ривожланиш ва жамиятда ахборот технологияларининг тобора ортиб бораётган ролига асосланган. Келажакда ташқи муҳитдаги ўзгаришларга старли даражада жавоб беришни таъминлаш учун илмий-инновацион муассасаларда интеллектуал маҳсулотларни бошқариш тизимини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш зарурати ортади.

Шундай қилиб, вазифанинг зарурияти бир неча омилларга боғлиқ:

- ▶ биринчи навбатда, интеллектуал мулк иқтисодиётида институционал асосларни тиклаш ва ривожлантириш учун интеллектуал мулкнинг аҳамиятини белгилаш орқали интеллектуал мулк бозоридаги инкирозни бартараф этиш;

- ▶ иккинчидан, интеллектуал мулкни бошқаришдаги сезиларли ўзгаришларнинг зарурлиги, саноатдан кейинги ривожланишнинг янги тижорат турига ўтишининг аҳамияти;

- ▶ учинчидан, бозор иқтисодиётига мос келадиган интеллектуал мулкни барқарор методологик ва тартибга солувчи хусусиятини ривожлантиришнинг аҳамияти.

Миллий иқтисодиётнинг ўсишини ва мамлакатнинг глобал дунёдаги таъсирини белгилашда рақамли инфратузилмалар-

<sup>59</sup> Тегин В., Усманов Б., Краудсорсинг в генерации инновационных идей. core.ac.uk. pdf. 2016.

<sup>60</sup> Новосёлова Л.А. Интеллектуальная собственность в схемах финансирования. <https://cyberleninka.ru/article/n/intellektualnaya-sobstvennost-v-shemah-finansirovaniya>

нинг ўрни муҳим саналади. Жадал ривожланаётган ва замонавий дунёда Интернет тармоғи орқали маблағ тўплаш лойиҳаларни молиялаштиришнинг муқобил ва истиқболли схемасига айланиб бормоқда<sup>61</sup>. Хусусан, ахборот технологиялари соҳасидаги лойиҳаларни краудфандинг платформаси орқали жойлаштириш ва молиялаштириш механизми. Ушбу схема ёш тадбиркорлар ва стартапларга инвестицияларни жалб этиш ҳамда молиялаштириш манбаларини топиш имкониятини яратиб, куйидаги самарали натижаларга эришиш имкони беради:


- интеллектуал мулк объектлари баъзасини шакллантириш;
- интеллектуал мулк бозори ривожланиши; аҳолида молиявий саводхонлик кўникмаларини ҳосил қилиш;
- интеллектуал мулк объектларини молиялаштириш манбаини аниқлаш қийин бўлган бошланғич босқичларида қўллаб-қувватлаш;
- инновацион ва технологик лойиҳаларга хорижий инвестициялар ва халқаро ташкилотларнинг маблағларини жалб этиш;
- Ўзбекистон Республикасида стартапларнинг экотизимини ривожлантиришни жадаллаштириш;
- молиялаштириш натижасида айланма маблағларни кўпайтириш орқали иқтисодийга ижобий таъсир кўрсатиш;
- стартапларни нодавлат қўллаб-қувватлаш;
- стартапларда ишлайдиган ёки унга асосланган ўзини-ўзи банд қилганлар/тадбиркорлар сонини кўпайтириш;
- имкониятлар яратиш орқали чет эл давлатларига кетадиган мутахассислар сонини қисқартириш;
- халқаро интеллектуал мулк бозорида Ўзбекистон Республикасининг имиджини яхшилаш;

<sup>61</sup> Гусева Д., Малайкин Н. Краудфандинг: сущность, преимущества и риски. Современная наука: Актуальные проблемы теории и практики. Серия «Экономика и Право», 2014 — № 9-10 — 5 с.

- электрон тижоратга жалб қилинган одамлар сонини ва кўпчилиликни ахборот технологиялари инфратузилмасига жалб қилишни кўпайтириш;

- технологик тадбиркорлик шаффофлигини таъминлаш; тегишли соҳаларда давлат-хусусий шерикликни кучайтириш ва бошқалар.

Бутун дунёда саноат ишлаб чиқаришда янги тармоқ шаклланишда ва ривожланишда бу «Интеллектуал маҳсулот ахбороти» тармоғи деярлик юритилади. Интеллектуал маҳсулот ахбороти ўз навбатида интеллектуал мулкни тижоратлаштиришда бозор субъектларини инновацион фаолиятдаги ўзаро алоқадорлигини асослайди (1.9-расм).



1.9-расм. Интеллектуал мулкни тижоратлаштиришда бозор субъектларини инновацион фаолиятдаги ўзаро алоқадорлиги.<sup>62</sup>

Бу ерда: конунчилик, норматив ҳуқуқий-ҳужжатлар (1), молиявий даромад (2, 4, 5, 6, 8, 10, 12, 14), интеллектуал мулк (3), интеллектуал мулк асосидаги маҳсулотлар (7, 13), рақобатчилар маҳсулоти (9), кароқчилар маҳсулоти (11).

<sup>62</sup> Мўаллиф томонидан тузилди.



Илғор технологиялар бозори жумладан, сунъий интеллект, блокчейн, мобил алоканинг бешинчи авлоди (5G), робототехника, дронлар, генетик муҳандислик, нанотехнология ва қуёш фотоэлектрик тизими иқтисодий рақамлаштириш ва ўзаро ҳамкорликда ишлашнинг янги даврни бошлаб бермоқда. Ушбу технологияларни 90 фоизи интеллектуал мулк объектлари ҳисобланади. Интеллектуал мулк савдоси одатий нарсалардан четга чиқиб, онлайн майдонга фаол равишда ўтмоқда. «Ақлли машина», «Ақлли уй», «Ақлли шаҳар» каби атамалар қаторида «Ақлли одамлар» ибораси ҳам илм-фан ютиқларида тез-тез учраб турибди. Бинобарин, ақлли одамлар ва ташкилотлар томонидан бошланган лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш, илмий-техник ишланмалар натижаларини ишлаб чиқаришга татбиқ этилишни тезлаштириш ва инновацион маҳсулотларни халқаро бозорга чиқариш тизимининг барқарор занжирини яратиш ва ривожлантириш имконини беради.

Ҳозирги босқичда интернетда интеллектуал мулк халқаро савдосининг барқарор ривожланишини таъминловчи асосий омиллар қуйидагилар: электрон тижоратнинг асосий шакллариининг изчил ўсиши, ҳаётнинг барча соҳаларига телекоммуникация ва ахборот технологияларининг кириб келиши, интернетга киришни таъминлаш учун коммуникация тизимлари ва хизматлари нархининг пасайиши, иқтисодий ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда компьютер саводхонлигининг ўсиши, электрон бизнесни ривожлантириш бўйича халқаро ва миллий дастурларни амалга ошириш асосий стратегик йўналишлар сифатида белгиланиши.

Интеллектуал фаолиятни бошқаришнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари деб номланган биринчи боб натижалари асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

– мамлакатимизнинг давлат мустақиллигига эришгач, интеллектуал мулк ва унинг айрим объектларига эътибор кучайди. Бугунги кунда интеллектуал мулкнинг айрим объектлари бўйича фуқаролик ҳуқуқи ва маъмурий ҳуқуқ доирасида қизғин тадқиқотлар олиб борилмоқда. Интеллектуал мулк объектларининг бозор муносабатлари тизимида товар сифатида ҳаракати ҳуқуқий-илмий жиҳатдан ўранилиб чиқилмагани ҳамда интеллектуал мулк субъектлари ўртасида ўзаро муносабатлар, улар ваколатларининг таркибий қисмлари ҳам чуқур таҳлил этилмагани ҳамон ҳам назарий ҳам амалий аҳамиятга эга масала сифатида долзарб бўлиб келмоқда;

– мулк ҳуқуқлари тўплами кўплаб омилларга масалан, мулк турига қараб фарқ қилади. Шунинг учун келажакда интеллектуал мулкни иқтисодий категория сифатида, хусусан, интеллектуал мулкни тижоратлаштириш усулларини ўрганаётганда, мулкний муносабатларни асосий функциялари (интеллектуал мулкка эгаллик қилиш, фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш)дан келиб чиқадиган ваколатлар тақсимоли сифатида кўриб чиқиш керак. Айни вақтда интеллектуал мулк объектларининг ҳуқуқий мақоми, объектларга нисбатан ҳуқуқ соҳибларининг ваколатлар ҳажми ва мазмуни бозор тизимида мутлақ янги оҳанг касб этмоқда, бу эса ўз навбатида баъзи бир эскирган қарашлар ва тасаввурларни қайта кўриб чиқишни, мутлақо ўзгача характердаги ташкилий, қонунчилик, меъёрий ечимларни ишлаб чиқишни тақозо этмоқда;

– бозор иқтисодиёти концепцияси нуктан назаридан интеллектуал мулк бозорини иқтисодий томондан мушоҳада қилиш илмий тадқиқотларнинг янги йўналишини очиб берибгина қолмасдан мавжуд қонун меъёрларини моҳиятини англаб етиш, янгидан-янги иқтисодий меъёрлар ва ҳуқуқий ечимларни ишлаб чиқиш учун назарий негиз бўлиб хизмат қилиши мумкин.

## **II БОБ.**

# **ЎЗБЕКИСТОНДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛКНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ**

### **2.1. Ўзбекистонда интеллектуал мулкни ривожланиш кўрсаткичлари таҳлили ва муҳофаза ҳужжатлари классификацияси**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигининг асосий фаолияти интеллектуал мулк объектларига талабномаларни қабул қилиш ва рўйхатга олиш, уларни экспертизадан ўтказиш, талабнома берувчилар ва/ёки уларнинг вакилларига талабномалар бўйича тегишли қарорлар, билдиришномалар ва бошқа ҳужжатларни тайёрлаш ва жўнатиш, интеллектуал мулк объектларини рўйхатдан ўтказиш, муҳофаза ҳужжатларининг ҳуқуқий мақомини аниқлаш бўйича ваколатларини амалга ошириш билан боғлиқ ишларни бажаришдан иборат бўлиб 2015-2020 йилларда ихтироларга патент олиш учун келиб тушган умумий талабномалар сони 3318 тани ташкил этди (2.1-жадвал).

Миллий аризачилардан 303 та ариза келиб тушган бўлиб, бу кўрсаткич қабул қилинган умумий сонининг 59,4 фоизни ташкил этди. Чет эллик талабнома берувчилар 207 та талабнома топширдилар ёки уларнинг умумий сонининг 40,5 фоизни ташкил этди. Талабномаларнинг асосий қисми 90,5 фоизи Патент кооперацияси тўғрисидаги шартнома (РСТ) га мувофиқ берилган. Аввалги йилларда кузатилганидек,

талабнома берувчилар томонидан патент олишда Халқаро патент классификацияси (ХПК)нинг асосан иккита бўлими бўйича кўпроқ фаоллик тенденцияси сакланиб қолди.

Бу ХПКнинг «А – Инсоннинг ҳаётини эҳтиёжларини қондириш» бўлими 35,7 фоиз ва С – «Кимё ва металлургия» бўлими 22,8 фоизни ташкил этди. Бунда миллий эҳтиёжларини қондириш бўлимини афзал кўрсалар, талабномалар умумий миқдоридан 38,8 фоиз, чет эллик талабнома берувчиларни эса С – «Кимё ва металлургия» бўлими ўзига кўпроқ жалб этди, чет эллик талабнома берувчилардан келиб тушган талабномаларнинг умумий сонидан **31,9 фоиз** миққорида талабнома келиб тушди.

2.1-жадвал

### 2015-2020 йилларда ихтироларга талабнома топшириш динамикаси<sup>63</sup>

Кўрсаткичлар	2015	2016	2017	2018	2019	2020*	жами
Топширилган талабномалар, жами улардан:	507	555	553	650	543	510	3318
миллий талабнома берувчилар томонидан	288	353	357	470	374	303	2145
хорижий талабнома берувчилар томонидан	219	202	196	180	169	207	1173
шу жумладан, Патент кооперацияси тўғрисидаги шартнома (РСТ) процедураси бўйича	213	194	185	157	153	161	1063

<sup>63</sup> Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигининг йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф ишланмаси

Ўзбекистон ҳудудлари бўйича миллий талабнома берувчилар томонидан топширилган талабномаларнинг тақсимла-нишини таҳлил қилиб чиқсак. Тошкент шаҳридан талабнома берувчилар ҳаммадан кўп бўлиб, 232 та ёки миллий талабно-ма берувчилардан келиб тушган жами талабномаларнинг 62,0 фоизни ташкил этди. Кейинги ўринларда Наманган вилояти 26 талабнома 7,0 фоиз, Тошкент ва Фарғона вилоятларида 19 талабнома 5,1 фоиз ва Навоий вилояти бўйича 18 та талабнома 4,8 фоиз, келиб тушган. Миллий талабнома берувчилар томо-нидан ҳисобот йилида топширилган жами талабномаларнинг 84,0 фоизи республиканинг ушбу ҳудудларига тўғри келади.

Хорижий талабнома берувчилар орасида АҚШ, Германия, Ҳиндистон, Россия ва Швейцария мамлакатлари энг кўп фаоллик кўрсатдилар. Жумладан, АҚШ 43 та, Германия 15 та, Ҳиндистон 14 та, Россия 13 та, Швейцария 12 та талабнома келиб тушди. Хорижий талабнома берувчилардан келиб тушган жами талабномаларнинг 57,4 фоизи мана шу мамлакатларга тўғри келади. Хорижий талабнома берувчилардан ихтирога ҳаммаси бўлиб 29 мамлакатдан талабномалар келиб тушди. 2020 йилда рўйхатдан ўтказилган ихтироларнинг умумий миқдори 288 тани ташкил этди, бу ўтган йилга нисбатан 23,8 фоизга кам. Улардан миллий талабнома берувчилар ҳиссасига 47,9 фоиз, хорижий талабнома берувчилар ҳиссасига 52,1 фоиз тўғри келади. 2015-2020 йилда рўйхатдан ўтказилган ихтиролар ҳақидаги маълумотлар 2.2-жадвалда келтирилди. Ихтироларга топширилган талабномалар бўйича турли процедура босқичларида жами 1319 та экспертиза ўтказилди, бундан 511 таси расмий экспертизага, 808 таси мохият бўйича экспертизага тўғри келади. Ихтироларга топширилган 424 та талабнома бўйича патент бериш тўғрисида, 117 та талабнома бўйича патент беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинди ҳамда 267 та талабнома қайтариб олинди.

**2015-2020 йилларда рўйхатдан ўтказилган ихтиролар  
динамикаси<sup>64</sup>**

<b>Кўрсаткич</b>	<b>2015</b>	<b>2016</b>	<b>2017</b>	<b>2018</b>	<b>2019</b>	<b>2020*</b>	<b>жами</b>
Рўйхатдан ўтказилган ихтиролар, жами шу жумладан:	153	166	205	219	378	288	1409
миллий талабнома берувчилар номига	94	102	144	149	181	168	838
хорижий талабнома берувчилар номига	59	64	61	70	197	120	571
Шу жумладан, РСТ процедураси бўйича	56	62	56	68	185	128	555

Интеллектуал мулк бозорида амал қилиб келинаётган патентлар сони йилдан-йилга ўсиб келмоқда. Бунга сабаб ихтироларни рўйхатдан ўтказиш механизмини такомиллашганлиги билан белгиланади. Жумладан, 2019 йилда Ўзбекистон Республикасининг ихтироларига берилган амал қилаётган патентлар сони 1161 тани ташкил этди.

Фойдали моделга патент олиш учун Агентликка топширилган талабномаларнинг умумий миқдори 117 тани ташкил қилган бўлиб, бу ўтган 2019 йилга нисбатан 57,8 фоизга кам. Фойдали моделларга 2015-2020 йиллар давомида патент олиш учун топширилган талабномалар, улар бўйича ўтказилган экспертизалар ва уларни рўйхатдан ўтказишга тегишли миқдорий кўрсаткичлар 2.3-жадвалда келтирилган.

<sup>64</sup> Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигининг йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф ишланмаси.

\* 2020 йил маълумотлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигининг расмий ахборотномаси асосида муаллиф ишланмаси.

**2015-2020 йилларда фойдали моделларга талабнома  
топшириш динамикаси<sup>65</sup>**

<b>Кўрсаткич</b>	<b>2015</b>	<b>2016</b>	<b>2017</b>	<b>2018</b>	<b>2019</b>	<b>2020*</b>	<b>жами</b>
Топширилган талабномалар, жами улардан:	190	158	146	206	277	117	1094
миллий талабнома берувчилар томонидан	186	153	144	200	272	117	1072
хорижий талабнома берувчилар томонидан	4	5	2	6	5	-	22
шу жумладан, Патент кооперацияси тўғрисидаги шартнома (РСТ) процедураси бўйича	1	2	1	1	-	-	5

Топширилган талабномаларни Халқаро патент классификацияси (ХПК) бўлимлари бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, энг кўп талабномалар ХПКнинг куйидаги бўлимлари бўйича топширилди: А – «Инсоннинг ҳаётий эҳтиёжларини қондириш» 130 та талабнома, F – «Механик-муҳандислик, ёритиш, иситиш, моторлар ва насослар, портлатиш ишлари» 34 та талабнома ва С – «Кимё ва металлургия» 27 та талабнома келиб тушган бўлиб, ушбу бўлимлар бўйича топширилган талабномалар ҳиссаси жами талабномаларнинг 69 фоизини ташкил қилади.

<sup>65</sup> Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигининг йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф ишланмаси

\* 2020 йил маълумотлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигининг расмий ахборотномаси асосида муаллиф ишланмаси.

Ўзбекистондаги ҳудудлар бўйича фойдали моделга топширилган миллий талабнома берувчилар орасида рўйхатдан ўтказилган талабномаларнинг энг кўп миқдори, Тошкентдан 170 та талабнома, Бухородан 26 та ва Тошкент вилоятидан 15 та талабнома келиб тушган. Уларнинг ҳиссаси миллий талабнома берувчилар номига рўйхатдан ўтказилган талабномалар умумий миқдорининг 77,6 фоизини ташкил этади. Рўйхатга олинган фойдали моделларнинг умумий миқдори ўтган йилга нисбатан 10,6 фоизга ошган бўлиб, 117 тани ташкил этди (2.4-жадвал). Улардан 99,1 фоиз миллий талабнома берувчилар номига рўйхатга олинган бўлса, қолган 0,9 фоиз хорижий талабнома берувчилар ҳиссасига тўғри келди.

2.4-жадвал

### 2015-2020 йилларда рўйхатдан ўтказилган фойдали моделлар динамикаси<sup>66</sup>

Кўрсаткич	2015	2016	2017	2018	2019	2020*	жами
Рўйхатдан ўтказилган фойдали моделлар, жами улардан:	76	103	107	82	110	117	595
миллий талабнома берувчилар номига	73	98	105	81	108	116	581
хорижий талабнома берувчилар номига	3	5	2	1	2	1	14

Фойдали моделларга патент бериш учун топширилган 433 та талабнома экспертизаси ўтказилди, улардан 217 таси расмий экспертиза, 216 таси моҳият бўйича экспертизага тўғри келади. Фойдали моделларга патент бериш учун 119 та қарор, 50 та

<sup>66</sup> Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигининг йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф ишланмаси.

\* 2020 йил маълумотлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигининг расмий ахборотномаси асосида муаллиф ишланмаси.



рад этиш хақидаги қарор ва 47 та талабнома қайтариб олинди. Фойдали модель бу конструктив йўл билан бажарилган қурилмадир. Шунга кўра фойдали модель патенти 5 йил амал қилади, 3 йилга узайтирилиши мумкин. Патент бугунги кунда жаҳон бозорида энг харидоргир товарлардан ҳисобланади. Халқаро тижорат операцияларида интеллектуал мулк объектлари билан боғлиқ битимлар қиймати ҳозирги вақтда ҳар йили 35 миллиард долларни ташкил этмоқда. Юқоридаги ҳолатлар патент тизимини белгилашда муҳим аҳамиятга эга. Кўпчилик дунё мамлакатлари Париж конвенцияси иштирокчиси бўлса ҳам бу ҳолат турли патент тизимлари мавжудлигига асло тўсқинлик қилмайди. Бу тизимларда патентларни барқарорлиги, уларни бекор бўлиши турлича асосларга эга. Умуман олганда, патент эгаси ҳам, лицензия асосида патентдан фойдаланувчилар ҳам патентга ўз мулкий ҳуқуқларини кафолатловчи юридик ҳужжат сифатида қарашадилар.

Саноат намуналарига патент олиш учун топширилган талабномаларнинг умумий сони 2015-2020 йилларда 1307 тани ташкил этади (2.5-жадвал).

2.5-жадвал

### 2015-2020 йилларда саноат намуналарига талабнома топшириш динамикаси<sup>67</sup>

Кўрсаткич	2015	2016	2017	2018	2019	2020*	жами
Топширилган талабномалар, жами улардан:	238	230	232	270	229	108	1307
миллий талабнома берувчилар томонидан	218	200	215	251	218	101	1203
хорижий талабнома берувчилар томонидан	20	30	17	19	11	7	104

<sup>67</sup> Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигининг йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф ишланмаси

Топширилган талабномаларнинг катта миқдори миллий талабномалар ҳиссасига тўғри келган бўлиб, жами топширилган талабномалар миқдорининг 93,5 фоизини ташкил этади, хорижий талабнома берувчилар ҳиссасига 6,5 фоизи тўғри келади. Рўйхатдан ўтказилган саноат намуналарининг умумий миқдори ўтган йилдагига нисбатан 47,1 фоизга камайди. Бунда миллий талабнома берувчилар ҳиссасига рўйхатдан ўтказилган жами саноат намуналарининг 89,3 фоизи тўғри келса, хорижий талабнома берувчилар ҳиссасига рўйхатдан ўтказилган талабномалар умумий ҳажмининг 10,7 фоизи тўғри келади.

Бозор иктисодиёти тизимида тадбиркорлар учун бу алоҳида муҳим аҳамиятга эга. Бироқ патентни юридик кучи ишончли ва барқарор бўлса, яъни патентни бекор қилиш ёки у бўйича низолашув кийин бўлган тақдирдагина патент кафолат воситаси бўла олади. Ихтиро ва саноат намуналари ҳақидаги маълумотлар расмий-оммавий эълон қилингандан кейин патентини бекор бўлиши бу объектлардан рақиб фирмалар томонидан эркин фойдаланишга имкон туғдиради, собик патент эгаси умид қилган даромаддан маҳрум бўлади.

Миллий процедура бўйича 2020 йилда 5737 та товар белгиларига талабнома топширилган. Хорижий талабнома топширувчилардан миллий процедура бўйича 733 та талабнома келиб тушган. Хорижий процедура бўйича 2898 та талабнома келиб тушган бўлиб, бу ўтган йилга нисбатан 15,3 фоизга кўпдир.

Миллий процедура бўйича рўйхатга олинган товар белгиларининг умумий сони 2205 тани ташкил этдики, бу ўтган йилдагидан 10,3 фоизга кўп. Рўйхатдан ўтказилган талабномалар умумий миқдорининг 75,7 фоизи миллий талабнома берувчилар ҳиссасига тўғри келган бўлса, чет эллик талабнома берувчилар номига рўйхатдан ўтказилган талабномалар ҳиссаси 24,3 фоизни ташкил қилди. Республикада дастурий маҳсулотларни рўйхатдан ўтказиш бошланган


даврдан буён энг кўп талабнома келиб тушган бўлиб, 2015-2020 йилларда 7359 тани ташкил қилиб ўтган йилга нисбатан дастурий маҳсулотларга талабномаларнинг келиб тушиши 78,8 фоизга ошган. Жами келиб тушган талабномаларнинг 98,7 фоизи ЭХМ учун дастурларга, 1,3 фоизи эса маълумотлар базаларига тўғри келади. Юридик шахслардан 660 та талабнома келиб тушган бўлиб, бу жами келиб тушган талабномалар миқдорининг 37,4 фоизини ташкил қилади ва жисмоний шахслардан келиб тушган талабномалар сони 1106 та талабнома келиб тушган бўлиб, бу жами келиб тушган талабномалар миқдорининг 62,6 фоизини ташкил қилади.

Интеллектуал фаолиятда селекция ютуқларидан унинг натижаларидан иқтисодиётнинг кенг кўламдаги фаолиятида юкори кўсаткичларга эришилиши маълум. Илмий интеллектуал фаолиятнинг натижалари ичида селекция ютуқлари ўзига хос тарзда ажралиб туради. Селекция ютуқлари ўз моҳиятига кўра тирик табиатнинг бир қисми, наботот дунёсига мансуб жонзотдир. Айни вақтда у тирик табиатнинг ўз маҳсули эмас, ундаги эволюцион табиий танлашлар ва ирсий ўз-ўзидан ривожланувчи мутациялар натижасида вужудга келмаган.

Патент селекция ютуғининг янгилик эканлини, фарқланишини, ўхшашлиги ва барқарорлигини, шунингдек патент эгасининг селекция ютуғи номига, унга эгалик қилишга, уни тасарруф этиш ва ундан фойдаланишга бўлган ҳуқуқини тасдиқлайди (2.1-расм).

Селекция ютуқлари инсон ижодий тафаккурининг маҳсули, унинг илмий тадқиқотларининг натижасидир. Ижодкор инсон ўзи учун мақбул хусусиятларга эга бўлган ўсимликларнинг янги навларини ва ҳайвонларнинг янги зотларини шунчаки одатдаги оддий меҳнат жараёни натижасида эмас, балки ижодий ёндашув, илмий тадқиқотлар асосида яратади. Шу сабабли ҳам селекция ютуқлари илмий-интеллектуал фаолият

натижаси сифатида махсус ҳуқуқий муҳофаза сифатида тан олинади.



2.1-расм. Селекция ютуқлари.<sup>68</sup>

Селекцион ҳуқуқий муҳофаза қилиш асосларини яратишга илк уринишлар XX аср бошларидан амалга оширилган. Энг аввало ўсимликшуносликда, кейинчалик чорвачиликда селекция ютуқлари ҳуқуқий муҳофаза остига олина бошланди. 1965 йилда Англияда чорвачилик бўйича селекция ютуқлари ҳақида конун ҳужжати қабул қилинди. Бу бежис эмас эди, чунки у зотли моллар экспортёри бўлиб ҳисобланар эди. 1970 йилларда селекциячиликда янги илмий усуллар ген инженерияси, эмбрионларни кўчириб ўтказиш, жинсини олдиндан белгилаш, радиоактив нурлантириш инкилоб ясади.

Халқаро миқёсларда селекция ютуқларини муҳофаза қилишга эҳтиёж вужудга келди. 1961 йил 2 декабрда Парижда ўсимликларни янги навларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ҳақида Халқаро Конвенция имзоланди. У 1968 йил 10 августдан бошлаб қучга кирди. Вакт ўтиши билан бу Конвенция

<sup>68</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги Қонунига асосан муаллиф томонидан тузилди.

Ўзгаришлар билан тўлдирилиб борилди. 1978 йилда Женевада Конвенциянинг янги матни имзоланди.

Конвенциянинг кўпгина қоидалари мамлакатимизнинг амалдаги қонунларига мос келади. Халқаро Конвенцияга асосан UPOV-ўсимликларнинг янги навларини химоя қилиш халқаро ташкилоти (International Union for the Protection of New Varieties of Plants, UPOV)<sup>69</sup> таъсис этилди. Ушбу ҳукуматлараро ташкилот Женевада жойлашган. UPOVга аъзо бўлган ҳар бир давлатлар ҳудудларида ҳам ҳуқуқий муҳофаза қилинишига, хорижий селеционерларни ҳуқуқларини кафолатлашга имкон беради. UPOVга аъзолик ҳар бир мамлакатга бошқа мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш, зарурий ҳамкорлик қилишга ёрдам беради ва охир-оқибатда дунёда селекция фанларини ривожлантиради.

Селекция ютуқларини химоя қилиш масаласи мамлакатимиз учун муҳим аҳамиятга эга. Бунинг энг асосий сабаби Ўзбекистонда пахта-ғўза селекцияси бўйича жаҳонда энг олдинги ўринларда эканлиги билан боғлиқ. Республикамизда ғўза селекцияси бўйича дунёда энг ноёб генетик фонд мавжуд. Ўзбекистонлик олимлар яратган навлар нафақат Қозоғистон, Туркменистон, Қирғизистон, Тожикистон, Озарбайжонда, балки Афғонистон, Мозамбик, Ангола, Миср каби давлатларда ҳам экилган. Машҳур Қоракўл тери кўйларнинг наслдор зотлари бутун дунёда Ўзбекистондан тарқалган. Селекция ютуғига патент олиш ҳуқуқини вужудга келтирадиган талаблар ҳамда бундай патентни бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1996 йил 30 августда қабул қилинган «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги қонун билан белгиланади.

Селекция ютуғига патент бериш ҳақидаги талабнома селекциячи, иш берувчи ёки унинг ҳуқуқий вориси томонидан Агентликка топширилади. 2015-2020 йиллар давомида

<sup>69</sup> ДНК полиморфизм ядерных и хлоропластных геномов ячменя <http://dep.nlb.by>

Агентликка селекция ютуқларига патент олиш учун 293 та талабнома келиб тушди, улардан 278 та талабнома ўсимлик навлари бўйича, 15 та талабнома ҳайвон зотлари бўйича. Селекция ютуғининг патентга лаёқатлилиқ хусусиятлари давлат экспертизаси ва давлат синови орқали аниқланади. Селекция ютуғи ҳимояси лаёқатлилиқ белгиларига мос бўлса, Агентлик селекция ютуғига патент (гувоҳнома) бериш ҳақида қарор қабул қилади ва селекция ютуғи Ўзбекистон Республикаси селекция ютуқлари Давлат реестрига киритилади. Ўсимликлар навларининг Давлат реестрида жами 142 та ўсимлик навлари ва ҳайвон зотлари рўйхатга олинган бўлиб, улардан миллий талабнома топширувчилар ҳиссасига 141 та, хорижий талабнома топширувчилари ҳиссасига эса 1 та тўғри келади.

Маълумки ўсимлик ва ҳайвонот оламида умуман бутун тирик табиатда ўзига хос эволюцион жараён кечади. Бу жараён натижасида ўсимлик ва ҳайвонларнинг хосса, хусусият ва белгилари маълум ўзгаришларга учрайди. Шу сабабли ҳам қонунда селекция ютуғи патентнинг эгаси зиммасига ўсимликнинг тегишли нави ҳайвонларнинг тегишли зотини патентни амал қилиш муддати давомида нав ва зотга тегишли Давлат реестрида рўйхатга олинган санада тузилган уларга доир расмий тавсифда кўрсатилган белгилар саклаб қолинадиган тарзда асраш мажбуриятини юклатилади. Миллий иктисодиётда илм-фан, адабиёт ва санъат асарларини ҳимоя қилишнинг институционал асослари яратилган булар, ижодий жараённи янада рағбатлантириш ва фаоллаштириш, халқимизнинг маънавий-ахлоқий анъаналарини тиклаш ва янада ривожлантириш, бадиий жиҳатдан юксак асарлар яратиш мақсадида<sup>70</sup> соҳа ходимлари меҳнатини рағбатлантириш бўйича қўшимча шароитлар яратишга доир чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.<sup>71</sup>

<sup>70</sup> <http://uz.denemetr.com>

<sup>71</sup> <http://uza.uz>

Ўз навбатида, Давлат божхона қўмитаси томонидан ҳам интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни белгиланган тартибда ҳимоя қилиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Таъкидлаб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Божхона кодексида Интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш юзасидан бутун бир боб бағишланган бўлиб, унга асосан интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш борасида божхона органлари томонидан чоралар кўриладиган ва кўрилмайдиган товарлар, интеллектуал мулк объектларини божхона реестрига киритиш, юритиш ва ундан чиқариш бўйича аниқ тартиб ва тамойиллар белгилаб қўйилди.

Божхона кодексининг 56-боби «Интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш» деб номланган. Мазкур боб 12 та моддани ўз ичида қамраб олган бўлиб, божхона органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш чоралари кенг ёритилган. Хусусан, божхона органлари эндиликда божхона ҳудудига олиб кириладиган ва божхона назорати остида турган интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг бузилганлик белгилари мавжуд бўлган товарларни чиқариб юборишни тўхтатиб туришлари ва тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарорни бекор қилишлари мумкин. Бу эса, энг аввало Ўзбекистонда соғлом савдо муҳитини шаклланишига қўмаклашиб, мавжуд инвестицион муҳитини янада яхшилашга хизмат қилади, инновацион технологияларни олиб кириш ва инвестицияларни жалб қилишда ёрдамчи восита ролини ўйнайди. Айни пайтда, Давлат божхона қўмитаси томонидан «Интеллектуал мулк объектларининг божхона реестри» онлайн электрон шаклда юритилмоқда. Ушбу реестр Давлат божхона қўмитасининг расмий веб-сайтида янгилашиб келинмоқда. Ҳуқуқ эгаларининг аризаларига асосан «Интеллектуал мулк объектларининг божхона реестри»га ҳозирги кунга қадар 250 дан

ортик товар белгилари киритилган бўлиб, божхона органлари томонидан ҳуқуқий ҳимояга олинган ҳисобланади. Божхона органлари томонидан интеллектуал мулк объектлари ҳуқуқий ҳимояга олиниши, яъни «Интеллектуал мулк объектларининг божхона реестри»га киритиш учун ҳуқуқ эгаси ёки унинг ваколатли вакили Божхона кодексининг 385-моддаси асосида Давлат божхона қўмитасига интеллектуал мулк объектларини Интеллектуал мулк объектларининг божхона реестрига киритиш тўғрисида ариза топширади.

Ариза келиб тушган кундан эътиборан ДБК томонидан ўн кундан кўп бўлмаган муддатда кўриб чиқилади ва мазкур реестрга киритиш ёки киритишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинади. Мазкур реестрга киритилган интеллектуал мулк объектлари ҳуқуқ эгаси томонидан божхона назорати остида турган товарларни чиқариб юборишни тўхтатиб туриш юзасидан чоралар кўрилиши бўйича ДБКга муурожаат қилиши мумкин. Божхона назоратида ҳуқуқ эгаси томонидан контрафакт деб кўрсатилган товарлар аниқланса, бундай товарларнинг чиқарилиши тўхтатилади.

Интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқлар экспертизасида интеллектуал мулк объектларини тасдиқловчи ҳужжатлар: патент, лицензиялар, гувоҳномалар, мулкий ҳуқуқларни корхонанинг устав капиталларига ўтказиш ҳақидаги таъсис ҳужжатлари, корхона ва интеллектуал мулк объектларининг ишлаб чиқарувчилари ўртасидаги шартномалар ёки муаллифлик шартномалари, интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқлар бепул топширилишида қабул қилиш-топшириш далолатномаларини текшириш шарт деб белгиланади.

Республикада интеллектуал мулк бозорини ривожланиши омилларидан бири бу интеллектуал мулк объектларини рўйхатдан ўтказиш ҳисобланади. Олиб борилган тадқиқотимиз натижасида куйидаги муаммолар кузатилди. Жумладан, амалиётда тадқиқотлар шуни кўрсатадики, интеллектуал мулк



объектларини рўйхатдан ўтказиш божларининг юкорилиги хорижий ишлаб чиқарувчиларнинг Ўзбекистон бозорига киришига тўсқинлик қилувчи омиллардан бири ҳисобланади. Масалан, Бутунжаҳон Интеллектуал мулк ташкилоти – БИМТнинг ҳисоб-китобларига кўра, Баҳрайнда бож тўловлари миқдори – 1 710, Ўзбекистонда– 1 028, Европа Иттифоқида – 897, Умонда – 484, Сирияда – 473, Исроилда – 423, Таиландда – 418, АҚШда – 388, Сингапурда – 242, Жанубий Кореяда – 233, Туркменистонда – 151, Ҳиндистонда – 148, Индонезияда – 144, Туркияда – 143, Японияда – 108 Швейцария франкини ташкил этади.

Бундан ташқари, брендрейдинг – бегона брендларнинг ишғол этилиш ҳолатлари ҳам мавжуд. Дунёга машҳур қатор бренд вакиллари Ўзбекистон бозорига киришда брендрейдинг кўринишидаги қийинчиликларга дуч келган. Негаки, уларга аввал бошдан тегишли бўлган брендлар бизнинг «уддабурон» фуқароларимиз номига рўйхатдан ўтган эди.

Амалдаги қонунчиликда товар белгисининг машҳурлигини белгиловчи аниқ ва тушунарли мезонларнинг мавжуд эмаслиги брендрейдингнинг асосий сабаби сифатида қайд этилмоқда. Натижада Ўзбекистон фуқаролари номига дунёга машҳур бўлган ва ҳуқуқий ҳимояланган товар белгилари рўйхатга олинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги Апелляция кенгаши томонидан илгари муайян бренд ҳуқуқи уларга тегишли бўлган шахслар талабига кўра, қатор дунёга машҳур товар белгиларини рўйхатга олиш бўйича аввал берилган гувоҳномаларни бекор қилиш ҳоллари ҳам қайд этилган. Соҳадаги тартибсизликларни ўз вақтида аниқлаш орқали фуқаролар (ҳуқуқ эгалари)нинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилишга керакли даражада эътибор қаратилмаяпти.

Қоидага кўра, ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари даъво принципи асосида ишлашмоқда: кимдир уларга мурожаат

қилиб, интеллектуал мулк объектларидаги тартибсизликларни кўрсатиши зарур. Шуни ҳам таъкидлаш жонзки, қонунчиликда виждонли ҳуқуқ эгаларининг манфаатлари бузилиш ҳолатларида, компенсация ундириш бўйича самарали механизмлар кўзда тутилмаган. Товар белгиси ёки хизмат кўрсатиш белгиси эгасининг ҳуқуқлари бузилганда, жазо сифатида, базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 дан 5 бараваригача жарима солинади, холос. Бу пул етказилган зарар ҳажмига мутлақо тўғри келмайди. Шу билан бирга, соҳадаги ҳуқуқбузарликларни тўхтатувчи самарали маъмурий ва жиноий жавобгарлик йўқ. Юқорида кўрсатилган хато ва камчиликлар Ўзбекистоннинг интеллектуал мулк ҳимояси бўйича имижи ва рейтинг даражасига ҳам таъсир кўрсатмоқда.

Қолаверса, интеллектуал мулк ҳуқуқларини ўлчовчи жаҳондаги ягона кўрсаткич – Мулк ҳуқуқлари бўйича халқаро индекси (IPRI)га Озарбайжон, Арманистон, Грузия, Қозоғистон, Россия, Украина сингари давлатлар кирган бир пайтда, Ўзбекистон ушбу ташкилотга умуман таништирилмаган. Шу боис, олиб борилган таҳлил яқунлари бўйича Адлия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Интеллектуал мулкнинг ишончли ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарор лойиҳаси ҳамда интеллектуал мулкни ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича «Йўл харитаси» тайёрланди.

## **2.2. Интеллектуал мулкни баҳолаш тамойиллари ва услубиёти**


Бизнес субъектлари учун интеллектуал мулкдан фойдаланишнинг муҳимлигини ҳамда интеллектуал мулкни баҳолашнинг методологик асосларини ёритиб бердик.

Методологик асосларда интеллектуал мулк объектларини баҳолашнинг харажат, таққослама ва даромад ёндашувларидан фойдаланиш хусусиятлари ўрганилди. Шунингдек, кўриб чиқиладиган баҳолаш усулларининг афзалликлари ва камчиликлари акс эттирилди.

Иқтисодий ривожланиши ва технологик ўзгаришларнинг тезлиги интеллектуал мулкдан фойдаланувчи ташкилотлар учун моддий ва молиявий омилларни қўллашда ва асосийси рақобатбардошликни саклашда бирмунча қийинчиликлар туғдиради. Бундай шароитларда иқтисодий муносабатлар иштирокчиларининг манфаатларида жумладан ташкилотларнинг фаолиятида номоддий омилларни ишлатиш билан боғлиқ бўлган муаммолар, яъни даромадлилик ва рақобатбардошликни ошириш воситаси сифатида намоён бўлади. Бу ўз навбатида, интеллектуал мулкдан фойдаланувчи ташкилотларни тижорат билан шуғулланишида – тижоратлашиш, яратилиш, қайта тақсимлаш, жалб қилиш, фойдаланиш, бухгалтерия ҳисоби, бошқарув, таҳлил ва баҳолаш билан боғлиқ кўплаб муаммоларни келтириб чиқаради.

Қонунчилик базасининг номуаносиблиги, бухгалтерия ҳисоби методологиясининг назарий ривожланишининг етарли эмаслиги, интеллектуал мулкка баҳо бериш ва аудит қилиш ҳамда бошқа муаммолар тадқиқот учун жуда муҳимдир. Ўзбекистоннинг тижорат ташкилотларида интеллектуал мулк объектларидан (ИМО) фойдаланишнинг роли ва аҳамиятига унинг институционал асосларига бугунги кунда етарли даражада эътибор берилмаяпти. Бундан ташқари, мавжуд манбалар «номоддий объектлар», «интеллектуал мулк», «интеллектуал капитал» каби турли хил ёндашувлар ва усуллар билан тушунтиришга ҳаракат қилинмоқда. Бу иқтисодий ва институционал жиҳатдан қўшимча мураккабликни келтириб чиқаради.

«Интеллектуал мулк», «Номоддий активлар» ва «Интеллектуал капитал» тушунчаларининг нисбатини куйидаги расмда ифодалаш мумкин (2.2.-расм).



*Интеллектуал мулк    Номоддий активлар    Интеллектуал капитал*


2.2.-расм. «Интеллектуал мулк», «Номоддий активлар», «Интеллектуал капитал» тушунчаларидаги нисбат.<sup>72</sup>

Интеллектуал мулк – интеллектуал фаолият натижасидир ва айна вақтда куйидаги хусусиятларга эга: яратиш, монопол ҳуқуқ, ҳимоя қилиш, интеллектуал мулкни моддий воситада ифодалайдиган маълумотни кўрсатиш қобилияти (патент, лицензия). Интеллектуал мулк ҳуқуқларига қўшимча равишда биз моддий бўлмаган номоддий активлар тўпламини оламиз. Манбаларнинг умумлаштирилишига асосланиб, биз номоддий активлар иктисодий фаолиятда пулли киймат, даромад олиш қобилияти (ёки даромад олиш учун шарт-шароитларни яратадиган) бўйича узоқ муддатли (бир йилдан кўп) фойдаланиладиган ноёб объектлар, ҳуқуқий ҳимоя, аммо моддий бойлик эмас деб ҳисоблаймиз. Номоддий активлар таркибига корхона ходимларининг интеллектуал ва ишчанлик сифати, уларнинг малакаси ва меҳнатга қобилияти киритилмайди, чунки улар ўзларининг эгаларидан ажралмас ҳисобланади ва уларсиз фойдаланиш мумкин эмас. Номоддий активларни, биринчи галда номоддий активлар таркибидаги интеллектуал мулкни баҳолаш ишлари маълум бир изчилликда амалга оширилади: интеллектуал мулк объектлари;

<sup>72</sup> Муаллиф томонидан гузияди.


сақланадиган ҳужжатлар (патентлар ва гувоҳномалар); интеллектуал мулк ҳуқуқлари экспертиза қилинади.

Интеллектуал мулк объектларининг экспертизаси уларнинг мавжудлиги ҳамда улардан фойдаланиш ҳақиқат эканлиги текширилади. Сақланадиган ҳужжатни муддатлар бўйича экспертиза қилишда ҳужжатнинг амал қилиш муддатлари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан белгиланган меъёрий муддатларга мос келишини текшириш лозим. Патентни тўлиқ ўтказиш бўйича расмий рўйхатга олинмаган шартномалар, шунингдек, расмий рўйхатга олинмаган лицензия шартномалари ҳақиқий эмас деб тан олинади. ИМО ва асосий фондларнинг солиштирма характеристикалари ушбу активлар ўртасидаги ўхшашлик ва фарқларни кўрсатади (2.3-расм).



2.3-расм. Интеллектуал мулк (ИМ) ва асосий фондлар (АФ) ўртасидаги ўхшашлик ва фарқларнинг асосий мезонлари.<sup>73</sup>

<sup>73</sup> Муаллиф томонидан тузилди.



2.4-расм. ИМО баҳолаш босқичлари.<sup>74</sup>

Интеллектуал мулк ва асосий фондларни таққослаш бизга, ИМО ва Асосий фондлар (АФ) ўртасидаги ўхшашлик ва фарқларни аниқлашга имкон беради. Интеллектуал мулкнинг молиявий-иқтисодий моҳиятини ўрганиш эса корхона мулки таркибида алоҳида ИМО нинг ҳақиқий ўрнини аниқлашга имкон беради. ИМО баҳолашнинг биринчи босқичи тайёргарлик ҳисобланади. Ушбу босқичда, биринчи навбатда, инвентаризация (компанияга тегишли бўлган номоддий активларнинг аниқ рўйхатини тузиш) ва аниқ баҳоланган интеллектуал мулкни идентификациялаш ҳисобланади. Операцион баҳолашнинг иккинчи босқичи – баҳоланадиган объект ҳақидаги маълумотни бевосита йиғиш ва унинг нархини самарали, фойдали ва қиёсий усуллар билан ҳисоблаш.

<sup>74</sup> Муаллиф томонидан тузилди.

Баҳолашнинг учинчи босқичи – финал – баҳолаш ҳисоботини тайёрлашни ўз ичига олади. Баҳолаш – объектнинг бозор ёки бошқа қийматини аниқлаш жараёнидир. Қуйидаги 2.4-расмда ИМО баҳолашнинг асосий босқичлари келтирилган.

Интеллектуал мулкнинг баҳолаш хусусияти қуйидагича: уларни амалга ошириш учун бир хил объектлар ва бир хил шартлар мавжуд эмас; баҳолаш аниқ мақсадга қаратилган; бир универсал баҳолаш усули бўлмайди.

Интеллектуал мулкнинг ўзига хос хусусиятларига қарамай, уни бошқа турдаги мулклардан ажратиш мумкин эмас. ИМО қийматини шакллантириш принциплари умуман олганда бизнесни баҳолашда қўлланиладиган принциплардан ажралиб туради. Интеллектуал мулк қийматини аниқлашнинг учта классик ёндашувидан фойдаланилади. Булар, харажат, қийсий ва даромад. Бирок, интеллектуал мулкнинг ноёблигидан келиб чиқадиган бўлсак, ҳар қандай қийматни аниқлашда ушбу ёндашувларни қўллашнинг айрим хусусиятлари мавжуд.

ИМОга ёки номоддий активлар (НМА)га бўлган ҳуқуқларни сотиб олиш бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузилган лицензия, муаллифлик ёки бошқа шартномалар билан муҳофазаланган бошқа НМА ва ИМОлар ҳам баҳолаш объектларига киритилиши мумкин. Баҳолаш объектлари қиймати уларга бўлган мулкӣ ҳуқуқлар, уларга бошқа шахслар талабларининг юкланиши ва чеклашларни ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

Стандартга мувофиқ баҳолаш ташкилотлари, баҳоловчилар ҳамда баҳолаш хизматларининг буюртмачилари учун мўлжалланган ҳамда НМА ва ИМО қийматини баҳолаш бўйича хизматлар кўрсатишда ҳамда НМА ва ИМО қийматини баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботларнинг ишончлилигини экспертизадан ўтказишда қўлланилиши мажбурий деб белигилаб қўйилган.<sup>75</sup>

<sup>75</sup> Ўзбекистон Республикаси Мулкни баҳолаш миллий стандарти (13-сон мбмс) «Интеллектуал мулк объектлари қийматини баҳолаш»ни тасдиқлаш тўғрисида 2371-сон қарор. 18.06.2012. <https://lex.uz>

Республикада интеллектуал мулк салоҳиятини баҳолаш имкониятларини такомиллаштириш мақсадида интеллектуал мулк бозорини ривожланиш омиллари ва салоҳиятини SWOT таҳлилини амалга оширдик (2.6-жадвал).

2.6-жадвал

### Республикада интеллектуал мулк бозорини ривожланиш омиллари ва салоҳиятини SWOT таҳлили<sup>76</sup>

<p><u>КУЧЛИ ТОМОНЛАРИ</u></p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- мамлакатнинг бой интеллектуал манбалар билан таъминланганлиги ва билим ресурслар базасига эгаллиги;</li> <li>- мамлакатда интеллектуал мулк бозори инфратузилмаларининг ривожланганлик даражаси;</li> <li>- интеллектуал мулкни ривожлантиришда ва тартибга солишда давлат стратегиясининг мавжудлиги;</li> <li>- интеллектуал мулк бозорини ривожлантиришда унинг жаҳон бозорига чиқиш имкониятининг юқорилиги ва чегарадош давлатларнинг ривожланиш даражаси.</li> </ul>
<p><u>ЗАИФ ТОМОНЛАРИ</u></p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- интеллектуал мулкни яратишда тажриба-конуструкторлик ҳамда илмий текшириш институтлари фаолиятида фондларни эскирганлик даражасининг юқорилиги;</li> <li>- интеллектуал мулкни тижоратлаштиришда қалбақлаштириш ва ўзлаштириш даражасини юқорилиги;</li> <li>- интеллектуал мулк натижаларини рағбатлантириш механизмини ягона бошқарувининг йўқлиги (Жамоавий бошқарув).</li> </ul>
<p><u>ТАШҚИ КУЛАЙЛИК</u> (имкониятлари)</p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- интеллектуал мулк бозорини тартибга солишда институционал тузилмалар фаолиятини такомиллаштириш;</li> <li>- мамлакатда интеллектуал мулкни тижоратлаштиришда кластер асосидаги институционал тузилмаларни ташкил этиш;</li> <li>- интеллектуал мулкдан фойдаланувчиларни худудлар бўйича тартибга солиш механизмини ташкил;</li> <li>- интеллектуал капитал таркибига кирувчи инсон капиталини устав капиталига киритиш (фойда ва зарарни бўлишиш қоидаси).</li> </ul>

<sup>76</sup> Муаллиф томонидан тузилди



<b>ХАВФ-ХАТАР</b> (таҳлиллар)	<ul style="list-style-type: none"> <li>- дунё миқёсида интеллектуал мулкка бўлган ташқи талабнинг ўзгариб туриши ва барқарорлиги;</li> <li>- жаҳон интеллектуал бозорида рақобатнинг йилдан-йилга кучайиб бораётганлиги;</li> <li>- қалбакилаштириш ва ғирром рақобатнинг мавжудлиги;</li> <li>- ўзаро муаллифлик ҳақларини тўлашда миллий валюта курсларининг кадрсизланиши;</li> <li>- икки томонлама солиққа тортиш тизимини йўқлиги.</li> </ul>
----------------------------------	---

Интеллектуал мулкни баҳолашнинг одатий бўлган бир қатор асосий тамойиллари мавжуд:

нафлилик тамойили – маълум бир вақт ичида фойдаланувчиларнинг маълум бир эҳтиёжларини қондириш қобилятидан иборат;

алмаштириш (ўзгартириш) тамойили – ваколатли харидор интеллектуал актив учун шунга ўхшаш ёрдамчи бошқа активдан олинадиган нархдан юқори тўлов тўламаслигини англатади. Яъни, ушбу позицияда ҳар хил активларга инвестициялар киритишда фойда миқдорининг ўсишини маълум нисбатини ифодаловчи маржинал фойда принципини ўзида мужассам этади;

кутиш тамойили – баҳоланаётган активдан келажакда келадиган пул даромадлари қиймати, уларни олиш муддати ва активнинг қолдиқ қиймати билан бевосита боғлиқ;

мувофиқлик тамойили – маҳсулот бозор стандарларига жавоб беришини англатади. Бундан ташқари, бу кўп жиҳатдан фойда келтирадиган савдо учун зарур шартдир. Истеъмол қиймати жиҳатидан фойдасиз бўлган объект учун деярли ҳеч қандай нарх йўқ;

талаб ва таклиф тамойили<sup>77</sup> – ИМОнинг нархи тўғридан-тўғри бозор ҳолатига боғлиқ бўлиб, ҳар доим ҳам бозор барқарор бўлмаслиги сабабли талаб ва таклиф кўрсаткичлари ҳам ўзгариши табиийдир;

<sup>77</sup> G. E. Zaxidov, M. T. Asqarova, Z. A. Djumayev, L. F. Amirov, N. A. Hakimov., Макро-иктисодиёт. Дарслик. –Т.: IQTISODIYOT 2019.

рақобат тамойили – ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги рақобатнинг кучайиши капитал қўйилмаларнинг ўртача даромадлилик даражасини пасайишига олиб келади;

макроиқтисодий вазиятга ёки минтақанинг иқтисодий ривожланишига боғлиқ тамойиллар – ИМО қийматини таҳлил қилишда қўйидаги макроиқтисодий барқарорлик кўрсаткичларини<sup>78</sup> ҳисобга олиш зарурлигини англатади: миллий валютанинг барқарорлиги; бизнес даврининг босқичлари; давлат сиёсати, айниқса солиқ қонунчилигининг барқарорлиги; соҳани давлат томонидан тартибга солиш даражаси; миллий валютанинг конвертацияси ва албатта самарали институционал механизмлар.

Ушбу тамойилларда мақсад аниқ белигилаб қўйилган<sup>79</sup>. Унга кўра интеллектуал мулк объектлари ва номоддий активлар қийматини баҳолашнинг тушунчаларини, ахборотга қўйиладиган талабларни, баҳолашни амалга ошириш тартибини, баҳолаш ёндашувлари ва усулларини, баҳолаш натижаларини расмийлаштиришга қўйиладиган талабларни ўрнатувчи нормалар ва қоидаларни белгилаш асослаб ўтилган. Интеллектуал мулкни баҳолаш, корхона/ташқилот тугатилганда, бирлаштириш ва сотиб олишни ўтказишда, судда расмий ҳисобот тақдим этишда, интеллектуал мулк ҳуқуқларининг бузилиши натижасида етказилган зарарни аниқлашда, муаллифларга тўланадиган ҳақни аниқлашда<sup>80</sup> ҳамда интеллектуал мулк ҳуқуқларини бериш ва лиценциялашда зарурият ҳисобланса, айти вақтда номоддий активларни баҳолаш эса, корхона/ташқилот устав капиталига


<sup>78</sup> Макроиқтисодий барқарорлик кўрсаткичларининг мезони: ЯИМга нисбатан пулнинг массаси 25 фоиз бўлиши, ташқи қардорлик ЯИМга нисбатан 15 фоиздан ошмаслиги ва бошқа кўрсаткичлар.

<sup>79</sup> Ўзбекистон Республикаси Мулкни баҳолаш миллий стандарти (13-сон МБМС) «Интеллектуал мулк объектлари қийматини баҳолаш» стандарти. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

<sup>80</sup> Борисова И.И., Орлова Е.А. Оценка и учет объектов интеллектуальной собственности. Методические рекомендации. Н.Новгород. 2012. 9-10с.(55с).

хисса қўшишда, номоддий активга инвестиция қилиш тўғрисида қарорлар қабул қилишда, интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқларни сотиб олиш ва сотиш, бизнесни баҳолашда<sup>81</sup> ва сотиб ҳамда халқаро молиявий ҳисобот стандартлари учун зарур ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг Баҳолаш тўғрисидаги қонуннинг 11-модасида бу зарурият «баҳолаш ўтказишнинг мажбурилиги»<sup>82</sup> деб аталади. Шунингдек, интеллектуал мулк қийматини баҳолаш (intellectual property appraisal) – эгасига маълум фойда келтирадиган интеллектуал фаолият натижаларига бўлган ҳуқуқлар ҳажмини аниқлашдан иборат. ИМ объектларининг хилма-хиллиги уларни баҳолаш учун стандарт усул ва ёндашувлардан фойдаланишга имкон бермайди. Қандай бўлмасин, баҳолаш юридик ва жисмоний шахс интеллектуал меҳнатининг муайян натижаларига бўлган ҳуқуқларига эгалик қилиш учун қанча пул тўлашга тайёрлигини аниқлатади.

Интеллектуал мулк объекти товар сифатида намоён бўлар экан, у бозорда ўз қийматига эга бўлиши лозим. Бунда ИМ қийматини баҳолаш хизматлари бозорининг институционал тузилмасидан самарали фойдаланиш талаб этилади (2.5-расм).



2.5-расм. Интеллектуал мулк қийматини баҳолаш хизматлари бозори(ИМКБХБ)нинг функционал-тузилмавий схемаси.<sup>83</sup>

<sup>81</sup> Matmurodov F.M., Baholash ishi. O'quv qo'llanma. -T.: «Fan va texnologiya» nashriyoti, 2012.,(132) -90b.

<sup>82</sup> ЎзРес Баҳолаш фаолияти тўғрисида қонун.(1999 йил 19 август ўзгартиришлар билан). www.lex.uz.

<sup>83</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Ушбу расмда, ВТ-холис баҳоловчи ташкилот (фирма), О-баҳолаш объекти ва унинг эгаси, D-турли мулкни баҳолаш фаолиятини тартибга солиш (мувофиқлаштириш ва назарот қилиш)га ваколатли бўлган давлат бошқарув органлари, N-баҳоловчиларнинг ўзини-ўзи тартибга солувчи (мувофиқлаштирувчи) нодавлат-нотижорат ташкилотлари. Ушбу схемадаги ИМҚБХБнинг О-ВТ-N франгменти ўзини-ўзи тартибга солиш моделини ифодалайди, О-ВТ-D франгменти давлат томонидан тартибга солиш моделини, О-D-N-ВТ шакли эса аралаш моделни билдиради.

Миллий иқтисодиётда ИМни баҳолаш, иккита асосий йўналиш билан боғлиқ ҳолда кенг қўлланилади, бу мулкни тижоратлаштириш ва капиталлаштиришдан фойдаланишдир.

ИМни тижоратлаштириш, тижорат билан боғлиқ ҳолда нафақат ИМОни, балки фойда олиш масаласида ишлаб чиқарилган рақобатдош маҳсулотларни сотиш, сотиб олиш ва улардан фойдаланиш ҳам киради. Тижоратлаштириш даврида баҳолаш фаолияти ИМнинг бозор қийматини аниқлашга қаратилган бўлиб, уни даромад, харажат ва киёсий ёндашувлар ёрдамида ҳисоблаш мумкин. Ушбу ёндашувлар шунингдек, кўчмас мулк қийматини баҳолашда ҳам тегишлидир<sup>84</sup>.

ИМни тижоратлаштириш тушунчаси фойда олиш мақсадида бизнесда олиб бориладиган тижорат операцияларининг кенг доирасини қамраб олади. Бунга, лицензияларни сотиш, патентларни бериш (бегоналаштириш), ИМОни корхоналарнинг устав капиталига ҳисса сифатида киритиш, бошқа тижорат битимлари доирасида ИМ ҳуқуқларига бўлган ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш, ИМ ҳуқуқларидан ноқонуний фойдаланиш натижасида етказилган зарарни қоплаш<sup>85</sup>, ИМОни рақобатдош маҳсулотларни ишлаб чиқариш

<sup>84</sup> Matmurodov F.M., Baholash ishi. O'quv qo'llanma. – T.: «Fan va texnologiya» nashiriyoti, 2012.,(132) -7,32,42,52.

<sup>85</sup> Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги интеллектуал мулк агентлигининг норматив ҳужжатлари асосида белгилаб қўйилган.

ва сотиш учун ўз ишлаб чиқаришида жалб қилиш, шунингдек, тижоратлаштиришнинг ўзига хос шаклларида фойдаланиш, шу жумладан суғурта ва ИМО гарови.

ИМни капиталлаштириш – бу ИМни корхонанинг мулкига (номоддий активларга) айлантириш ва ушбу мулкни корхонанинг балансида номоддий активлар сифатида акс эттириш. Капиталлаштириш жараёни ИМни инвентаризация қилиш<sup>86</sup>, уларни баҳолаш ва номоддий активлар сифатида корхона балансида кўрсатишни ўз ичига олади. ИМни капиталлаштиришда баҳолаш «харажат» ёндашуви асосида амалга оширилади. ИМни баҳолашнинг метадологик асоси бошқа мулк объектларини баҳолашда қўлланиладиган принциплар, ёндашувлар ва усуллар бўлиб қолиши керак, ammo ИМОнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бозорнинг махсус товарлари деб қараш зарур. Бугунги кунда бутун дунёда интеллектуал мулк янги иш ўринларини яратилишида, янги товар ва хизматлар кўрсатилишида асосий манба бўлиб ҳисобланмоқда. Интеллектуал мулк институти жаҳон иқтисодиётида янги технология, масс-медиа, юкори мода, информатика ва интеллектуал хизматлари охириги йигирма йил ичида инсоният ривожланишини белгилаб берди.

Баҳолашнинг мақсади ИМ ҳуқуқларини ўз ишлаб чиқаришида ишлатишдан олинган фойда миқдори, расмий ИМ ҳуқуқи муаллифларига тўланадиган ҳақ миқдорини, патентларни ҳамда лицензияларни сотиш ва сотиб олиш қийматини, корхоналарнинг устав капиталига ИМ ҳуқуқини ноқонуний ишлатиш натижасида келиб чиқадиган зарарлар миқдорини, ИМ ҳуқуқини суғурта қилиш ва гаров нархини

---

<sup>86</sup> Номоддий активларнинг инвентаризацияси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1999 йил 19 октябрда ЭГ/17-19-2075-сон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти(19-сонли БҲМС) «Инвентаризацияни ташкил қилиш ва ўтказиш»да (рўйхат рақами 833, 1999 йил 2 ноябрь

аниқлашдан иборат бўлиши мумкин ва бошқ. ИМОни капиталлаштириш учун харажатлар ёндашуви қўлланилади, унинг ёрдамида ўз корхонасида ИМО яратиш ёки учунчи шахслардан сотиб олиш билан боғлиқ харажатлар баҳоланади. Ушбу ҳолатда маълум бир ҳисоб-китоб даври учун фойда миқдори куйидаги формула бўйича аниқланади:

$$ПТ1 = \sum_{th}^{tk} Vt \times \Delta Pt \times Kdt \quad (1)$$

Бу ерда, ПТ1 – ўзининг ишлаб чиқарган товарлар ва хизматларини сотилишидан бошлаб Т даврдаги кутилаётган фойда ҳажми; Vt – йил давомида ИМО асосида маҳсулот сотиш ҳажми; ΔPt – ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлигини сотишдан кутилаётган фойда; Kdt – t – йилда дисконт коэффициенти; th ва tk – Т даврга мос равишда ҳисоблаб чиқилган дастлабки ва охириги йиллар. ИМ ҳуқуқларини тижоратлаштиришнинг бошқа шаклларида фойдаланишда (патент ва лицензияларни сотиш, кўшма корxonанинг устав капиталига ҳисса кўшиш, франчайзинг, лизинг, ишлаб чиқариш коорпорацияси, тижорат имтиёзи ва бошқалар) муаллифлик ҳуқуқи эгаси жами фойда миқдорини фақат бир қисмини (10-30%)<sup>87</sup> олади, қолган қисми патент ва лицензияни сотиб олганга тегишли бўлади. Бундай ҳолда муаллифлик ҳуқуқи эгаси олган фойда миқдори куйидаги формула орқали аниқланади:

$$ПТ2 = Д \times \sum_{th}^{tk} Vt \times \Delta Pt \times Kdt \quad (2)$$

Бу ерда, ПТ2 – лицензиялар ва патентларни сотишдан тўланадиган муаллифлик ҳақи миқдори; Д – патент ёки лицензияни сотиб олувчининг фойдасидаги муаллифлик ҳуқуқи эгасининг улуши фоизда.

<sup>87</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 14 августда 3201-сонли қарори.

Ҳисоблаш формулаларини таккослаш шуни кўрсатиб турибдики, энг катта самарани муаллифлик ҳукуқи эгаси ИМОни ўз ишлаб чиқаришида қўлласа юқори фойда олади. ИМОни тижоратлаштиришнинг бошқа шаклларида фойдаланганда эса у фойдаланувчидан олган фойданинг маълум қисмига таяниши мумкин.

Шунингдек, бошқа омиллар ҳам фойда ҳажмига таъсир қилиши мумкин, бунда ИМОдан фойдаланиш вариантини танлаш тўғрисида қарор қабул қилинади. Агар:  $PT1 > PT2$  – ИМОни ўз ишлаб чиқаришида қўллаш тавсия этилади;  $PT1 < PT2$  – лицензиялар ва патентларни сотиш тавсия этилади. Энг йирик халқаро компаниялар, ҳимояланган ИМ натижаларининг катта портфели билан, кўриб чиқилган тижоратлаштиришнинг барча шакллари ва воситаларидан фойдаланган ҳолда ўзларининг ИМ ҳуқуқларидан комплекс фойдаланиш стратегиясини ишлаб чиқишга интилишади.

ИМни тижоратлаштириш билан боғлиқ операцияларни амалга оширишда ҳар доим ИМ ҳуқуқларининг бозор қиймати аниқланади.<sup>88</sup> ИМОнинг бозор қиймати – бу энг мақбул нарх ҳисобланиб, унга мувофиқ томонлар барча зарур маълумотларга эга бўлган ҳолда оқилона ҳаракат қиладилар. Умуман олаганда, ИМО ёки лицензиянинг бозор қиймати куйидагича ифодаланиши мумкин<sup>89</sup>.

$$\text{Бимо} = V \times T \times \Delta P = V \times (Z - C), (3).$$

$$\text{Блиц} = D \times V \times T \times \Delta P = D \times V \times (Z - C), (4).$$

Бу ерда, Бимо-ИМОнинг сўм ёки бошқа валюталардаги бозор қиймати, Блиц-ИМО учун лицензияларнинг сўм ёки бошқа валютадаги бозор қиймати, В-физик бирликларда ИМО асосида ўртача йиллик маҳсулот, Т-ИМОдан фойдаланишнинг

<sup>88</sup> Судариков С.А., Грек Н.Г., Бахренькова К.А., Экономика и интеллектуальная собственность. -М.:Изд-во деловой и учеб.лит., 2004. (512)-49с.

<sup>89</sup> Мухомлад В.И. Коммерциализация интеллектуальной собственности. -М.:ИНФРА-М, 2010. (512)-312с.

тахминий муддати ёки лицензия шартномасининг муддати, яъни йиллар сони, ΔП-ИМ ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳар бир бирлигидан сўмда ёки бошқа валютада олинган фойда, V-T давридаги ИМО (ёки лицензияли маҳсулотлар) асосида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми физик бирликларда, Z-ИМО асосида ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлигининг сўмда ёки бошқа валютада сотиш нархи, C-ИМО асосида сўм ёки бошқа валютада ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлигининг қиймати, D-маълум бир ҳисобот давридан кейин лицензиат томонидан олинган фойда (лицензиатнинг улуши) фоизларда тўланади, бу улуш эмпирик тарзда ҳисобланади ва амалда лицензиат олган фойда миқдорининг 10-30<sup>90</sup> фоизини ташкил қилади. Юқоридаги формуладан фақат бозорни аниқлашнинг моҳияти ва механизмини тушуниш учун қўллаш мумкин, аммо ИМОни баҳолашнинг профессионал амалиётида ушбу формулани қўллаб бўлмайди, сабаби формулада ўртача йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш (B), ўртача сотиш нархи (Z), харажат (C), фойда (ΔП) каби ўртача йиллик ҳисоблаш параметрлар мавжуд. Амалда бу кўрсаткичлар ҳар йили турли хил қийматларга эга бўлади, бундан ташқари формулада хавф омиллари<sup>91</sup>, вақт ўтиши билан пул қийматининг ўзгариши (инфляция)<sup>92</sup> ҳисобга олинмаган. Ушбу масалада нархларни белгилашга ҳар хил ёндашувлар доирасида ИМОни баҳолаш усуллари кўриб чиқишда кўшимча эътибор берилади.

БИМТга аъзо давлатларда жумладан Ўзбекистон Республикасида интеллектуал мулкни ва номоддий активларни

---

<sup>90</sup> Мухопад В.И. Сущность, средства и проблемы коммерциализации интеллектуальной собственности в Российской экономике.-М.: ГОУ ВПО РГИИС. 2010.(96). -57с.

<sup>91</sup> Zoyirov L.S., Qosimova S.K., Intellektual mulk va nomoddiy aktivlarni baholash, O'qiv qo'llanma, -T.: «Iqisod-Moliya», 2019. -62. (176)

<sup>92</sup> Баҳолаш жараёнида, нархларнинг ўсини суръати мамлакатда 15 фоиздан юқори бўлса, қайта ҳисоблашни Фишер формуласини қўллаш орқали амалга ошириш тавсия этилади.



колаверса, интеллектуал капитални<sup>93</sup> баҳолаш учун америкача баҳолаш усулларининг классификацияси қўлланилади. Унга кўра учта асосий классик ёндашувлар мавжуд: харажат, бозор (қиёсий) ва даромад<sup>94</sup>. Баҳолаш усуллари ва жараёнлари бизнес инвестициялари учун зарур бўлганлиги сабабли, ушбу мавзу бўйича кўплаб тадқиқотлар<sup>95</sup> олиб борилган. Америкалик иқтисодчилар Ittner D.S., Larcker D.F. «Агар сиз нотўғри ўлчовдан фойдалансангиз ёки у иқтисодий кўрсаткичларга мос келмаса, шунчаки кўп пул йўқотганингиз йўқ, балки сиз ҳам ҳалокатли қарорлар қабул қилгансиз»<sup>96</sup> – деб таъкидлашади.

Бугунги кунда номоддий активлар ва ИМни баҳолаш учун куйидаги усуллардан фойдаланиб келинмоқда. Дастлаб, номоддий активларни баҳолаш усуллари билан танишиб чиқсак. Номоддий активларни бозор қийматини аниқлашда «харажат» ёндашуви бўйича номоддий активларни яратиш қиймати усули ва ютуқ нархини сарфлаш усули, «қиёсий (бозор)» ёндашувида номоддий активларнинг аналоглари бўйича таққослама усули қўлланилса, «даромад» ёндашувида эса ортиқча даромад усули, дисконтланган пул оқими усули, роялти тўлашдан озод қилиш усули ҳамда фойда олишнинг афзаллик усулларидан фойдаланилади.<sup>97</sup>

Дастлаб номоддий активларнинг қийматини, уларни яратиш харажатларини аниқлаш орқали амалга оширилади. Биринчидан, НМАни алмаштириш (ёки тиклаш)нинг умумий қиймати аниқланади. Бунинг учун харажатларнинг куйидаги

<sup>93</sup> Пўлатов М.Э. Интеллектуал капитал ҳисоби ва аудити методологиясини такомиллаштириш.Фан доктори(DSc) диссертацияси.. –Т.: 2017. (209)-356.

<sup>94</sup> Судариков С.А., Грек Н.Г., Бахренькова К.А.. Экономика и интеллектуальная собственность. -М.:Изд-во деловой и учеб.лит., 2004. (512) -49с.

<sup>95</sup> Қосимов М.С. Инвестиция лойиҳаларини тахлили. Дарслик 2018 йил – 33бет

<sup>96</sup> Tonissen,L., Maicher,L. (2012): Patents, their importance and valuation methods. Fraunhofer MOEZ Working Paper, issue 3/2012. -22. (42)

<sup>97</sup> Асаул А.Н., Капаров Б.М., Перевзкин В.Б., Старовойтов М.К. Модернизация экономики на основе технологических инноваций. -СПб.: АНО ИПЭВ, 2008. (606с. -194с. .

турлари ҳисобга олинади: мулк ҳуқуқларин олиш учун; кидирув ишлари учун; янги намуналарни (прототипларни) яратиш; учунчи шахсларнинг хизматлари учун; патент божларини тўлаш учун; дизайн ва лойиҳа ҳужжатларини яратиш учун; лойиҳани ҳуқуқий ҳимоя қилиш учун ва бошқалар. Бу жами харажатларни суммаси –  $\Sigma Z$  ташкил этади. Иккинчидан, НМАнинг маънавий эскиришини ҳисобга оладиган ( $K_{\text{ман}} \cdot \text{НМА}$ ) коэффицент аниқланади.  $K_{\text{ман}} \cdot \text{НМА} = 1 - T_a / T_n$ <sup>98</sup>.

Бу ерда,  $T_a$  – ҳимояланган ҳужжатининг амал қилиш муддати.  $T_n$  – ҳимояланган ҳужжатнинг номинал муддати. Учунчидан, НМАнинг қолдиқ қиймати ( $K_{\text{қол.НМА}}$ ) аниқланади, бунда техник ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлган коэффицент ( $K_t$ ) ҳисобга олинади.  $K_{\text{қол.НМА}} = \Sigma Z \times K_{\text{ман.НМА}} \times K_t \times K_{\text{иқ}}$ <sup>99</sup>. Бу ерда,  $K_{\text{иқ}}$  –  $i$  – йилдаги умумий иқтисодий жараёнларни акс эттирувчи коэффицент (нархлар динамикасини таҳлил қилиш асосида ҳисобга олинади);  $K_t$  – техник ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлган коэффицент<sup>100</sup>.

Номоддий активларнинг қийматини харажатларнинг ўсишини тахмин қилиш орқали аниқланади ва бу усулда таннархни ошириш орқали компания фойдасига ҳисса қўшилади. Ушбу иқтисодий устунлик қоидаларга боғлиқ бўлиши мумкин. Одатда, ушбу усулни қўллаш қуйидагиларни ўз ичига олади: маълум вақт оралиғидаги қийматнинг даромад миқдорини топиш; ушбу қийматни адолатли қиймат коэффицентидан фойдаланган ҳолда капиталлаштириш.

ИМО ва НМАлар хўжалик юритувчи субъект активлари тури сифатида ностандарт объект эканлиги сабабли, ушбу

<sup>98</sup> Цыбулов П.Н. Оценка интеллектуальной собственности. Учебное пособие, -Киев.: Институт интеллектуальной собственности и права. 2005.(198). -50с.

<sup>99</sup> Ходиев В.УУ., Беркинв В.В., Кравченко А.Н., Бизнес қийматини баҳолаш, -Т.: «Иқтисод-Молия», 2007. (256). -138б.

<sup>100</sup> ЎзРес Мулкни баҳолаш миллий стандарти (13-сон МБМС) «Интеллектуал мулк объектлари қийматини баҳолаш»ни қўллаш бўйича Услубий кўрсатма. 2012й. 1 ва 2-чи – иловалар.

ёндашувлардан фойдаланиш ўзига хос хусусиятларга эга, чунки хар хил ИМО ва НМАлар хар хил рискларга эга ва тегишли баҳолаш усулларидан фойдаланганда буни ҳисобга олиш керак. Шу сабабли тадқиқотларимиз натижасида интеллектуал мулк ва номоддий активларни баҳолашга бўлган ёндашувлар афзалликлари услубиёти ишлаб чиқилди (2.7-жадвал).

2.7-жадвал

### ИМ ва НМАни баҳолашга бўлган ёндашувларни афзал кўриш<sup>101</sup>

Номоддий активлар ва интеллектуал мулк турлари	Танланган ёндашувлар		
	Биринчидан	Иккинчидан	Учинчидан
Патентлар ва технологиялар	Даромад	Қиёсий (бозор)	Харажат
Савдо белгилари	Даромад	Қиёсий (бозор)	Харажат
Муаллифлик ҳуқуқи объектлари	Даромад	Қиёсий (бозор)	Харажат
Малакали ишчи кучи	Харажат	Даромад	Қиёсий (бозор)
Ахборот дастури бошқарувини таъминлаш	Харажат	Қиёсий (бозор)	Даромад
Дастурий маҳсулотлар	Даромад	Қиёсий (бозор)	Харажат
Дистрибьютер (тарқатиш) тармоқлари	Харажат	Даромад	Қиёсий (бозор)
Асосий депозитлар	Даромад	Қиёсий (бозор)	Харажат
Франчайзинг ҳуқуқлари	Даромад	Қиёсий (бозор)	Харажат
Корпоратив амалиёт ва процедуралар	Харажат	Даромад	Қиёсий (бозор)
Нусха кўчириш ҳуқуқлари	Даромад	Қиёсий (бозор)	Харажат

<sup>101</sup> Муаллиф томондан тузилди.

Шунингдек, номоддий активларнинг қийматини, аналогларни таққослаш йўли билан аниқлаш усулида эса кўриб чиқиладиган активлар ва технологияларнинг афзалликлари ва камчиликлари тегишли тузатишларни киритиш орқали ҳисобга олиниши талаб этилади. Амалиётда юқорида кўрсатиб ўтилган барча усуллардан самарали фойдаланб келинмоқда.

Саноат мулки объектларини баҳолаш соҳасидаги жаҳон амалиётини ўрганиш натижалари, турли усулларни қўллашда уларнинг қийматига катта таъсир кўрсатадиган омилларни аниқлашга имкон берди<sup>102</sup>(2.8-жадвал).

2.8-жадвал

### Саноат мулки объектлари қийматини баҳолашга таъсир этувчи омиллар<sup>103</sup>

Ёндашувлар		
Харажат	Даромад	Қиёсий (бозор)
Саноат мулкни яратиш, сотиш ва саклаш билан боғлиқ харажатлар	Баҳоланган саноат мулки корхона томонидан яратилган, соф пул оқимининг бир қисми	Баҳоланган саноат мулки соҳасидаги рақобатбардош корхоналарнинг иқтисодий кўрсаткичлари
Баҳоладиган мулкнинг қолдиқ қиймати	Дисконт ставка	Баҳоланган саноат мулки объектларидан фойдаланишда патент ва лицензияларнинг нархлари тўғрисида маълумот

<sup>102</sup> Борисова И.И., Орлова Е.А. Оценка и учет объектов интеллектуальной собственности. Методические рекомендации. Н.Новгород. 2012. -24-25., Асаул А.Н., Капаров Б.М., Перевзкин В.Б., Старовойтов М.К. Модернизация экономики на основе технологических инноваций. -СПб.: АНО ИПЭВ, 2008. (606). -199с., Антонишин Ю.Т., Ловкис В.Б., Маркевич В.В., Носко В.В., Основы управления интеллектуальной собственностью, учебно-методический комплекс. -- Минск.: БГАТУ, 2016. (180) -92-93. Асосида муаллиф ишланмаси.

<sup>103</sup> Муаллиф томондан тузилди.

Баҳоланадиган мулкнинг маънавий эскириш бадалли	Баҳоланган саноат мулки объектларидан фойдаланишдан келадиган даромаднинг прогноз даври	Лицензияланган маҳсулотларининг нарх даражаси
Корхонада баҳоланган мулкдан фойдаланишнинг рентабеллиги		Саноат мулки томонидан яратилган қийматга ўхшаш аниқ соф пул оқимининг қисми

Интеллектуал мулкни баҳоланишнинг «киёсий (бозор)» ёндашувида, ИМО савдосини таққослаш усули қўлланилса, «харажат»лар ёндашувида эса учта усулдан кенг қўлланилади, булар, қийматни алмаштириш усули, қийматни тиклаш усули ва бошланғич харажатлар усули ва охириги «даромад» ёндашувида эса саккизта усулдан, яъни пул оқимларини дисконтлаш усули (Discounted Cash Flow-DCF), тўғридан-тўғри капиталлаштириш усуллари, тезкор рейтинг усули, ортиқча фойда усули, «25 фоиз қоида»га асосланган усул, роялти ҳисоблаш усули, эксперт усуллари ҳамда роялти ставкасини истисно қилиш усули.

Турли ИМ ва НМА қийматини аниқлашда юқоридаги учта асосий тизимли ёндашув амалга оширилиб, уларнинг ҳар бири ягона баҳоланиш принципларидан фойдаланади. Барча ёндашувлар бир хил ИМ бозорида ва НМАда тўпланган маълумотларга асосланади, аммо уларнинг ҳар бири турлича акс этади. Якуний ҳулоса баҳоловчи томонидан уларнинг натижаларининг йиғиндисига асосланиб тузилади, улар қоида тариқасида яқин бўлиши керак. Шунини алоҳида таъкидлаш жонзқи учта баҳоланиш ёндашувларга, барча манбаларда бир хил илмий-назарий ва амалий қарашлар мавжуд. Жумладан, «харажат» ёндашуви – НМАни ва ИМни амортизация қийматини ҳисобга олган ҳолда тўлиқ қайта ишлаб чиқариш ёки тўлиқ

алмаштириш учун зарур бўлган харажатларни аниқлашга асосланган усуллар ҳисобланади. «Қиёсий (бозор)» ёндашув – баҳолаш объектларини ўхшашлари билан таққослашдан иборат бўлган бозор савдосини таҳлил қилиш асосида НМА ва ИМни баҳолаш усуллари тўплами. «Даромад» ёндашуви – кутилаётган даромадни аниқлашга асосланган НМА ва ИМни баҳолаш усуллари тўплами. Инвестор нуктаи назаридан, бу ҳолда ИМ ва НМАлар фақат даромад манбаи сифатида кўриб чиқилади. Юқоридаги ёндашувлар билан бир қаторда интеллектуал капитални баҳолашнинг прогрессив усуллари ҳам мавжуд, яъни и.ф.н. Графова Т.О. томонидан муҳандислик ишланмаси бўлиб<sup>104</sup>, моҳиятига кўра ҳар бир компонент учун (таркибий гуруҳ) баланс ҳисоботи тузилади.

### **2.3. Мулкӣ ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқариш ва муаллифларга ҳақ тўлаш тизимини шакллантириш**

«Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги қонунига<sup>105</sup> мувофиқ, юридик ва жисмоний шахслар, қонунда кўрсатилганидан ташқари ҳолларда, асардан, ижродан, фонограммадан фақат ҳуқуқ эгаси ёки бошқа ваколатли шахс билан тузилган шартномага биноан, шу жумладан мулкӣ ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотлар билан тузилган шартномага биноан фойдаланишлари мумкин.

Аксарият ҳолларда муаллифлар ўз асарлари фойдаланувчилар томонидан оммавий ижро этилганлигини амалда, индивидуал тарзда назорат қилишлари имконияти мавжуд эмас ва бу бир қатор қийинчиликлар келтириб чиқаради. Шу

<sup>104</sup> Судеян Л.О. Подходы к оценке стоимости интеллектуальной собственности. Институт Государственного управления, права и инновационных технологий (ИГУПИТ) Интернет-журнал «Науковедение» №4 2012.-2с.

<sup>105</sup> Ўзбекистон Республикасининг қонуни «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги. 20. 07. 2006 й. <http://lex.uz>.

боис, миллий ва халқаро тажрибага мувофиқ муаллифларнинг мулкӣ ҳуқуқлари тегишли ташкилотлар томонидан жамоавий асосда бошқарилади. Муаллифлар ва ҳуқуқ эгалари ўз ҳуқуқларини индивидуал тарзда амалга ошириши қийинчилик туғдирадиган ёхуд қонунда асарлар ва турдош ҳуқуқлар объектларидан муаллифлар ва ҳуқуқ эгалари руҳсатисиз, бироқ ҳақ тўланган ҳолда фойдаланиш мумкинлиги назарда тутилган тақдирда мулкӣ ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқариш учун ташкилот тузишлари мумкин. Муаллиф ёки бошқа ҳуқуқ эгаси ўз мулкӣ ҳуқуқлари ёки ҳуқуқини амалга ошириш ваколатларини тегишли тоифадаги ҳуқуқ эгаларининг мулкӣ ҳуқуқларини жамоавий асосда бошқарувчи фақат битта ташкилотга беришга ҳақлидир.<sup>106</sup> Таҳлиллар шуни кўрсатмоқда-ки, аксарият ҳолларда асарлар ва турдош ҳуқуқ объектларидан фойдаланганлик учун муаллифлик ҳақларни йиғиш ва тақсимлаш, яъни мулкӣ ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқаришнинг механизмлари амалда тўлақонли жорий этилмаганлиги боис муаллифлар ва ҳуқуқ эгаларининг қонун ҳужжатлари талабларига кўра ҳақ олиш ҳуқуқининг таъминланмаслигига сабаб бўлмоқда.

Мулкӣ ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарадиган ташкилотлар нотижорат ташкилотлар ҳисобланади ва ўз устави асосида фаолият кўрсатади.

Нодавлат нотижорат ташкилот сифатида – Мулкӣ ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқариш билан ўтган давр мобайнида 3 та ташкилот шугулланган:

– «Ўзбекистон муаллифлар ва ижрочилар гилдияси» жамоат бирлашмаси бирмунча самарали фаолият юритиб, ҳозирда унинг фаолияти тўхтатилган;

– «Ўзбекистон ҳуқуқ эгалари палатаси» нодавлат нотижорат ташкилоти тор доирада фаолият юритиб, ўз мажбуриятларини деярли бажармасдан келмоқда;

<sup>106</sup> Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 20. 07. 2006 й. «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида» <http://uz.denemetr.com>

– «Артмадад» махсус жамғармаси Маданият вазирлиги тизимида ташкил этилган бўлиб, қисқа муддат давомида фаолият юритиб, ҳозирда фаолияти тугатилган.

Мазкур ташкилотлар томонидан фаолияти Республиканинг барча ҳудудларида амалга оширилмаслиги, тегишли ҳақ миқдори тўланмаслиги ҳамда фойдаланувчилар билан тузиладиган шартномаларда тенглик ва шаффофлик принципларига амал қилинмаслиги, ваколатли орган томонидан давлат назоратини амалга ошириш механизмаларининг мавжуд эмаслиги сабабли муаллифлар ва ҳуқуқ эгаларидан ҳақли эътирозлар билдирилмоқда.

Мамлакатимиз тараққиётида асрлар мобайнида шаклланган миллий анъаналаримизга мос равишда ижод аҳлига алоҳида эътибор қаратилиб, уларнинг моддий эҳтиёжларини қондириш давлатимиз раҳбари ташаббусларидан биридир.

Таҳлилларимиз натижаси сифатида мазкур қарор лойиҳасига бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш шароитида давлат бош ислохотчи сифатида мулкий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқаришнинг роли ва аҳамиятини кучайтириш, ташкилотни ташкил этиш ҳамда фаолиятини йўлга қўйиш билан боғлиқ ташкилий-ҳуқуқий механизмлари яхлит тизимга солинган ҳолда ҳал этишни ва ушбу муносабатларда махсус ваколатли давлат органи томонидан назорат амалга оширилишини таклиф сифатида киритдик.

Муаллифлик ҳақларини йиғиш ва тақсимлашнинг самарали механизмларини жорий этиш, «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги қонуни<sup>107</sup> ижросини таъминлашда, ташаббус тартибида тайёрланган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори лойиҳаси қабул қилиниши ва қайд этиб ўтилган муаммоларнинг ечими бўлиб хизмат қилади.

<sup>107</sup> Фуқаролик ва оила ҳуқуқи (3/3) <http://akadmv.d.uz>



Мазкур ўзгартиришлар жаҳон миқёсида, шу жумладан Республикамизда ҳам жадал суръатларда ривожланиб бораётган ахборот технологиялари даврида маҳаллий ва чет эл ҳуқуқ эгаларининг муаллифлик ҳуқуқи ва/ёки турдош ҳуқуқларини ишончли химоя қилишнинг янги давр босқичига замин яратади.

Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар соҳасидаги конун ҳужжатларини замон талабларига кўра такомиллаштиришга қаратилган изчил ишларнинг мантикий давом эттирилиши, Ўзбекистон Республикасининг халқаро муносабатлардаги нуфузи ва мавқеини янада оширади.

Интеллектуал салоҳиятлар асри, ахборот технологиялари асри деб номланган XXI асрда ҳам Ўзбекистон ўзининг ижодий маҳсулотлари – фан, адабиёт ва санъат асарлари, ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, ЭҲМ дастурлари, маълумотлар базаси, селекция ютуқлари ҳамда шу каби бошқа интеллектуал мулк объектлари билан дунё бозорига дадил кириб бормоқда унда муносиб ўрин эгалламоқда.

**Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг IV бўлим 59-60-бобларида** фан, адабиёт ва санъат асарлари конун билан қўриқланиши, муаллифлик шартномалари ҳамда муаллифлар ва ихтирочиларга тўланадиган ҳақларни институционал қоидалари кўрсатилиб ўтилган. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексида 59-боб, 1033-модда интеллектуал фаолият натижаларининг муаллифлари ана шу натижаларга нисбатан шахсий номулкий ва мулкий ҳуқуқларга эга бўлишлари кўрсатилган бўлиб, шахсий номулкий ҳуқуқлар муаллифга унинг мулкий ҳуқуқларидан катъи назар тегишли бўлади ва унинг интеллектуал фаолият натижаларига бўлган мулкий ҳуқуқлари бошқа шахсга ўтган тақдирда унинг ўзида сақланиб қолади.

Муаллифлик ҳуқуқи (интеллектуал фаолият натижасининг муаллифи деб эътироф этилиш ҳуқуқи) шахсий номулкий

хукук ҳисобланади ва ижодий меҳнати билан интеллектуал фаолият натижасини яратган шахсгагина тегишли бўлади.<sup>108</sup>

Муаллиф ўз асаридан фойдаланишнинг ҳар бир тури учун ҳақ олиш ҳуқуқига эга. Агар чоп этилган асарнинг нусхалари уларни сотиш ёки мулк ҳуқуқини ўзгача тарзда бошқа шахсга ўтказиш воситасида фуқаролик муомаласига қонуний қиритилган бўлса, уларнинг бундан буёнги тарқатилишига муаллифнинг розилигисиз ва унга ҳақ тўланмаган ҳолда йўл қўйилади. Асардан даромад олиш мақсадида фойдаланилганлиги ёки ундан фойдаланиш бундай мақсадга қаратилмаганлигидан қатъи назар, асардан фойдаланилган деб ҳисобланади.<sup>109</sup>

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодексида (1062-модда) хизмат асарига бўлган муаллифлик ҳуқуқи кўрсатилган бўлиб, хизмат вазифаларини ёки хизмат топширигини бажариш тартибида яратилган асарга (хизмат асарига) бўлган муаллифнинг шахсий номулкӣ ҳуқуқлари асар муаллифида сақланиб қолиши ва хизмат асаридан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқлар, агар муаллиф билан иш берувчи ўртасидаги шартномада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, иш берувчига тегишлидир. Шунга кўра, хизмат асаридан фойдаланишнинг ҳар бир тури учун ҳақ миқдори ва уни тўлаш тартиби муаллиф билан иш берувчи ўртасидаги шартномада белгиланади.

Иш берувчи билан тузилган шартномадан қатъи назар, муаллиф асар ошқор қилинган вақтдан эътиборан ўн йил ўтганидан кейин, иш берувчининг розилиги билан эса ундан ҳам олдинроқ асардан фойдаланиш ва ҳақ олиш ҳуқуқини тўлиқ ҳажмда қўлга киритади. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, муаллифнинг хизмат асаридан топшириқ мақсади тақозо этмайдиган усулда фойдаланиш ҳуқуқи чекланмайди.

<sup>108</sup> <http://journal.bfa.uz/maqola/20191son.pdf> <http://journal.bfa.uz>

<sup>109</sup> Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси. <http://uz.denemeir.com>

Иш берувчи хизмат асаридан ҳар қандай тарзда фойдаланишда ўз номини кўрсатишга ёхуд уни кўрсатишни талаб қилишга ҳақлидир.

Шунингдек, хизмат ихтиролари, фойдали моделлари, саноат намуналари ҳам иш берувчига тегишли бўлади. Жумладан, ходим ўз хизмат мажбуриятларини ёки иш берувчидан олган аниқ топшириқни бажариш вақтида яратган ихтиро, фойдали модель, саноат намунасига (хизмат ихтиросига) патент олиш ҳуқуқи, башарти бу улар ўртасидаги шартномада назарда тутилган бўлса, иш берувчига тегишли бўлади.

Шунга кўра хизмат ихтироси, фойдали модели, саноат намунаси учун муаллифга тўланадиган мукофот пули миқдори, тўлов шarti ва тартиби у билан иш берувчи ўртасидаги келишув билан белгилаб қўйилади. Келишувга эришилмаган тақдирда қарорни суд чиқаради. Башарти муаллиф ва иш берувчининг хизмат ихтироси, фойдали модели ёки саноат намунасини яратишга қўшган ҳиссасини аниқ белгилашнинг иложи бўлмаса, иш берувчи олган ёки оладиган фойданинг ярмисига бўлган ҳуқуқ муаллифники деб эътироф этилади. Институционал ёндашувга мувофиқ муаллифлик ҳақини тўлаш тизимида давлатни алоҳида ташкилот сифатида кўриб чиқиш лозим. Давлатни институт сифатида ҳам, ташкилот сифатида ҳам тадқиқ этиш мумкин. Маълумки, муаллифлик ҳақини тўлаш тизимида янги институтлар пайдо бўлишининг ўзига хос жиҳатлари шундаки, улар ўзлари пайдо бўлишидан аввал амал қилган нормалар ва шароитларга боғлиқ ҳисобланади.

Маълумки ҳар қандай савдода шартнома муносабатлари шаклланади. Демак, интеллектуал мулк эгаси ва унинг мулкидан фойдаланувчи ўртасида шартнома муносабатлари бўлиши аниқ. Илм-фан, адабиёт ва санъат асарларини яратиш ҳамда улардан фойдаланиш билан боғлиқ иқтисодий муносабатларни тартибга солиш ва муаллифлик ҳақларини

ундириш ҳамда тўлаш яхлит бир тизим сифатида шартнома муносабатларида кўринади.

Миллий иктисодиётдаги илм-фан, адабиёт ва санъат асарларини яратиш ҳамда улардан фойдаланиш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган муносабатларда трансакция муносабатлари ва улар билан боғлиқ харажатлар турлари алоҳида таҳлил қилиниши талаб этилади. Жумладан, тарансакция муносабатлари тарансформация ва трансакция харажатларига бўлинади. Трансакция харажатларига ахборот қидириш, музокаралар олиб бориш ва шартномалар тузиш, сертификатлаш, ўлчаш, мулк ҳуқуқларини ҳимоялаш ҳамда ноқонуний хатти-ҳаракатлар киради.

Муаллифлик ҳақини тўлаш тизимида янги институционал ўзгаришларни амалга ошириш ва ўз навбатида жамоавий институтлар асосида муаллифлик ҳуқуқини ҳимоялаш ҳамда ўз вақтида самарали механизмлар орқали муаллифлик ҳақини тўлашни тартибга солишда янгича ёндашувни ишлаб чиқиш талаб этилади. Мамлакатимизда, тарихан ривожланиш босқичларида ижодий меҳнатни ҳам маънан, ҳам моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга эътибор қаратилиб келинган. Давлат ва жамият шаклланиши ҳамда тараққий этиши учун унинг ҳар бир жабҳаларида истеъдод намоёндалар етишиб чиқиши лозим. Илм-фан, адабиёт ва санъат намоёндалари ҳам шулар жумласидандир ва айнан ушбу тонфа шахслар бизнинг таълим олишимиз, маданиятли ва маърифатли бўлишимиз қолаверса, иктисодий жиҳатдан қарам бўлмаслигимиз учун номоддий манбалар яратадилар.

Илм-фан, адабиёт ва санъат асари муаллифлари – ижодий меҳнати билан асар яратган жисмоний шахслар ўз қимматли вақтини, умрини ёинки шахсий ҳаёт ва соғлиғини нимага сарфлашади? Ҳамда бу турдаги меҳнат фаолияти иктисодиётдаги бошқа фаолиятлардан нимаси билан ажралиб туради?

Муаллиф асар яратишда бор-йўғи икки манфаатдан бири ёхуд ҳар иккаласи кўзлайди:

биринчидан, умри давомида жамият аъзоларига маънавий озуқа манбаларини қолдириш, келажак авлод учун ўз номини тарих зарваракларига муҳрлаш ва лозим бўлса таъкидлаш ўринли-ки, шон-шухратга эришиш;

иккинчидан, ҳар бир касб эгаси каби ўзи яратган (ишлаб чиқарган) маҳсулоти эвазига иқтисодий эҳтиёжларини қондириш.

Бугунки кундаги бозор иқтисодиёти шароитида жамиятдаги ҳар бир шахснинг эҳтиёжлари тобора орғиб бориши табиий бўлгани каби, муаллифларнинг ҳам шахс сифатида ўз иқтисодий эҳтиёжлари қондирилиши муҳим аҳамият касб этади. Бирок, бунда муаллиф оладиган иқтисодий манфаатдан кўра, давлат ва жамият кўрадиган моддий ва номоддий манфаат бир неча маротаба кўпрокни ташкил этиши алоҳида эътибор бериладиган жиҳатлардир.

Таъкидлаш лозимки, ривожланган ёки ривожланаётган давлатларда ҳам ижодий меҳнат билан шуғулланувчи фан, адабиёт ва санъат асарлари муаллифлари ва бошқа ҳуқуқ эгалари томонидан уларга қонунан кафолатланган муаллифлик ҳақларининг тўланмаслиги масаласида ҳақли эътирозлар кузатилади. Бойси, жамиятда ижодий меҳнат (креатив индустрия) маҳсулотларига бўлган мулкий ҳуқуқларга тажовуз қилиниши, руҳсатсиз фойдаланилиши ҳар доим ҳам моддий мулк ҳуқуқи дахлсизлиги каби ёндашилмайди. Қолаверса, шу каби қонун бузилиш фактларини амалда тасдиқлаш ва исботлаш маълум бир вақт, куч ва маблағ сарфланишини такозо этади.

Муаллифлар ўзи яратган асар – маҳсулот, агарда у «бозори чаққон» бўлса барча фойдаланаётган жамият аъзолари устидан назорат ўрнатиш ёхуд муаллифлик ҳақи тўланишини талаб

килиш ва иктисодий эҳтиёжларини қондириш учун ҳақни бир жойга йиғиб боришдан иборат чора-гадбирлар – бу амалда бажаришнинг умуман имкони йўқ жараёнлардир.

Муаллифларга ҳақ тўлаш тизимини халқаро доирада шаклланиши ва ривожланиш босқичларида «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги<sup>110</sup> Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилингани алоҳида аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикасининг 16.01.2007 й. № ЎРҚ-79 «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуни қабул қилинган. Бундан ташқари, «Адабий ва бадиий асарларни химоя қилиш тўғрисида»ги халқаро Берн Конвенциясига Ўзбекистоннинг қўшилиши тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2004 йил 27 августдаги 681-II-сон Қарорига ва «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Қонунга **қўшимча ва ўзгартишлар киритиш, хусусан Конвенциянинг 18-моддасига қўшимча шартни олиб ташлаш бўйича** Ўзбекистон Республикасининг «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштирилиши муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик Палатаси томонидан биринчи ўқишда қабул қилинган.

XIV асрда яратилган нашр станокни ҳамда нашрдан чиққан китоб янги саноат тармоғини ва янги савдо секторини вужудга келтирди. Нашриёт юқори даромад келтирувчи фаолият бўлиб жуда шиддат билан ривожланди. Бу ўз навбатида янги

<sup>110</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Муаллифлик ҳақи ва бошқа ҳақ тўлаш турлари ставкаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарори 08.01.2007й. N8 <http://uz.denemetr.com>

назоратни ва иқтисодий ҳамда молиявий тартибга солишни талаб этар эди. Шу сабабли иқтисодиётда янги қонунларни қабул қилиш, яъни муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг дастлабки қоидаларига асос солинган. Шундан сўнг икки аср ўтди ва 1709 йилда Буюк Британияда дастлабки муаллифлик ҳуқуқи ва муаллифга ҳақ тўлаш бўйича қонун қабул қилинди. Бир вақтда Буюк Британия ва АҚШда «Copyright» нусха олиш бўйича ҳам қонун қабул қилинди. 1791 йилда Францияда дастлаб кўлёзма, композитор ва рассом муаллифларини ҳимоя қилиш бўйича қоидалар киритилди. Германия ва Канадада 1832 йилда адабиёт мулкани ҳимоялаш бўйича, Россияда 1828 йилда китоб нашриёти бўйича амалга оширилиб 1841 ва 1847 йилларда такомиллаштирилди. Шу ўринда алоҳида урғу бериб ўтиш лозимки, муаллифлик ҳуқуқи унинг вафотидан сўнг 25 йил сакланиши (меросхўрига) ва унга тегишли муаллифлик ҳақи тўланиши белгилаб ўтилган. Ундан сўнг эса умумжамият мулкига айлантирилади. Бу муддат 1830 йилда 35 йилга ва 1875 йилда 50 йилга узайтирилди.

Юқоридаги қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар асоси шуниси билан ажралиб турадики, бунда энг асосий қоида муаллифлик ҳуқуқини ўзлаштиришга йўл қўймаслиқдир. Муаллифлик ҳуқуқини бузишга қарши жуда қаттиқ санкциялар қўлланилган. Биринчидан, контрафакт нусхаларни ҳаммаси конфискация қилинган, иккинчидан штраф ундирилса баъзи ҳолатларда қатл эттириш ҳам юз берган, учунчидан ҳуқуқ бузувчи тўлиқ ҳолда муаллиф эгасига келтирган зарарини қоплаган. Канадада шундай қоида амалиёти мавжудки, муаллифлик ҳуқуқини бузган шахс судга тортилади. Чунки Канадада муаллифлик ҳуқуқи шахсий мулк даражасида қаралади.

Муаллифлик ҳақини тўлаш узоқ вақтлардан бери ўрганилиб келинаётган тизим бўлиб қаралса-да, бунини ҳуқуқмат даражасида

ҳал этилмаса барибир турли кўринишда муаллифлик ҳуқуқлари бузилаверади. Масалан, Россия Федерациясида дастлабки уринишлар 1970 йилларда бошланди. Собик Иттифок 1973 йилда Бутунжаҳон муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш конвенциясига (1952й) аъзо бўлиши ва муаллифлик ҳуқуқи ҳамда унга тўланиши керак бўлган ҳаққа ҳуқумат даражасида қаради. Чунки хорижда чоп этилган кўлёзма ёки ижрочилик санъати бўйича муаллифлик ҳақлари ундирилмасдан келинаётган эди.

Ўзбекистон Республикасида бу йўналишда мустақил-лигимизнинг дастлабки кунларидан эътибор қаратилиб келинмоқда. Дастлаб Ўзбекистон Республикаси муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш давлат вакиллиги (1992й). 1996 йилда агентликка ва 2011 йилда Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлигига айлантирилди. Ўзбекистон Республикаси муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш давлат агентлиги фан, адабиёт ва санъат асарлари муаллифларини ҳимоя қилиш ва муаллифлик ҳақларини ундириш ва тарқатиш фаолиятини олиб борди.

**Ўзбекистонда интеллектуал мулкнинг ривожланиши ва ҳозирги ҳолати деб номланган иккинчи боб натижалари асосида қуйидаги хулосаларга келинди:**

– 2015-2019 йилларда ихтироларга талабнома топшириш динамикаси сезиларли даражада ўзгариб жами 2808 тани ташкил этган. Биргина 2019 йилда миллий аризачилардан 374 та ариза келиб тушган бўлиб, бу кўрсаткич қабул қилинган умумий сонининг 68,9 фоизни ташкил этди. Чет эллик талабнома берувчилар 169 та талабнома топширдилар ёки уларнинг умумий сонининг 31,1 фоизни ташкил этди. Талабномаларнинг асосий қисми 90,5 фоизи 2019 йилда Патент кооперацияси тўғрисидаги шартнома (РСТ)га мувофиқ берилган. Аввалги



йилларда кузатилганидек, талабнома берувчилар томонидан патент олишда Халқаро патент классификацияси (ХПК)нинг асосан иккита бўлими бўйича кўпроқ фаоллик тенденцияси сақланиб қолди. Бу ХПКнинг «А – Инсоннинг ҳаётий эҳтиёжларини қондириш» бўлими 35,7 фоиз ва С – «Кимё ва металлургия» бўлими 22,8 фоизни ташкил этди;

– Ўзбекистоннинг тижорат ташкилотларида интеллектуал мулк объектларидан (ИМО) фойдаланишнинг роли ва аҳамиятига унинг институционал асосларига бугунги кунда старли даражада эътибор берилмаяпти. Бундан ташқари, мавжуд манбалар «номоддий объектлар», «интеллектуал мулк», «интеллектуал капитал» каби турли хил ёндашувлар ва усуллар билан тушунтиришга ҳаракат қилинмоқда. Бу иқтисодий ва институционал жиҳатдан қўшимча мураккабликни келтириб чиқаради;

– аксарият ҳолларда муаллифлар ўз асарлари фойдаланувчилар томонидан оммавий ижро этилганлигини амалда, индивидуал тарзда назорат қилишлари имконияти мавжуд эмас ва бу бир қатор қийинчиликларни келтириб чиқаради. Шу боис, миллий ва халқаро тажрибага мувофиқ муаллифларнинг мулкӣ ҳуқуқлари тегишли ташкилотлар томонидан жамоавий асосда бошқарилади.

### **III БОБ.**

## **ИННОВАЦИОН ЖАРАЁНДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК БОЗОРИНИ БОШҚАРИШНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ МЕХАНИЗМЛАРИ**

### **3.1. Инновацион фаолият жараёнида интеллектуал мулк бозорини бошқариш**

Инновацион лойиҳаларнинг таркибида интеллектуал мулк объектларидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш бугунги кунда долзарб ҳисобланади. Инновацион лойиҳаларнинг самарадорлиги – бу лойиҳа иштирокчиларининг мақсадлари ва манфаатларига мувофиқлигини акс эттирувчи категориядир. Шу муносабат билан, лойиҳанинг самарадорлигини тўлиқ баҳолаш талаб этилади, шу жумладан ҳар бир иштирокчини лойиҳада иштирок этиш самарадорлигини ҳам баҳолаш керак.

Замонавий иқтисодиётда интеллектуал мулк рақобат курали, муҳим стратегик актив ролини ўйнайди. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон иқтисодиётининг ва умуман ҳар бир корxonанинг алоҳида рақобатдошлигини таъминловчи муҳим курулдир. Сир эмаски, ҳозирда Ўзбекистон иқтисодиёти асосан хомашё экспортга асосланган. Бундай йўналишни давом эттирган ҳолда, мамлакатимиз учун иқтисодий ўсиш имконсиздир. Бундай прогнозларнинг бажарилишини олдини олиш учун Ўзбекистон иқтисодиёти ўз йўналишини тубдан ўзгартириши керак.

Ахборот жамияти мавжуд бўлган дунёда, агар мамлакат илғор бўлишни истаса, бундай вазиятга йўл кўйиб

бўлмайди. Ўзбекистон инновацияларни етарли даражада рағбатлантирмаслик ва интеллектуал ресурсларни иктисодиёт ривожига етарли даражада жалб этмаслик билан боғлиқ бир қатор муаммоларни ҳал қилиши керак. Менимча, бу муаммолар узоқ вақт давомида интеллектуал мулк давлат қўлида бўлганлиги билан изоҳланади.

Интеллектуал мулк институтининг ривожланиши ташаббускор инсон фаолиятини, мамлакат ичкарасида ва ундан ташқарида илмий-техник маълумотларнинг фаол алмашинувини ва интеллектуал мулкка хусусий мулкчиликнинг мавжудлигини англайди. Совет даврида бу омилларнинг қўпи йўқ бўлганлиги сабабли интеллектуал мулк институти нормал шакллана олмайди. Мустақил Ўзбекистонда бозор иктисодиёти шаклланмоқда, улар билан интеллектуал мулк бозори шаклланмоқда. Агар ушбу бозорни фаол ривожлантириш ва истиқболда жаҳон иктисодиёти талабларига мувофиқ амалга оширилса, унда Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини ўзгартириши ва хомашё иктисодиётига эга мамлакатдан постиндустриал иктисодиётга ўтиши мумкин. Замонавий халқаро ИМО фойдаланиш амалиётида, ИМО бизнесда тарихий ривожланган ва юқори технологияли маҳсулотларининг жаҳон бозорларида ИМнинг рақобатдош устунликларидан фойдаланишнинг турли шакллари ва воситаларига эга. Уларнинг шарофати билан дунёнинг етакчи мамлакатлари глобал юқори технологиялар бозорида етакчи мавқени эгаллаб турибди. Жумладан, АҚШ 39 фоизни, Япония 30 фоизни, Германия 16 фоизни. Тақдим этилган рақобатбардош устунликлари таснифи ҳимояланмаган инновацияларга нисбатан ИМО афзалликлари, уни тижоратлаштиришнинг асосий шакллари ва ёндашувларини ажратишга имкон беради. Ҳимояланмаган аналоглар билан таққослаганда интеллектуал фаолиятнинг ҳимояланган натижалари товарлар ва хизматларни

индивидуаллаштириш воситаларининг рақобатбардош устунликларини кўрсатади (3.1-жадвал).

3.1-жадвал


**Ҳимояланмаган интеллектуал мулкка нисбатан  
ҳимояланган инновацияларнинг (интеллектуал мулк)  
рақобатдош устунликлари**

№	ИМОнинг рақобатдош устунликлари (ҳимояланган интеллектуал фаолият натижалари) билан ҳимояланмаган интеллектуал фаолият натижаларини солиштириш	Максимал иқтисодий самандорликка эришиш йўллари ва воситалари
1.	Ҳуқуқий ҳимоя амал қиладиган мамлакатлар бозорларида муаллиф ҳуқуқи ва лицензиялар эгаларининг монопөл ҳолати	-рақобатчилар йўқлиги сабабли максимал савдо; – маҳсулот ва хизматларга монопөл юқори нархларни белгилаш; – патент ва лицензияларни сотиш имконияти ҳамда лицензиатлар фаолиятини тартибга солиш;
2.	Монополияга қарши қонунларни қўллаш билан боғлиқ бизнес чекловларидан озод қилиш	- муаллифлик ҳуқуқи эгаларининг ҳимояланган ҳуқуқларга эгалик қилиши, тасарруф этиши ва интеллектуал фаолият натижаларидан фойдаланиш бўйича мутлақ ҳуқуқлардан фойдаланиши;

3.	Кафолатланган эспертиза асосида ихтирочилик даражаси, мутлак янгилик	- ракобатбардош товарлар ва хизматларга катта талаб ва сотиш ҳажмини таъминлайдиган маҳсулот ва хизматларнинг юқори ракобатбардошлиги
4.	ИМО асосида янги тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш, шу жумладан франчайзинг (тижорат имтиёзи), лицензияланган ишлаб чиқариш кооперацияси, химояланган интеллектуал фаолият натижалари асосида кўшма корхоналар ва бошқалар	- ракобатдош корхоналарнинг кенг тармоғини яратиш, интеллектуал фаолият натижалари эгаларининг нисбатан кам харажатларда ҳамкорлик бўйича шерикларнинг молиявий ресурсларидан фойдаланиши.
5.	ИМОни НМА киритиш орқали корхоналар қийматини ошириш	- корхонани сотишда кўшимча иқтисодий самара олиш, акция ва облигациялар чиқариш, кредит олиш ва ҳ.к.
6.	Корпорацияларнинг ишбилармонлик нуфузи (гудвилл), уларнинг имиджи, компания савдо маркалари ва савдо белгилари машхурлигининг «бренд»га айланиши тез суръатлар билан ўсмоқда	- ИМОнинг капиталлашуви ва НМАлар ҳисобига компания қийматининг тез ўсиши

Инновацион фаолиятда интеллектуал мулкдан фойдаланиш жараёида содир бўлаётган ҳодиса ва натижалар турли хил маълумотлар орқали ошкор қилинади ва улар тўпланган ҳолда маълумотлар базасини ташкил этади. Буларга, бухгалтерия маълумотлари, статистик, патент, илмий тадқиқот, техник, бошқарув, маркетинг ва бошқа маълумотлар мавжуд бўлиб уларнинг ҳар бири ички ва ташқи бўлиши мумкин. Ҳар бир маълумот ўзининг қимматли манбаи билан ажралиб туради. Жумладан, статистик маълумотлар, давлат бошқарув ҳокимият органлари, иқтисодийётнинг реал сектори, илмий жамоатчилик ва ташкилот раҳбарларининг интеллектуал мулкни яратиш ва улардан фойдаланиш нуқтаи назаридан инновацион фаолиятнинг ҳолати ва ривожланиш истиқболлари тўғрисида ишончли маълумотларга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун қимматли маълумот манбаи ҳисобланади.

Тадқиқотларимиз шуни кўрсатадики, инновацион фаолиятда интеллектуал мулкдан фойдаланишда (мулк ижроси) тўланган ҳақлар (роялти, муаллифлик ҳақи, лицензия тўлови ва бошқ.) маълумотларини олиб бориш натижаси, аҳолини кўшимча даромадга, шунингдек яратувчанликка ундайди. Тадқиқотларимиз натижасида муаллифлик ҳақини тўлаш механизмининг институционал асослари схемасини ишлаб чиқдик (3.1-расм).



3.1-расм. Муаллифлик ҳақини тўлаш механизмининг институционал асослари<sup>111</sup>.

Инновация фаолиятида химояланган интеллектуал мулк ва номоддий активларни баҳолашда интеллектуал мулк объектларини ички ва ташқи ҳуқуқларидан фойдаланиш жараёнида тўланган муаллифлик ҳақлари маълумотини юритиш таклифини ишлаб чиқдик. Шу сабабли интеллектуал мулкдан фойдаланишда муаллифлик ҳақлари тўғрисидаги маълумот-

<sup>111</sup> Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида» қонуни, Ўзбекистон Республикасининг «Интеллектуал мулк агентлигини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори асосида муаллиф ишланмаси.

ни давлат статистика ҳисоботининг 88-илоvasи 1-инновация шакли (йиллик), «Инновация фаолияти тўғрисида» йиллик ҳисоботи маълумотларига 6-бўлим сифатида киритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисобладик. Натижада аҳоли умумий даромадларида мол-мулкдан олинган даромадлар таркибида интеллектуал мулкдан фоизлар ва муаллифлик ҳақи маълумотларининг тўлиқлиги, аниқлиги ва шаффофлиги таъминланиб, респондентлар сони ошган.

## VI. БЎЛИМ. ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ОБЪЕКТЛАРИНИ ИЧКИ ВА ТАШҚИ ҲУҚУҚЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ЖАРАЁНИДА ТЎЛАНГАН МУАЛЛИФЛИК ҲАҚЛАРИ

ИМ тури (ИХ,ФМ, ДТ, СН) <sup>а</sup>	Сатр коди	Химоя ҳужжатининг рақами (патент, гувоҳнома)	ИМдан фойдаланиш бошланган йил	Ички бозорда ИМ ҳуқуқларини сотиб олиш йили	Чет элга сотилган лицензия (ха, йўқ)	Муаллифлик ҳақлари
А	Б	1	2	3	4	5
Жами муаллифлик ҳақлари	601		х	х	х	
ИХ-ихтиро	602					

**Изоҳ.** 1-Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агнетлиги томонидан берилган ҳужжат рақами, 2-Номоддий актив сифатида молиявий ҳисоботда акс этирилган йил, 3-корхонанинг таъсис этилган йилдан бошлаб, 4-ха, йўқ корхонага нисбатан дефакто, 5-барча турдаги муаллифлик ҳақлари.

Мамлакатимизда интеллектуал мулк соҳасида, шу жумладан мазкур соҳада давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш бўйича ислохотлар изчил амалга оширилмоқда. Жумладан, илм-фан ва инновацияни ривожлантириш, бу соҳадаги ютуқларни



юкори кўшилган қийматли маҳсулотга айлантиришда интеллектуал мулкнинг ишончли ҳимоясини таъминлаш жуда муҳим. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 августдаги ПҚ-4796-сон қарорига мувофиқ 2020-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси статистикасини ривожлантиришнинг миллий стратегиясини амалга ошириш бўйича «ЙЎЛ ХАРИТАСИ» ишлаб чиқилган.

Ушбу тадбирлар режасини 5.16. Илм-фан ва инновациялар соҳасида статистикани такомиллаштиришни амалга ошириш механизми Илм-фан ва инновациялар соҳасидаги статистик методологияларни ишлаб чиқиш ҳамда илм-фан ва инновациялар соҳасидаги статистикани тайёрлаш жараёнлари-га Осло Йўриқномаси 2018 ва Фраскати Йўриқномаси 2015 каби халқаро тан олинган стандартларни жорий этиш<sup>112</sup> белгилаб берилган. Илм-фан ва юкори технологияли ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида нафақат оммавий илмий кашфиётларга, балки интеллектуал маҳсулотларни бошқаришнинг янги механизмини шакллантиришга ҳам устувор вазифалар кўйилди, унда иқтисодий муваффақиятли инновациялар доимо туғилиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда. Бундай механизмнинг самарали ишлаши нафақат кучли фан ва таълимни, балки бошқа институционал ўзгаришни ҳам талаб қилади. Янги интеллектуал мулк натижаси маҳсулотларга бўлган талабни аниқлаш учун технологик моделга ўтиш керак.

Корхона/ташкилотларда интеллектуал мулкдан фойдаланишнинг молиявий кўрсаткичларини таҳлил қилишда «Интеллектуал мулк объектларидан фойдаланиш» йиллик ҳисобот шакли ишлаб чиқилди. Ушбу илмий ва амалий тақлифни амалиётга жорий қилингани, ахборотлар олиш

<sup>112</sup> ПҚ-4796-сон 03.08.2020. Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида <https://lex.uz>

имкониятларини кенгайтириб, маълумотларни қайта ишлаш, жамлаш, сифатини яхшилаш ва таҳлил қилиш тизимини такомиллаштиришга ёрдам беради.

## I. БЎЛИМ. ҲИСОБОТ ЙИЛИДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ОБЪЕКТЛАРИДАН (ИМО) ФОЙДАЛАНИШ.

№	ИМ тури (ИХ, ФМ, ДТ, СН)	Ҳақоқ ҳужжатининг рақами (патент, гувоҳнома)	Инвентаризация рақами (ташқиқот буғруги асосида)	ИМОдан фойдаланиш бошланган йили	Ички бозордан ИМО эгалик ҳуқуқини қабул қилиш йили	Олий таълим соҳасида ИМО қўлдан (1-амалга оширилади, 2-ўқитишда/хизмат кўрсатишда ишлатилган)	ИМОдан қайтен ҳуқуқлар чет элга ўтказилди: 1-тўлиқ бетоналиштириш бўйича шартнома; 2-лицензия шартномаси; 3-эксपोर्ट учун тўлиқ этик-зиб бериш шартномаси
1	2	3	4	5	6	7	8

08.10.2018й. 6-мб-сон «2019 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига асосан 1-108-иловалар тасдиқланган бўлиб, унда «Интеллектуал мулк объектларидан фойдаланиш тўғрисида»ги маълумотлар тўғрисидаги ҳисобот шакли мавжуд эмас.

\*ИХ-ихтиро, ФМ-фойдали модел, ДТ-дастурий таъминот, СН-саноат намуналари

## II. БЎЛИМ. ҲИСОБОТ ЙИЛИДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ОБЪЕКТЛАРИДАН (ИМО) ФОЙДАЛАНИШНИНГ МОЛИЯВИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ (МИНГ.СЎМ)

ИМО тури	Объектларнинг бухгалтерия ҳисоби. (минг сўм)	Объектнинг ҳисобланган амартлашаси. (минг сўм)	Объектдан фойдаланишнинг иқтисодий самараси. (минг сўм)*	Объектдан фойдаланган ҳолда бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг қиммати (минг сўм)	Объектдан лицензия асосида фойдаланиш ҳуқуқини берувчи шартномалар сони. (бирлиг)
1	2	3	4	5	6

**Изоҳ.** \*Интеллектуал мулк объектдан фойдаланишдан олиннадиган иқтисодий самарани интеллектуал мулк объектдан фойдаланиш натижасида корхона томонидан олинган қўшимча ялпи фойда деб тушуниш керак.

Ушбу таклифимиз давлат статистика кўмитаси томонидан қабул қилинди ва амалиётга жорий этилди. Ҳисоботни барча ташкилий-ҳуқуқий шакллардаги бозор субъектлари томонидан таъминланади. Маълумотлар, давлат органлари, иқтисодиётнинг реал сектори, илмий ҳамжамият ва интеллектуал мулкни яратиш ҳамда улардан фойдаланиш ҳолати ва истикболлари ҳақида ишочли маълумот олиш учун қимматли ахборот манбаи ҳисобланади.

Авваламбор, Ўзбекистон иқтисодиётидаги интеллектуал мулк ҳолатининг асосий хусусиятлари ҳақида айтмоқчиман. Мамлакатимиз билимлар иқтисодиёти соҳасида иккита муҳим устунликка эга.

Биринчиси – фундаментал фан. Сўнгги йилларда рўй берган ислохотларга қарамай, Ўзбекистон МДҲ давлатлари ичида етакчи ўринни эгаллаб турибди.

Иккинчидан, бу иқтисодий ривожланишнинг таққосланадиган кўрсаткичлари билан ҳар қандай мамлакат

даражасидан юқори бўлган таълим. Муаммо шундаки, фан ва ишлаб чиқариш деярли бир-бирига боғлиқ эмас. Илмий марказлар, университетлар, илмий тадқиқот институтлари ва йирик корхоналар бир-бири билан ўзаро алоқада бўладиган тизимни яратиш керак. Масалан, ривожланган мамлакатларда деярли ҳар қандай университет янги ихтироларни ишлаб чиқиш лабораториясидир (кейинчалик улар тажриба ишлаб чиқаришга жорий этиш орқали тезда амалга оширилади), Ўзбекистонда эса ҳозирга қадар ягона ишқибозлар илмий фаолият билан шуғулланмоқдалар. Вазият аста-секин талабалар учун бериладиган грантлар тизими орқали тузатилмоқда, бу эса ёш ва истиқболли олимларни илмий фаолиятга жалб қилади. Аммо, олий ўқув юр்தларининг профессор-ўқитувчиларини ҳам ишдан бўшатиш мумкин эмас.

Мустақиллик йилларида интеллектуал мулкнинг барча қисмларини қамраб олувчи қонунлар яратилди. Интеллектуал маҳсулотлар бозорининг энг салбий хусусиятларидан бири бу қароқчиликдир. Фильм, китоб, мусикий асар ёки бирон-бир компьютер дастурини яратувчиси, муаллифлик ҳуқуқига қарамай, ўз асарининг лицензиясиз нусхаси ва ноқонуний сотилишидан деярли ҳимояланмаган. Шу сабабли, нафақат маҳсулотни яратувчилар, балки давлат ҳам зарар кўрмоқда, чунки фирибгарлик маҳсулотлар учун солиқ бюджетга тушмайди. Ушбу муаммо нафақат «қароқчилар» нинг мавжудлиги, балки жамоатчилик онгида «плагиат», «ноқонуний фойдаланиш» тушунчаларининг йўқлиги билан боғлиқ. Бу ҳолатда давлатнинг асосий вазифаси бу нафақат қароқчиликни қонун билан таъқиб қилиш, балки фуқароларга интеллектуал мулк ҳуқуқларининг ҳар қандай бузилиши, гарчи фойда учун бўлмаса ҳам, ноқонуний деган фикрни синдиришдир.

Кўпинча янги ихтирони ишлаб чиқаришга киритиш жуда узоқ вақтни олади. Бу қабул қилиниши мумкин эмас, чунки

дунё иктисодиёти тез суръатлар билан ривожланиб бормоқда, шунинг учун ишлаб чиқаришга янги маҳсулотларни ишлаб чиқаришда дарҳол эскирмаслик учун киритилиши керак. Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасида интеллектуал мулк бозорини тартибга солишнинг институционал механизмини ривожлантириш давлат томонидан узоқ вақт ва қимматбаҳо ислохотларни талаб қилади, аммо айнан мана шу ислохотлар Ўзбекистон иктисодиётининг янги даражага кўтарилишига ва ривожланган Ғарб мамлакатлари иқтисодиёти билан бир қаторда туришига олиб келади.

Замонавий дунёда янгилик ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Доимий равишда улар ғоялар пайдо бўлиши ва уларнинг қийматини ва маъносини тушуниш учун тегишли шартлар мавжуд бўлганда юзага келади.

Ҳозирги вақтда интеллектуал мулкни тижоратлаштириш билан боғлиқ қўлаб ҳал қилинмаган муаммолар мавжуд. Умумий муаммоларнинг характериға кўра, уларни беш гуруҳға бирлаштириш мумкин:

– ҳуқуқий хусусият: саноат мулки объектларидан ноқонуний фойдаланиш; контрафакт маъсулотларнинг мавжудлиги;

– ташкилотнинг табиати: хавфсизлик ҳужжатини рўйхатдан ўтказиш ва қўллаб-қувватлашнинг юқори даражаси; аризани кўриб чиқишнинг узоқ муддатлари; товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари бўйича маълумотлар базасининг етишмаслиги;

– инсон табиати: мутахассисларнинг малакаси етарли эмаслиги (патент таълими йўқлиги), маркетинг соҳасида мутахассислар етишмаслиги; олий ўқув юрларида мажбурий ўқитиш дастурлари йўқлиги; патентлар ва инновациялар бўйича корхоналарда алоҳида хизматларнинг йўқлиги;

– молиявий характердаги: инновацион ишланмаларни давлат томонидан молиялаштиришнинг етарли даражада

эмаслиги: ускуналарга юқори божлар; даромад солиғи бўйича имтиёзлар йўқлиги; кичик инновацион бизнес учун минимал талаб;

– ахборот характери: инновацион корхоналар бўйича аниқ маълумотларнинг етишмаслиги; янги ички инновацион ишланмалар ҳақида маълумот йўқлиги.

Ўзбекистонда илмий-инновацион сиёсатнинг вазифаси – интеллектуал маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни моддий ишлаб чиқаришда қўллаш ҳисобланган илмий фаолиятни самарадорлигини таъминлайдиган барқарор ўз-ўзини ривожлантириш механизмини яратишдир. Интеллектуал мулк устидан назорат этиш ўтмишимиз билан боғлиқ бўлиб қадимги қонунларга кўра, ҳамма нарса давлатга тегишли эди. Илмий-инновацион ташкилотлар бу соҳада даромад олиш масаласини кўрмаган ва тадқиқотнинг истиқболлари билан ҳар доим кизиқмас эди. Бироқ, интеллектуал фаолият натижалари хўжалик юритувчи субъектлар учун янги технологик муҳитни шакллантирди ва бозор механизмини сезиларли даражада модернизация қилишга асос бўлди.

Сўнгги йилларда интеллектуал мулк бозорини тартибга солишни институционал механизмларини ривожлантириш макроиқтисодий сиёсатга ва унга қарашли вазифаларга боғлиқ бўлиб қолмоқда. Илмий-инновацион ташкилотларда борган сари интеллектуал ресурсларнинг бутун мажмуасини бошқариш, бизнесни ривожлантиришнинг асосий омили, унинг янгилаши, янги ғояларни ишлаб чиқиш зарурати тобора кучайиб бормоқда. Таъкидлаш жонзки, бугунги кунда моддий ресурслардан фарқли равишда янги, номоддий ресурслардан самарали фойдаланиш уларни бошқариш соҳасидаги анъанавий қарашларни сезиларли даражада қайта кўриб чиқишни талаб қилади.

Интеллектуал мулкни тўғри бошқарилиши-ҳуқуқларни рўйхатга олиш, баҳолаш, ҳисобга олиш, интеллектуал маҳсулотни бозорга олиб чиқиш харажатларини камайтиришга имкон беради ва шунинг учун илмий-инновацион ташкилотнинг иқтисодий фаолиятини амалга оширишда устувор вазифа ҳисобланади.

Интеллектуал мулкни мулкий тоифага айлантирилиши, жаҳон тажрибасида саноат мулки сифатида махсус ажратилганлиги, уни муҳофаза қилиш ва муҳофаза қилиш зарурлигини тушуниш, ихтирони ва бошқа интеллектуал маҳсулотларни яратиш, ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ иқтисодий-ҳуқуқий муносабатларни қонуний тартибга солиш имконини берадиган жамиятни ривожлантиришда муҳим қадам бўлди.

Интеллектуал мулкни бошқариш тизимини ишлаб чиқиш зарурати илмий-инновацион ташкилотларнинг ташқи муҳитидаги ўзгариш суръатларининг натижасидир. Замонавий шароитда бу ўсишнинг сабаби илмий-техника тараққиётидир, асосан тез ривожланиш ва жамиятда ахборот технологияларининг тобора ортиб бораётган ролига асосланган. Натижада келажакда ташқи муҳитдаги ўзгаришларга етарли даражада жавоб беришни таъминлаш учун илмий-инновацион муассасаларда интеллектуал маҳсулотларни бошқариш тизимини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш зарурати ортади.

Шундай қилиб, вазифанинг зарурияти бир неча омилларга боғлиқ:

- биринчи навбатда, интеллектуал мулк иқтисодиётида институционал асосларни тиклаш ва ривожлантириш учун интеллектуал мулкнинг аҳамиятини белгилаш орқали интеллектуал мулк бозоридаги инқирозни бартараф этиш;

- иккинчидан, интеллектуал мулкни бошқаришдаги сезиларли ўзгаришларнинг зарурлиги, саноатдан кейинги ривожланишнинг янги тижорат турига ўтишининг аҳамияти;

• учинчидан, бозор иқтисодиётига мос келадиган интеллектуал мулкни барқарор методологик ва тартибга солувчи хусусиятини ривожлантиришнинг аҳамияти.

«Интеллектуал мулк» концепцияси узоқ йиллар олдин пайдо бўлганлиги сабабли, бу концепция ва унинг иқтисодий аҳамияти ҳақида турли нуқтаи назарлар мавжуд бўлса-да, бу борада ҳеч қандай умумий фикр йўқ. Бунга сабаб ақлий маҳсулотларни жорий этиш тартиби бир қатор муҳим товарлар ва хизматлар сотишдан фарқ қилади. Иқтисодий ва ижтимоий-психологик жиҳатдан ташқари, қатор ҳуқуқий муаммолар мавжуд. Мамлакатимизда муайян ҳуқуқий ва меъёрий асослар мавжудлигига қарамай, интеллектуал фаолият натижаларини иқтисодий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш муаммолари ҳал қилинмаган.

Самарали ҳуқуқий ҳимоя интеллектуал фаолият учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб ҳисоблансада, афсуски, савдо истикболларида мавжуд ихтирони, уларнинг хорижий патентлаштирилишини, молиявий ва бошқа ёрдамни қўллаш билан боғлиқ кўплаб муҳим масалаларни ҳал қилмайди. Бундан ташқари, миллий бозорда интеллектуал мулкнинг тизимли маълумотлар базаларининг етишмаслиги патентсиз қидирувни қийинлаштиради. Бунинг учун интеллектуал мулкдан фойдаланувчи истеъмолчиларни хабардор қилишнинг самарали тизимини яратиш керак. Бугунги дунё амалиёти шуни кўрсатадики, рақобатбардош маҳсулотга айланиш мақсадига эга юзлаб амалий тузилмалардан 5-6 таси бозорга тушади ва уларнинг ярми иқтисодий фойдаларни келтириб чиқаради. Шунинг учун биз интеллектуал фаолиятнинг потенциал равишда тижоратлаштирилган маҳсулотларини танлаш механизмига муҳтожмиз. Бунда интеллектуал мулкдан оқилона тижорат мақсадларда ишлатиш учун уларнинг қийматини баҳолашнинг мақсадлари билан боғлаш ҳам керак.



Ҳозирги кунда интеллектуал мулкни иқтисодиётда қўллаш ва бошқариш учун етарли даражада ривожланган ва илмий асосга эга модель мавжуд эмас. Бу интеллектуал мулкдан фойдаланиш самарадорлигининг ўсиш тенденцияларини белгилашда асос бўлади. Бунга эришиш учун биз куйидагиларни зарур деб ҳисоблаймиз: илмий-инновацион фаолиятда интеллектуал мулкнинг моҳиятини ва иқтисодий аҳамиятини аниқлаш; интеллектуал мулк бозорини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш учун интеграциялашган ҳаракатлар дастурини ишлаб чиқиш; интеллектуал мулкни жорий этишга тўсқинлик қилувчи асосий сабаблар ва омилларни аниқлаш; интеллектуал мулкни иқтисодий баҳолаш услубларини ва ундан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш; интеллектуал мулк соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш масалаларини ўрганиш; интеллектуал мулкни тижоратлаштириш жараёнларини бошқариш учун намуна ташкил этиш; илмий ташкилотлар ичида яратилган интеллектуал маҳсулотларни тижоратлаштириш учун алгоритм ишлаб чиқиш; илмий-инновацион ташкилотларнинг интеллектуал маҳсулотларини бошқариш тизимини ахборот ва таҳлилий қўллаб-қувватлашни ўрганишдан иборат деб ҳисоблаймиз. Шу тарзда, юқорида кўрсатилган мақсадларга эришишда, интеллектуал мулк яратувчиларини рағбатлантириш, муаллифларни инсофсиз рақобатдан ҳимоя қилиш, янги ишланмаларни кузатиш, интеллектуал фаолият натижаларини самарали баҳолаш ва уларнинг тижоратлашишида ёрдам беради деб ҳисоблаймиз.

Илмий-инновацион сиёсатни шакллантириш масалалари мамлакат раҳбариятининг диққат-эътиборига айланди. Жумладан, 2019 йил Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Интеллектуал мулк соҳасида давлат бошқарувини

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»<sup>113</sup>ги қарори бевосита янги институционал асос бўлиб ҳисобланди. Мамлакатда иқтисодиёт тармоқларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш, унинг рақобатбардошлигини таъминлаш, фаол тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантиришга қаратилган шароитларни яратиш, интеллектуал мулкнинг ишончли ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, ҳуқуқни қўллаш амалиётининг ўтказилган таҳлили шуни кўрсатадики, интеллектуал мулк соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш ва уларга барҳам бериш бўйича ишларнинг лозим даражада бажарилмаганлиги, давлат хизматлари кўрсатиш тизимининг самарасизлиги, идоралараро мустаҳкам ҳамкорликнинг мавжуд эмаслиги, интеллектуал мулк соҳасида малакали кадрларнинг етишмаслиги, шунингдек патент божлари ва тўловларининг юқори даражада эканлиги ушбу соҳани ривожлантиришга салбий таъсир этмоқда.

Интеллектуал мулк соҳасида давлат бошқарувини янада такомиллаштириш, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг интеллектуал мулкни ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва ушбу соҳадаги умум эътироф этилган халқаро нормаларни имплементация қилиш соҳасидаги фаолияти қониқарсиз деб топилгани ва Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимига ўтказилгани янги институционал тизим бўлиб ҳисобланди.

Интеллектуал мулкнинг самарали ҳимоясини таъминлаш бўйича «Йўл харитаси» ишлаб чиқилган бўлиб, унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23

<sup>113</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 февралдаги ПК-4168-сон Қарори

майдаги ПФ-5446-сонли «Бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини тубдан ошириш ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментига «хуфиёна иқтисодиёт» шаклланиши ҳолатларини аниқлаш, яширин ишлаб чиқариш, контрафакт маҳсулотларни ишлаб чиқариш фаолиятиға чек қўйиш функциялари юкланган.<sup>114</sup>

**Интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг институционал асосларини такомиллаштириш масаласида** апелляция кенгашини ташкил этиш, апелляциядарни кўриб чиқишнинг очиклиги вашаффофлигини таъминлаш, қарор қабул қилишда тор идоравий манфаатлар устуңлигининг олдини олишни назарда тутувчи Интеллектуал мулк агентлигининг Апелляция кенгаши тўғрисидаги низомнинг янгиланган лойиҳасини киритиш, Ўзбекистон Республикаси Олий суди қошида Патент судини ташкил этиш масаласини ўрганиб чиқиб, асосланган таклифларни ишлаб чиқиш, Ўзбекистон Республикасининг Товар белгилари бўйича қонунлар тўғрисидаги Сингапур шартномасиға, шунингдек мамлакатда инвестицион муҳитнинг яхшиланишиға кўмаклашувчи интеллектуал мулк соҳасидаги бошқа халқаро шартномаларға қўшилиши масаласини илғари суриш, халқаро норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, БИМТнинг техник қўлланмалари ва илмий китобларини таржима қилиш ва мослаштириш бўйича БИМТнинг техник кўмагини ошириш ҳамда жамиятда интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуққа нисбатан ҳурмат билан қараш маданиятини шакллантиришға қаратилган тарғибот чоралари ва ишларини ўтказиш чора-тадбирлари белгилаб берилган.

---

<sup>114</sup> ЎЗА – Интеллектуал мулк соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида <http://uza.uz>

### 3.2. Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулкни бошқариш соҳасида халқаро ҳамкорликнинг ўрни

Интеллектуал мулкни тижорат операцияларида халқаро институтларнинг аҳамияти кескин шаклланиб ривож олиб миллий ҳуқуқий асосларни янги тизимини вужудга келтирмоқда.

Миллий интеллектуал мулк тизимининг яратилгани ва унинг халқаро ташкилотлар билан уйғун фаолият олиб бораётгани янгиликларни амалиётга татбиқ этишга кенг шароит яратиб бермоқда. Шу билан бирга, интеллектуал мулк ҳуқуқи соҳасидаги халқаро ҳуқуқ нормаларининг миллий қонунчиликка имплементация қилиниши ҳам соҳа ривожига туртки бермоқда.

Замонавий инновацион технологиялар ва интеллектуал мулк савдоси шароитида давлатлар тегишли ҳуқуқий шарт-шароитларни яратмасдан етарли даражада жадал ривожлана олмайди. 1980 йилларнинг охирида бошланган глобаллашув ва бозорларни бирлаштириш интеллектуал соҳада ҳамкорликнинг янада самарали халқаро-ҳуқуқий механизмини шакллантириш мумкин бўлган шароитларни яради. Ҳозирги вақтда халқаро миқёсда интеллектуал мулк соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишни ривожлантириш бўйича умумий тенденциялар аниқланди:

– миллий қонунчиликда интеллектуал мулкни ҳимоя қилишни халқаро конвенциялар билан бирлаштириш ва уни мамлакат фуқароларига тақдим этишда ягона ёндашувни таъминлаш;

– барча манфаатдор жисмоний ва юридик шахслар учун дунёнинг барча мамлакатларида берилган ҳуқуқлар донрасини ва уларни ҳимоя қилиш имкониятларини тенглаштиришдан иборат.

Натижада интеллектуал мулкнинг ҳудудий ҳимояси аста-секин ўз ҳудудий хусусиятини йўқотишни бошлади ва халқаро микёсга ўтди. Ушбу ҳимоянинг ишончли даражаси илмий изланишларни, маданият, адабиётни ривожлантиришни, фан ва техника ютуқларидан амалий фойдаланишни, шунингдек, уларнинг алмашинувини рағбатлантиради.

Интеллектуал мулкни ҳимоя қилишнинг халқаро тизими ишлаб чиқилган конвенциялар ва битимлар тармоғига асосланган. Амалдаги шартномаларни халқаро эътироф этилиши ва амалий қўлланиши конвенция ҳуқуқларини белгилайди. Улар миллий ва халқаро манфаатларни ҳисобга олган ҳолда институционал муҳитнинг асосий элементларини белгилаб беради.

Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ), Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)нинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) глобал микёсда интеллектуал мулк (ИМ)ни ҳимояси билан шуғулланадиган асосий институтлардир. Интеллектуал мулк соҳасида халқаро ҳамкорлик институтларининг ўзига хос тарихи мавжуд.

Биринчи муаллифлик ҳуқуқи ва патент қонунлари Англияда қабул қилинди. 1623 йилда кирол Яков Стюарт бошқаруви остида «Монополиялар мақоми» қабул қилинган бўлиб, унда киролнинг хоҳиш-истагига боғлиқ бўлмаган ва техник янгиликларни яратган ва қўллаган ҳар бир кишига унинг афзалликлари ва устунликларини монополлаштириш ҳуқуқи 14 йилга берилган. 1710 йилда муаллифлик ҳуқуқи бўйича биринчи «Қиролича Анна мақоми» қонуни қабул қилинди.<sup>115</sup>

Қонунга кўра муаллиф томонидан тақдим этилган асарни муаллифлик ҳуқуқи нашр этилган вақтдан бошлаб 14 йил

<sup>115</sup> Судариков С.А., Грек Н.Г., Бахренькова К.А., Экономика и интеллектуальная собственность. -М.:Изд-во деюовой и учеб.лит., 2004. (512) -48с.

давомида амал қилиши, зарур бўлганда узайтирилиши мумкин эди.<sup>116</sup>

XIX асрда Европанинг аксарият мамлакатларида патент ва муаллифлик ҳуқуқига мулк сифатида, баъзан эса кўчмас мулк ёндашуви бўйича муаллифлик ҳуқуқлари берилди. Интеллектуал мулк соҳасидаги халқаро ҳамкорликнинг институционал асосларининг дастлабкиси саноат мулкни химоя қилиш бўйича Париж конвенцияси бўлиб, XIX асрнинг иккинчи яримида ташкил этилди. Бунга сабаб ихтироларни химоя қилиш тизимини яратган мамлакатлар сонининг кўпайиши натижасида саноат миқёсида саноат мулки тўғрисидаги қонунларни уйғунлаштириш зарурияти ҳамда давлатлараро технологик алмашинувининг ривожланиши ва халқаро савдонинг ўсиши асос бўлди.

Хорижий ихтироларнинг тегишли даражада химоясининг йўқлиги, айниқса, Австрия-Венгрия импераси томонидан 1873 йилда Вена шаҳрида уюштирилган халқаро ихтиролар кўргазмасида яққол кўринди. Кўплаб хорижий меҳмонлар кўргазмада ихтироларнинг ҳуқуқий химоясини етарли эмаслиги сабабли ўз ихтироларини намойиш қилишни истамадилар.

Шу билан бирга турли мамлакатларда бир вақтнинг ўзида саноат мулки ҳуқуқларни химоя қилиш жуда қийин эди. Бундан ташқари, патентга талабномалар деярли барча мамлакатларда бир вақтнинг ўзида топширилиши керак эди. Бу масалаларни ҳал қилиш пойдеворини ишлаб чиқиш учун халқаро конференцияни чақириш ва ягона патент химояси қонунини яратиш бош мақсадга айланди. Олиб борилган бир қатор музокаралардан сўнг 1883 йилда Парижда 11 та давлат (Белгия, Бразилия, Гватемала, Италия, Испания, Голландия, Португагия, Салвадор, Сербия, Франция, Швейцария) иштирокида Саноат мулкни химоя қилиш бўйича Париж

<sup>116</sup> А.А. Бовин, Л.Е.Чередникова, В.А. Якимович, Управление инновациями а организации. Учебное пособие.-М.: «Омега-Л», 2009. -83-85сс.

конвенцияси имзоланди. Конвенциянинг асл матни, саноат мулкини ҳимоя қилишни халқаро тизимини такомиллаштириш мақсадида бир неча бор қайта кўриб чиқилган. Жумладан, 1900 йилда Брюсселда, 1911 йилда Вашингтонда, 1925 йилда Гаагада, 1934 йилда Лондонда, 1958 йилда Лиссабонда ва 1967 йилда Стокголимда қайта кўриб чиқилган ва охириги 28 сентябрь 1979 йилда матнда тўлдиришлар амалга оширилди.<sup>117</sup>

Конвенция ўз ичига тўртта асосий қоидалар гуруҳини олди: 1) миллий режимга оид қоидалар: Конвенцияда иштирок этаётган ҳар бир мамлакат бошқа қатнашувчи давлатлар вакилларига ўз фуқаролари учун саноат мулки ҳимоясини қандай муҳофаза қилсалар уларга ҳам шундай қоидаларни таъминлаши керак; 2) устуворлик ҳуқуқи тўғрисидаги қоидалар: Конвенцияда қатнашаётган мамлакатлардан бирида, ариза асосида рўйхатдан ўтказилган саноат мулки ҳуқуқи бўйича берилган расмий талабнома, белгиланган муддат (6 ёки 12 ой) ичида барча иштирокчи давлатлар ўртасида ҳимоя қилинади; 3) Конвенцияда иштирок этувчи давлатлар томонидан амалга ошириладиган қонунчилик соҳасидаги умумий қоидалар (масалан, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари) қонун устуворлигида ижодкорона бошқарилиши керак; 4) Конвенцияни амалга ошириш учун бошқарув органлари ва уларнинг тузилмаси тўғрисидаги низом.

Париж конвенцияси саноат мулкини ҳимоя қилишнинг ҳар хил турларини камраб олади: ихтиро, савдо маркалари, саноат намуналари ва бошқалар. Конвенция қоидалари вақти-вақти билан кўриб чиқилади. Масалан, ривожланаётган давлатлар учун маълум афзалликларни таъминлайдиган қўшимча қоидалар жорий этилади.

Интеллектуал мулк соҳасидаги халқаро ҳамкорликнинг институционал асосларидан иккинчиси, Адабиёт ва санъат

---

<sup>117</sup> БИМТ томонидан бошқариладиган шартнома, конвенциялар гўлами. WIPO Lex.

асарларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги Берн конвенцияси бўлиб ҳисобланади. XIX аср ўрталарида халқаро миқёсда муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш бошланди. Икки томонлама шартномаларнинг тузилишига асосланиб ҳуқуқларни таъминланиши тан олинсада, улар бир хил эмас эди. Бир хилликка бўлган эҳтиёж 1886 йилда адабиёт ва санъат асарларини ҳимоя қилиш тўғрисида Берн конвенциясининг шаклланиши ва қабул қилинишига олиб келди. Бу конвенция муаллифлик ҳуқуқи соҳасидаги энг қадимий халқаро шартнома ҳисобланади. Асардан фойдаланишда рухсат бериш учун мутлақ ҳуқуқлар қўйидагича аталади (минимал ҳуқуқлар миқдори): таржимма қилиш ҳуқуқи; драматик асарни омма олдида ижро этиш ҳуқуқи; мусиқали-драматик асарлар ҳуқуқи; эфирга узатиш ҳуқуқи; асарлар асосида фильмлар яратиш ҳуқуқи. Асарлар ҳимояси қонда тарикасида муаллифнинг ҳаёт давомида ва унинг ўлиmidан кейин 50 йил давомида таъминланади. Берн конвенциясининг сўнгги қайта кўриб чиқилишида, асосий эътибор ривожланаётган давлатлар учун махсус қондалар киритиш масаласига қаратилди. Қарийб бир аср ўтиб, интеллектуал мулк соҳасидаги халқаро ҳамкорликнинг институционал асосларининг энг муҳими, Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ) ташкил этилди. БИМТ, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) нинг 16 чи ихтисослашган муассасасига 1974 йилда эришди. БИМТ конвенцияси 1967 йилда имзоланди ва 1970 йилда кучга кирди. Бирок унинг яратилишининг келиб чиқиши 1883 йилда Саноатни ҳимоя қилиш бўйича Париж конвенцияси ва 1886 йилга келиб Адабиёт ва санъат асарларини ҳимоя қилиш бўйича Берн конвенциялари бўлиб ҳисобланади. Бу иккала конвенция офиси 1893 йилда бирлаштирилди ва 1970 йилда БИМТ конвенцияси асосида Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотига ўзгартирилди.



БИМТнинг учта асосий функцияси ажратиб кўрсатилди: булар, рўйхатга олиш фаолияти; интеллектуал мулкни бошқариш соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва дастурий фаолият, яъни шартномаларнинг давлатлар томонидан кенг қабул қилинишини рағбатлантириш. БИМТ административ бошқарувида, тўртта халқаро классификация тизими мавжуд бўлиб, бу халқаро саноат мулки соҳасидаги фаолиятни тартибга солишга ёрдам берувчи классификация тизимидир. Буларга, ихтироларнинг халқаро классификацияси (Страсбург келишуви); товарлар ва хизматларнинг халқаро классификацияси (Ницц келишуви); белгиларнинг мажозий элементларининг халқаро классификацияси (Вена келишуви) ҳамда саноат намуналарининг халқаро классификацияси (Локарн келишуви) киради.

Сўнги йилларда ривожланаётган давлатлар ҳукуматлари шу қаторида Ўзбекистон томонидан ҳам саноат мулкни саноатни ривожлантиришнинг самарали воситасига айлантиришга кизиқиш ортмоқда. БИМТ саноат мулки тўғрисидаги қонунчиликни ривожлантириш бўйича маслаҳатлар беради, ривожланаётган давлатлар учун ушбу соҳада намунавий қонунларни ишлаб чиқади, технологик маълумотларга кириш учун шароит яратади, технологиянинг ҳозирги даражасини аниқлаш учун бепул патент қидирув ҳисоботларини тақдим этади ва ҳоказо.

БИМТга 196<sup>118</sup> та давлат аъзо бўлиб бу барча мамлакатларнинг 96 фоизи демақдир. Бунга МХДлари шу жумладан Ўзбекистон ва ривожланган, кўплаб ривожланаётган ҳамда ривожланмаган мамлакатлар ҳам аъзодир. БИМТ интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш билан боғлиқ тижорат низоларини ҳал қилишда халқаро арбитраж сифатида фаолият юритади. Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ)

<sup>118</sup> <https://www.wipo.int/treaties/ru/summary.jsp>

аъзолари ва БИМТ, UPOV-ўсимликларнинг янги навларини химоя қилиш халқаро ташкилоти (International Union for the Protection of New Varieties of Plants, UPOV)<sup>119</sup>, ЖСТ ва БМТ томонидан бошқариладиган шартномаларда Ўзбекистон Республикасининг интеллектуал мулк бозори жами 14 та халқаро шартнома бўйича бошқарилади.(3.2-жадвал).

3.2-жадвал

**Ўзбекистон Республикасини БИМТ аъзолари, БИМТ, UPOV, ЖСТ ва БМТ томонидан бошқариладиган шартномалардаги иштироки**<sup>120</sup>

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ	Конвенция, битим ва шартномаларни шартли белгилари							Жами: 14 та
	W	P	B	PCT	PLT	MI	M	
	+	+	+	+	+	-	-	
	MP	H	GH	N	LI	RO	O	
	+	-	-	+	-	-	+	
	IPC	PH	VC	BP	S	NOS	LT	
	+	+	-	+	-	-	+	
	WCT	WPPT	BEIJING	WAS	SG	MARRA	x	
	+	+	-	-	-	-	x	
	UN	UPOV	WTO	x	x	x	x	
	+	+	-	x	x	x	x	

БИМТ аъзолари, БИМТ, UPOV, ЖСТ ва БМТ томонидан бошқариладиган шартномаларда энг юкори ўринда Молдавия Республикаси 26та ва албатта БМТ, UPOV, ЖСТ аъзоси ҳисобланади. Кейинги ўринда Сербия давлати 25та ва БМТ, UPOV аъзоси ҳисобланади, ундан кейин Босния ва

<sup>119</sup> <http://www.UPOV.int>

<sup>120</sup> БИМТ маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

Герцегована 24та ва БМТ, UPOV аъзоси. Марказий Осиё давлатларидан Қирғизистон энг юқори 22та ва БМТ, UPOV, ЖСТ аъзоси ҳисобланади. Ундан кейин Қозоғистон 18та, БМТ, ЖСТ, Тожикистон 19та ва БМТ, ЖСТ, Туркменистон 12та ва БМТ аъзоси ҳисобланади. Юқоридаги маълумотлар таҳлилини давом эттирсак, кўришиб турибдики, бугунги кунда мамлакатимизнинг интеллектуал бозори юқори даражадаги ташкилотларнинг конвенция, битим ва келишувлар қолаверса, шартномалари асосида бошқарилиб келинмоқда<sup>121</sup>. Масалан, 1992 йил 2 мартда БМТ аъзоси ва 1991 йил 25 декабрдан бошлаб БИМТ аъзоси ҳамда 2004 йил 14 ноябрдан бошлаб UPOV аъзоси (3.3-жадвал).

### 3.3-жадвал

#### Ўзбекистон Республикасини БИМТ аъзолари, БИМТ, UPOV, ЖСТ ва БМТ томонидан бошқариладиган шартномалардаги иштирокини амал қилиш даври тўғрисида маълумот<sup>122</sup>

Шартли белги	Шартнома тури	Имзоланган ҳуқуқий ҳужжат санаси ва амал қилиш даври
W	БИМТ конвенцияси (қатнашувчиларнинг умумий сони 193та)	1991 йил 25 декабрь. 1993 йил 5 майда давомли ариза декларацияси.
P	Саноат мулкни ҳимоя қилиш бўйича Париж конвенцияси (қатнашувчиларнинг умумий сони 177та)	1991 йил 25 декабрь. 1993 йил 18 августда давомли ариза декларацияси.
B	Адабиёт ва санъат асарларини ҳимоя қилиш бўйича Берн конвенцияси (қатнашувчиларнинг умумий сони 178та)	2005 йил 19 январда имзоланди ва 2005 йил 19 апрелда амал қила бошлади.

<sup>121</sup> Рустамбеков И.Р., Мусеа С.Ф. Международное авторское и патентное права. –Т.: ТГЮУ. 2016. -187-190с. (322)

<sup>122</sup> БИМТ маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

3.3-жадвалнинг давоми

PCT	Патент бўйича ҳамкорлик шартномаси. (қатнашувчиларнинг умумий сони 153та)	1991 йил 25 декабрь. 1993 йил 18 августда давомли ариза декларацияси.
PLT	Патент ҳуқуқи шартномаси. (қатнашувчиларнинг умумий сони 42та)	2006 йил 19 апрелда имзоланди ва 2006 йил 19 июлда амал қила бошлади.
MI	Товарларнинг келиб чиқишига оид ёлгон ёки товарларнинг келиб чиқиши тўғрисида нотўғри маълумотларни бекор қилиш бўйича Мадрид битими (қатнашувчиларнинг умумий сони 36та)	-
MM	Белгиларни халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисида Мадрид битими (қатнашувчиларнинг умумий сони 55та)	-
MP	Белгиларни халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисида Мадрид битимига оид баённома (қатнашувчиларнинг умумий сони 106та)	2006 йил 27 сентябрда қўшилиш имзоланди. 2006 йил 27 декабрда амал қила бошлади.
H	Саноат намуналарини халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисида Гаага битими. (қатнашувчиларнинг умумий сони 74та)	-
GH	Саноат намуналарини халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисида Гаага битимининг Женева акти. (қатнашувчиларнинг умумий сони 64та)	-
N	Белгиларни рўйхатдан ўтказиш учун товарлар ва хизматларнинг халқаро таснифи бўйича Ницц битими. (қатнашувчиларнинг умумий сони 88та)	2001 йил 12 октябрда қўшилиш имзоланди. 2002 йил 12 январда амал қила бошлади.
LI	Товар келиб чиққан жой ноларини муҳофаза қилиш ва уларни халқаро рўйхатдан ўтказиш бўйича Лиссабон битими. (қатнашувчиларнинг умумий сони 30та)	-
RO	Ижрочиларни, фонограммалар ишлаб чиқарувчилар ва радиоэшиттириш ташкилотларини химоя қилиш тўғрисида Рим конвенцияси. (қатнашувчиларнинг умумий сони 94та)	-

3.3-жадвалнинг давоми

LO	Саноат намуналарининг халқаро таснифини яратиш бўйича Локарно битими. (қатнашувчиларнинг умумий сони 58та)	2006 йил 19 апрелда қўшилиш имзоланди. 2006 йил 19 июлда амал қила бошлади.
IPC	Халқаро патент таснифи тўғрисида Страсбург битими (қатнашувчиларнинг умумий сони 62та)	2001 йил 12 октябрда қўшилиш имзоланди. 2002 йил 12 октябрда амал қила бошлади.
PH	Фонограмма ишлаб чиқарувчиларининг манфаатларини, уларнинг фонограммаларини ноқонуний такрорлашдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенция (қатнашувчиларнинг умумий сони 80та)	2019 йил 25 январда қўшилиш имзоланди. 2019 йил 25 апрелда амал қила бошлади.
VC	Белгиларнинг тасвирий элементларининг халқаро таснифи бўйича Вена битими. (қатнашувчиларнинг умумий сони 34та)	-
BP	Патент процедураси мақсадида микроорганизмлар депонентини халқаро тан олиш тўғрисида Булапешт шартномаси. (қатнашувчиларнинг умумий сони 82та)	2001 йил 12 октябрда қўшилиш имзоланди. 2002 йил 12 январда амал қила бошлади.
S	Суний йўлдош орқали узатиладиган дастурий таъминот сигналларини тарқатиш ҳимояси бўйича Брюссель конвенцияси (қатнашувчиларнинг умумий сони 38та)	-
NOS	Олимпия рамзини ҳимоя қилиш тўғрисида Найроб шартномаси (қатнашувчиларнинг умумий сони 52та)	-
TLT	Савдо белгиси тўғрисида шартнома (қатнашувчиларнинг умумий сони 54та)	1998 йил 4 июнда қўшилиш имзоланди. 1998 йил 4 сентябрда амал қила бошлади.
WCT	БИМТга оид муаллифлик шартномаси. (қатнашувчиларнинг умумий сони 104та)	2019 йил 17 апрелда қўшилиш имзоланди. 2019 йил 17 июлда амал қила бошлади.
WPPT	БИМТнинг ижро ва фонограмма шартномаси. (қатнашувчиларнинг умумий сони 104та)	2019 йил 17 апрелда қўшилиш имзоланди. 2019 йил 17 июлда амал қила бошлади.

BEIJING	Аудиовизуал томошалар тўғрисидаги Пекин шартномаси. (катнашувчиларнинг умумий сони 31та)	-
WAS	Интеллектуал мулк бўйича интеграл схемалар ҳақида Вашингтон шартномаси. (катнашувчиларнинг умумий сони 10 та)	Шартнома ҳали кучга кирмаган
SG	Сингапур савдо белгиси тўғрисидаги шартнома (катнашувчиларнинг умумий сони 51 та)	2006 йил 28 март куни имзоланган аммо амал қилмайди.
MARRA	Кўзи ожизлар ва қуриш қобилияти чекланганларга босма маълумотлардан фойдаланиш бўйича Марроқаш шартномаси (катнашувчиларнинг умумий сони 65 та)	-
UN	Бирлашган миллатлар ташкилоти (БМТ) (катнашувчиларнинг умумий сони 196 та)	1992 йил 2 март
UPOV	Ўсимликларнинг янги навларини химоя қилишнинг халқаро ташкилоти (фр. <i>Union internationale pour la protection des obtentions végétales</i> , UPOV) (катнашувчиларнинг умумий сони 74 та)	2004 йил 14 ноябрь куни имзоланган ва амал қилади.
WTO	Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) (катнашувчиларнинг умумий сони 164 та)	-

Маълумотлар шуни кўрсатадики, бугунги кунда Ўзбекистон Республикасини интеллектуал мулк бозорини ривожлантиришда жами 178<sup>123</sup> та ҳужжат бўлиб шундан 31таси конун, 73таси қоида/йўриқнома имплементацияси, ИМ оид юридик адабиёт 2та, шартномаларни тасдиқлаш тўғрисидаги ҳужжатлар 4та, шартномада давлат иштироки бўйича 68та (шундан 14таси БИМТ томонидан бошқариладиган шартномалар, минтақавий ИМ шартномаси бўйича 8та, кўп тамонлама ИМ шартномаси 27та, икки томонлама ИМ шартномаси 18та) ва 1та<sup>124</sup> минтақавий иқтисодий интеграция шартномаси ҳисобланади.

Шу ўринда эркин савдо зонасини ташкил этиш тўғрисидаги битимни алоҳида кўриб чиқсак. Бунга сабаб

<sup>123</sup> <https://wipolex.wipo.int/ru/legislation/profile/UZ>

<sup>124</sup> <https://wipolex.wipo.int/ru/treaties/parties/423>

глобал инкирозларни (COVID-19), колаверса, истъмол бозорида талабларни ошиб боришини, энг асосийси ИМ бозорини институционал механизларини ривожантириш асос бўлиб ҳисобланади. Шартномага Озарбайжон, Арманистон, Белоруссия, Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Россия Федерацияси, Тожикистон, Ўзбекистон ва Украина давлатлари киради. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасини Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) билан ИМ ҳуқуқи бўйича таъсис шартномалари 9та<sup>125</sup> ҳужжатни ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикасини интеллектуал мулк соҳасида халқаро ҳамкорликнинг институционал механизларини шартли равишда учга бўламли:

1) шартномаларнинг биринчи умумий гуруҳи ҳар бир мамлакатда ИМни ҳимоя қилиш бўйича халқаро келишилган асосий шартномаларни белгилайди;

2) шартномаларнинг иккинчи ҳимоя тизими, гобал ҳимоя тизими деб номланади. Битта халқаро рўйхатдан ўтиш ёки ариза топшириш имзоланган давлатларнинг ҳар бирида ҳақиқий ҳисобланади. Ушбу шартномалар бўйича БИМТ кўрсатадиган хизматлар халқаро талабномаларни топшириш ёки ИМнинг муайян ҳудуди ҳимояси талаб қилинган барча мамлакатларда рўйхатдан ўтказишни соддалаштиради;

3) шартномаларнинг учунчиси – бу ихтиролар, савдо белгилари ва саноат намуналари тўғрисидаги маълумотларни бирлаштирган ва классификацияланган маълумотлар тизимини осонликча олиш бўйича шартномаларга бўлинади (3.4-жадвал).

Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар ҳамда патент соҳасидаги халқаро конвенциялар мамлакатлар ўртасидаги тенг ва адолатли муносабатлар учун асослидир.<sup>126</sup> Ўзларининг интеллектуал мулк ҳуқуқлари режимини кучайтиришда, бир

<sup>125</sup> <https://wipolex.wipo.int/tu/treaties/profile/CIS>

<sup>126</sup> Рустамбеков И.Р., Мусаев С.Ф. Международное авторское и патентное права. –Т.: ТГЮУ, 2016. -144с.

томондан ёки ТРИПСга роя қилган ҳолда, ривожланаётган мамлакатлар технологияларнинг кўпроқ оқимларини жалб қилишга умид қилмоқдалар.

3.4-жадвал

**Интеллектуал мулк соҳасида халқаро ҳамкорликнинг институционал механизмларини таснифловчи шартномалар тизими<sup>127</sup>**

<b>ИМ ҳимояси</b>	<b>ИМ глобал ҳимоя тизими</b>	<b>ИМ классификацияси бўйича</b>
Пекин шартномаси.	Будапешт шартномаси	Локарн келишуви
Берн конвенцияси	Гаага битими	Ниш келишуви
Брюссел конвенцияси	Лиссабон битими	Страсбург келишуви
Мадрид битими.	Белгиларни халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисида Мадрид битими	Вена келишуви
Марракеш шартномаси	Мадрид баённомаси	x
Найроб шартномаси	Патент бўйича коперация шартномаси	x
Париж конвенцияси	x	x
Патент ҳуқуқи бўйича шартнома	x	x
Фонограмма бўйича конвенция	x	x
Рим конвенцияси	x	x
Сингапур шаромаси	x	x
Савдо белгиси тўғрисида шартнома товар	x	x
Вашингтон шартномаси	x	x
БИМТга оид муаллифлик ҳуқуқи	x	x
БИМТнинг ижро ва фонограмма шартномаси	x	x

<sup>127</sup> БИМТ маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси



Технологияларни чегаралар орқали узатиладиган учта ўзаро боғлиқ канали мавжуд. Ушбу каналлар халқаро товарлар савдоси кўринишида, трансмиллий корпорациялар ичидаги тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ва технология ҳамда савдо белгилари бирлаштирилган фирмалар, филиаллар ва кўшма корхоналар<sup>128</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Бутунжаҳон Савдо Ташкилоти (БСТ)га аъзо бўлиб кириш учун ТРИПС Битимини имзолаш арафасида бўлиб Республикамиз қонунлари ушбу Битим билан уйғунлашуви давр талабига айланиб бормоқда. Шу муносабат билан тадқиқотимизда ТРИПС Битими мазмуни таҳлил этилиб, амалдаги қонунчилик билан таққосланади. ТРИПС Битими «маданий қароқчилик» учун жиноят-ҳуқуқий санкциялар БСТга аъзо давлатлар қонунларида мавжуд бўлишини шарт қилиб қўйган.

Бугун Ўзбекистонда БСТга аъзо бўлиб кириш учун зарур тайёргарликлар жадал олиб борилмоқда, БСТга аъзо бўлиб кириш мураккаб жараён бўлиб, мамлакатда амал қилинаётган қонунларни БСТ бўйича битимларга уйғунлаштириш талаб этилади. БСТнинг таъсис ҳужжатларига қилинган илова интеллектуал мулк ҳуқуқининг савдо соҳалари бўйича Битим ТРИПС битими деб аталиб, у 7 қисм, 73 моддадан иборат. Ушбу битимда асосий қоидалар ва принциплар, интеллектуал мулк ҳуқуқини мавжудлиги, ҳажми ва фойдаланишга нисбатан стандартлар, интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишни таъминлаш, интеллектуал мулк ҳуқуқини вужудга келиши ва амал қилиши билан боғлиқ процедураси, низоларни олдини олиш ва ҳал қилиш, ўтказма келишувлар, институционал тадбирлар, яқуний қоидалар ўз ифодасини топган.

---

<sup>128</sup> Keith E. Maskus, *Intellectual Property Rights and Economic Development*, 32 Case W. Res. J. Int'l L. 471.(2000), Available at: <https://scholarlycommons.law.case.edu/jil/vol32/iss3/4>. 506. -481.

Ушбу битим асосида Париж конвенцияси (1967 йил), Берн конвенцияси (1971 йил), Рим конвенцияси (1961 йил), Вашингтон шартномаси (1989 йил) гоёлари ётади. ТРИПС битими интеллектуал мулк объектлари билан боғлиқ барча масалаларни тартибга солмайди, балки интеллектуал мулк ҳуқуқи объектларини савдо-тижорат муомаласи товар сифатида ҳаракатда бўлиши билан боғлиқ муносабатларнигина тартибга солади. Шу сабабли интеллектуал мулк объектларига нисбатан шахсий ҳуқуқларни муҳофаза қилиш масалалари битимда деярли ўз ифодасини топмаган.

Битимда асосий эътибор объектларга нисбатан мулк ҳуқуқларни амал қилиш, хусусан бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга экспорт-импорт қилишда бу ҳуқуқларга риоя қилинишини таъминлашга қаратилган. Маълумки, интеллектуал мулк объектлари гоёвий (идеал) негизга эга. Бинобарин, бир вақтнинг ўзи бир объектдан дунёнинг жойларида чексиз, номуайян доирадаги субъектлар фойдаланиши мумкин. Бундай фойдаланиш, афсуски кўп ҳолларда қонуний асосга эга бўлмайди, яъни объектга нисбатан мулк ҳуқуқ соҳибидан рухсат олмасдан, ҳақ тўламасдан амалга оширилади.

ТРИПС битимида ҳудди шундай ҳолатларга барҳам бериш, бундай ҳуқуқбузарликларга қарши процессуал ва моддий ҳуқуқий меъёрларни қўллаш орқали фуқаролик-ҳуқуқий ва жиноий-ҳуқуқий жавобгарликка тортиш масалаларига алоҳида муҳим аҳамият берилади. Илмий-техникавий ахборотларни тарқатиш ва олиш, интеллектуал мулк объектларини тайёрлаш, кўпайтириш ва муомалага киритишнинг янгидан-янги усуллари вужудга келаётган ва такомиллашиб бораётган ҳозирги шароитларда маданий қароқчилик-интеллектуал мулк объектларини ғайриқонуний тайёрлаш ва фуқаролик муомаласига киритиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларга қарши кураш олиб боришни ҳуқуқий асосларини яратиш

муҳим аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Бу ТРИПС битимини асосий шарти бўлиб, бусиз БСТга аъзо бўлиш мумкин эмас.

Интеллектуал мулк ташқи савдоси ҳажми 2018 йилда 2016-2018 йилдаги ўсиш суратларидан юқори бўлган ва унда асосан ривожланган мамлакатларнинг улуши юқорилигича қолмоқда. Интеллектуал мулк экспортининг қарийб ҳажми 92,1 фоизи тўртлик давлатлар ҳисобланган АҚШ, Европа Иттифоқи, Япония ва Швейцария орқали амалга оширилади. Жаҳоннинг етакчи мамлакатларида 2016-2018 йилларда роялтилар экспорти-импорти кўрсаткичлари илмий изланишлар доирасида таҳлил этилган. Масалан, АҚШ 2016 йилда 122226 млн.АҚШ долларларида экспорт қилган бўлса, 2018 йилда 130452 млн.АҚШ долларини ташкил этган, шунингдек, 2016 йилда 42743 млн.АҚШ долларга импорт қилган бўлса, бу кўрсаткич 2018 йилда 53752 млн.АҚШ долларга тенг бўлган (3.5-жадвал). Ушбу рақамларни бошқа етакчи мамлакатлар савдосида ҳам кўришимиз мумкин. Бироқ жаҳон интеллектуал мулк бозорида эса Ўзбекистон иштироки ҳалигача, кузатилмаган.

3.5-жадвал

**Жаҳон интеллектуал мулк бозорида 2014-2018 йилларда роялтилар экспорти ва импорти. ( млн. АҚШ доллари)<sup>129</sup>**

Мамлакатлар экспорти	2016	2017	2018
АҚШ	122226	128364	130452
Европа Иттифоқи	108120	151958	162506
Япония	39013	41761	45560
Швейцария	17539	22591	23888
Хитой	1235	4762	5562

<sup>129</sup> WTO World Trade Statistical Review 2014-2019 [ips://www/wto.org/](https://www.wto.org/)

Мамлакатлар импорти	2016	2017	2018
Европа Иттифоқи	177849	206012	223894
АҚШ	42743	51284	53752
Хитой	23977	28575	35591
Япония	19672	21340	21442
Швецария	12075	12240	12409

АҚШ интеллектуал мулк ҳуқуқлари бўйича халқаро савдодан тушган даромад бўйича етакчи ҳисобланади. Лицензияланган савдо ва роялтидан тушган тушумнинг ярми (43%) мамлакат ҳиссасига тўғри келади. Бу интеллектуал мулк улуши юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган Америка компанияларининг ривожланиши ва фаолияти билан боғлиқ. Шунингдек, АҚШнинг устунлиги кўп жиҳатдан интеллектуал мулк ҳуқуқлари тўғрисидаги мавжуд қонунларнинг барқарорлиги ва самарадорлиги билан боғлиқдир.

Интеллектуал мулк соҳасида қонунларни ривожлантиришда бу борадаги халқаро конвенциялар ва шартномалар ғоят муҳим манба бўлиши лозим. Баъзи бир Конвенцияларга қўшилиш масаласи келгусида ҳал этилиши лозим бўлади. Бугунги кунда Ўзбекистон ТРИПС Битимига тезроқ қўшилиши лозим. Халқаро Конвенцияларни мамлакатимизда интеллектуал мулк билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи манба сифатида аҳамиятига келганда шуни таъкидлаш лозимки, бу масалада биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддима қисмида Ўзбекистон халқи халқаро ҳуқуқнинг ҳамма эътироф этган меъёрларини устуворлигини тан олади деб белгиланган. Бироқ Ўзбекистон суверен давлат бинобарин, унинг ҳудудида ўз юрисдикцияси амал қилади. Бошқача айтганда, барча халқаро конвенциялар ва шартномалар мамлакатимизда ўз-ўзича автоматик равишда

эмас, балки давлатимиз томонидан қўшилиш ёхуд тасдиқлаш орқали, шунда ҳам қўпгина ўз конунларимиз, меъёрий хужжатларимизда мужассамлаштириш орқали қўлланади. Бугунги кунда мамлакатимизни жаҳон миқёсида фан, адабиёт ва санъат асарларини яратиш ҳамда улардан фойдаланиш билан боғлиқ иқтисодий муносабатларни тартибга солишда жумладан, интеллектуал мулк натижаларини рағбатлантириш билан боғлиқ халқаро шартномалар (Туркия ҳукумати 13.04.1998й., Россия Федерацияси 27.07.1995й., Қирғизистон Республикаси 25.12.1996й., Грузия ҳукумати 28.05.1996й., Хитой Халқ Республикаси 08.11.1999й., Озарбайжон Республикаси 11.07.1997й., Украина ҳукумати 19.02.1998й.) имзоланган.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор вазифаларни тўртинчиси ижтимоий соҳани ривожлантиришга қаратилган бўлиб унда таълим ва фан соҳасини ривожлантиришда интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни (муаллифлик ҳуқуқи, турдош ҳуқуқлар, ихтироларга бўлган ҳуқуқлар ва бошқалар) бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш, шунингдек бу соҳадаги давлат назоратини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилиб, илм-фан соҳасини янада ривожлантиришнинг комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш зарурияти таъкиллаб ўтилди<sup>130</sup>.

Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишларида интеллектуал мулкни ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни янада ривожлантириш, шу жумладан:

<sup>130</sup> 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид давлат дастури <http://andijan.uz>

– товар белгилари, саноат намуналарига бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиш ва патентларни бериш тартиботларининг шаффофлигини ошириш;

– Ўзбекистонда рўйхатдан ўтган интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг халқаро тан олинишини таъминлаш;

– контрафакт маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳолатларига қарши ҳаракат дастурларини тасдиқлаш;

– товарларнинг сифати ва ингредентлар таркибини уларнинг номланиши ва маркаларига мувофиқлиги бўйича стандартлар (OzDStлар)ни қайта кўриб чиқиш тадбирлари белгилаб қўйилган.

Мамлакатда интеллектуал мулк бозорини тартибга солишда институционал механизмларни ривожлантиришдан кутилаётган натижа – Интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқларни, жумладан, ташқи бозорларда ҳимоя қилишни кучайтириш, инсофсиз рақобатни бартараф этиш, ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Интеллектуал мулкни ҳимоя қилишда халқаро ҳуқуқ шартномалари учта гурпуага бўлинади:

– интеллектуал мулк объектларини ҳимоя қилиш шартномалари;

– интеллектуал мулк объектларини рўйхатга олиш шартномалари;

– интеллектуал мулк объектларини классификацияси бўйича шартномалар.

Интеллектуал мулк объектларини ҳимоя қилиш шартномалари:

– Париж конвенцияси (1883й);

– Берн конвенцияси (1886й);

– Мадрид келишуви (1891й);

– Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш Бутунжаҳон конвенцияси (1952й);

- Рим конвенцияси (1961й);
- Женева конвенцияси (1971й);
- Брюссел конвенцияси (1974й);
- Найробия шартномаси (1981й);
- Патент ҳуқуқи шартномаси (2000й);
- Сингапур шартномаси (2006й) ва бошқа халқаро келишувлар.

Интеллектуал мулк объектларини рўйхатга олиш шартномалари:

- Гаага келишуви (1925й);
- Лиссабон келишуви (1958й);
- Мадрид келишувидаги Мадрид Протоколи (1989й);
- Будапешт шартномаси (1977й) ва бошқа халқаро келишувлар.

Интеллектуал мулк объектларини классификацияси бўйича шартномалари:

- Ницц келишуви (1957й);
- Локарн келишуви (1968й);
- Страсбург келишуви (1971й);
- Вена келишуви (1973й) ва бошқа халқаро келишувлар.

Юқоридаги барча келишувларни администратори Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти ҳисобланади. Шунингдек, Халқаро савдо ташкилоти ТРИПС (Тарговийим Аспектларини Интеллектуал Собегаданинг (1994й)) Trade-Related Intellectual Property Rights Agreements (TRIPS) битими асосида иш олиб боради.

### **3.3. Интеллектуал мулк бозори институционал бошқарувини такомиллаштириш**

Тадқиқотлар кўрсатадики ҳеч қандай давлат йўқки, амалиётда интеллектуал мулкни ягона бир давлат органи асосида тартибга солса ёки бошқарса. Амалиётда 6,8 фоиз

давлат аниқ бир вазирлик ёки ташкилот орқали ушбу масалани ҳал қилади.


Масалан, Арменияда иқтисодиёт вазирлиги, Греция ва Черногорияда Патент идораси. Қолган 93,2 фоиз давлат бу масалани кўп томонлама давлат органлари орқали бошқаради ва тартибга солади. Руминияда Патент идораси, Иқтисодиёт вазирлиги ва Савдо вазирлиги, Қозоғистонда Адлия вазирлиги ва Янги технологиялар вазирлиги, Литва ва Латвияда Фанлар академияси ва Инвестиция ва ривожланиш агентлиги, Молдавияда Фанлар академияси ва Инновациялар ва технологиялар агентлиги, Туркияда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ташкилоти ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Россияда иқтисодий ривожлантириш вазирлиги, Муаллифлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамоа ташкилоти, Патент идораси ҳамда Фан ва таълим вазирлиги, Ўзбекистонда Интеллектуал мулк агентлиги, Савдо-саноат палатаси, вазирлик ва идоралар.

Иқтисодиётда интеллектуал мулк бозорини бошқаришнинг институционал механизмини такомиллатириш аввало давлат сиёсати бўлиб, бугунги кунда давлат томонидан интеллектуал мулкни бошқариш механизмлари қуйидагиларга асосланиши керак (3.2-расм). Инновацион иқтисодиётга новаторлик фаолияти, интеллектуал мулк объектларининг яратилиши ва муҳофазаси каби омиллар куч беради. Халқаро тажрибада бу жараён интеллектуал мулк стратегияси асосида шакллантирилади.

Интеллектуал мулк стратегияси, аниқ бир давлат доирасида унга мослаштирилган ва мавжуд шароитдан келиб чиққан ҳолда, маълум муддат учун ишлаб чиқилади, Шу ўринда интеллектуал мулк стратегияси нима учун керак, деган савол туғилиши мумкин. Халқаро тажриба шунни кўрсатмоқдаки, интеллектуал мулк стратегияси мамлакатларнинг инновацион



ривожланишига, ишлаб чиқариш корхоналарининг рақобатбардошлигини оширишга, бозор иктисодиёти тизимларини такомиллаштиришга хизмат қилмоқда.



3.2-расм. Интеллектуал мулк бозори институционал бошқарувини такомиллаштириш йўналишлари.<sup>131</sup>

Маълумки, маҳсулот қадоғидан ўрин эгаллаган биргина товар белгиси йирик компания, ҳатто давлатнинг қиёфасини гавдалантириши мумкин. «Adidas», «Apple», «Mercedes Benz», «Nike», «Rolex», «Toyota» каби брендлар бунга мисолдир. Аҳамиятлиси, ривожланган давлатларда интеллектуал мулк кишлоқ хўжалигини сиқиб чиқариб, янги даврни бошлаб бермоқда. «Ақлли машина», «ақлли уй», «хавфсиз шаҳар»

<sup>131</sup> Муаллиф томонидан тузилди.

каби атамалар ҳаётимизга кириб келаётир. Турли ихтиро ва ишланмалар инсонлар ҳаётига қулайлик олиб кирмоқда.

Интеллектуал мулк соҳасида стратегия ишлаб чиқишда умумий мақсаднинг ўз етарли эмас, балки у, аввало, нима ва ким учун ишлаб чиқиляётгани белгилаб олиниши зарур. Бунда фақат масъул идора эмас, балки бошқа манфаатдор томонлар ҳам иштирок этиши керак бўлади.

Бугун Ўзбекистон томонидан Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиб кириш жараёнида ушбу вазифалар аҳамияти ортиши табиийдир.

Шуни алоҳида эътиборга олиш лозимки, интеллектуал мулк миллий стратегиясини яратишда соҳага доир бошқа турли вазирлик ва идораларнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Юқоридагиларга мувофиқ, бугунги кунда мамлакатимизда интеллектуал мулк миллий стратегиясини яратиш ва бу орқали Ўзбекистонда интеллектуал мулк муҳофазаси ва ҳимояси бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Таъкидлаш жоиз, интеллектуал мулк соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 февралдаги «Интеллектуал мулк соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан Интеллектуал мулк агентлиги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимига ўтказилди.<sup>132</sup> Мазкур ўтказилган ислохотлардан кўзланган мақсадлар қаторида интеллектуал мулк соҳасида ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш мақсадида идоралараро мустаҳкам ҳамкорликни кучайтириш ҳамда соҳада давлат хизматлари кўрсатиш тизимини самарадорлигини оширишни ҳам санаб ўтиш лозим.

---

<sup>132</sup> ЎЗА – Интеллектуал мулк соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида <http://uza.uz>

Интеллектуал мулкка ҳурмат руҳини шакллантириш, интеллектуал мулк ҳимояси механизмларини ривожлантириш, соҳа ютуқларини амалиётга татбиқ этиш бўйича тажриба алмашиш ҳамда интеллектуал мулк миллий стратегиясини ҳамкорликда ишлаб чиқиш режаларини халқаро нормалар асосида келишиб олинса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Миллий ва халқаро тажрибадан маълумки, иктисодиёт ва жамиятнинг тараққиёт даражаси кўп жиҳатдан интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш бўйича яхши ривожланган ва изчил йўлга қўйилган тизимга боғлиқ. Зеро, иктисодиётдаги самарадорлик ишлаб чиқаришга инновацион технологиялар ва ихтироларнинг жорий этилиши эвазига ошади. Шу боис, бугунги кунда интеллектуал мулк ҳар бир мамлакат иктисодиётининг муҳим қисмига айланган. Интеллектуал мулкнинг тараққий этиши ўз навбатида, иктисодиётга сармоялар киритилишига, инновацион технологияларнинг жорий этилиши эса халқ ҳўжалигининг модернизациялашувига ҳисса қўшади.

Шу боисдан мамлакатимиз Президенти томонидан Олий Мажлис палаталари кўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»<sup>133</sup> номли маърузасида кўпгина масалалар қаторида муаллифлик ҳуқуқлари ва интеллектуал мулкни ишончли ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатлари ва механизмларини кучайтириш зарурлигига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди.

Юқоридагиларни эътиборга олиб қуйидаги таклиф ва тавсиялар тегишли идораларга киритилди ва иктисодиётни турли соҳаларида фойдаланиш орқали тегишли ижобий ҳулосалар олинди. Жумладан, интеллектуал мулкдан фойдаланувчиларни уларни яратувчиларига рағбатлантириш механизмини қўлланганлиги. Иккинчидан, интеллектуал мулк

<sup>133</sup> Lex.UZ: Кутубхона: Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси <https://lex.uz>

соҳасида мутахассисларни тайёрлаш бўйича ўқув режалар ва дастурларни, ўқув-услубий материал ва қўлланмаларни ишлаб чиқишда «Институционал иқтисодиёт» фанидан амалий машғулотлар ўтиш бўйича ўқув қўлланма тайёрланди. Учунчидан, Муаллифлик ҳақини ундириш ва тақсимлашда жамоавий ташкилотларнинг ўрнини асослаб лойиҳа ишлаб чиқилди ва тегишли идораларга тавсия сифатида киритилди.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, интеллектуал мулкка бўлган кизиқиш ва уларни бошқариш мамлакатимизда нафақат давом этмоқда, балки янги, замонавий технологик баъзанинг жадал суръатда яратилиши, интеллектуал маҳсулотларнинг ракобатдош турларини ривожлантириш ва ундан фойдаланувчи корхоналарни барқарор иқтисодий босқичга айлантиришга ёрдам беради. Мамлакатда доимо кўплаб янгиликлар ишлаб чиқилади, аммо уларнинг тижоратлашуви учун институционал технология йўқ деб баҳолаймиз. Бунга сабаб интеллектуал мулкнинг иқтисодий бошқариш тизимининг ривожланмаганлиги туфайли истеъмолчиларни топа олмаётганлигидир.

Илм-фан ва юқори технологияли ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида нафақат оммавий илмий кашфиётларга, балки интеллектуал маҳсулотларни бошқаришнинг янги механизмини шакллантиришга ҳам устувор вазифалар қўйилди, унда иқтисодий муваффақиятли инновациялар доимо туғилиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда. Бундай механизмнинг самарали ишлаши нафақат кучли фан ва таълимни, балки бошқа институционал ўзгаришни ҳам талаб қилади. Янги интеллектуал мулк натижаси бўлган маҳсулотларга бўлган талабни аниқлаш учун технологик моделга ўтиш керак.

Президентнинг 2018 йил 14 ноябрдаги қарори билан Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иштирокчи-давлатларининг интеллектуал мулк бозорини шакллантириш

ва ривожлантириш тўғрисидаги битим (2018 йил 1 июнь, Душанбе) тасдиқланди. Интеллектуал мулк агентлиги битим доирасида Ўзбекистоннинг марказий ваколатли органи этиб белгиланди. Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Адлия вазирлиги ҳам халқаро шартномани амалга ошириш юзасидан ўзларига тааллуқли қисми бўйича масъул ҳисобланадилар.

Иштирокчилар ҳамкорликни ривожлантиришга аҳдлашиб олган асосий йўналишлар куйидагилардир: соҳага оид конун ҳужжатларини такомиллаштириш, интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқлар қийматини баҳолаш тизимларини ривожлантириш ва уларни бошқариш, шунингдек ҳуқуқларни тижоратлаштириш давлатлараро механизмларини ишга солиш. Битим тарафларининг биргаликдаги сазъ-харакатларини мувофиқлаштириш мақсадида Интеллектуал мулкни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш масалалари бўйича давлатлараро кенгаш ташкил этилди.

Бугунги кунда миллий қонунчилигимизда интеллектуал мулк объектларини ҳимоя қилиш ва тижоратлаштиришдаги институционал асослар такомиллаштирилмоқда. Жумладан, куйидаги йўналишларни назарда тутати:

– кундалик турмушда интернет аҳамияти тобора ошиб бораётганлигини инобатга олган ҳолда товар белгилари «машҳурлиги»нинг аниқ мезонлари;

– интеллектуал мулк объектлари (товар белгиси, саноат намунаси ва бошқалар) инсофсиз равишда рўйхатдан ўтказилиши тушунчаларининг мустаҳкамланиши;

– товар белгисидан мақсадли фойдаланишни назарда тутган ҳолда у қўлланадиган аниқ ҳолатларнинг белгиланиши.

Интеллектуал мулк объектларидан ноконуний фойдаланганлик учун маъмурий жавобгарликни кучайтириш ва жиноий жавобгарликни жорий этиш имконияти кенгайтирилмоқда. 2019 йил 1 январдан патент божлари ва

тўловларининг амалдаги ставкалари, шунингдек товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси, товарлар келиб чиққан жойлар номи ва саноат намунасини ҳуқуқий муҳофаза қилганлик учун норезидентлардан ундириладиган индивидуал божлар камида икки барабар пасайтирилиши режалаштирилмоқда.<sup>134</sup>

Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгиси, товар келиб чиққан жой номи ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш учун буюртманомаларни фақат Давлат хизматлари марказлари ёки ЯИДХП орқали электрон тарзда тақдим этиш тартиби жорий этилиши назарда тутилган. Шунингдек, интеллектуал мулк бозорини тартибга солишдаги институционал асосларнинг такомиллаштирилишида қуйидагилар кўзда тутилган:

- интеллектуал мулк агентлиги фаолиятини такомиллаштириш режалаштирилган;

- интеллектуал мулк соҳасида фаолият кўрсатадиган мутахассисларни тайёрлаш бўйича кафедраларни очиш режалаштирилмоқда;

- олий суд ҳузурида патент суди фаолиятини ташкил этиш масаласи ўрганиб чиқилади;

- туманлар (шаҳарлар) давлат хизматлари марказлари орқали «ягона дарча» принципи бўйича интеллектуал мулк соҳасида давлат хизматлари кўрсатиш тартиби босқичма-босқич жорий этилиши кўзланган;

- халқаро нормаларни миллий қонунчиликка янада имплементация қилиш.

«Йўл харитаси» лойиҳасида республикамизнинг қуйидагиларга аъзо бўлишини ишлаб чиқиш назарда тутилган:

- Фонограммалар ишлаб чиқарувчиларининг манфаатларини уларнинг фонограммаларини ноқонуний қайта ёзишдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги Женсва конвенцияси;

---

<sup>134</sup> 2019 йил 1 январдан патент божлари ва тўловларини пасайтириш режалаштирилмоқда NORMA.UZ <https://norma.uz>

– Фонограммалар ижрочилари, ишлаб чиқарувчилари ва эшиттириш ташкилотларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Рим конвенцияси;

– Фонограммалар ишлаб чиқарувчиларининг манфаатларини уларнинг фонограммаларини ноқонуний қайта ёзишдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенция;

– Муаллифлик ҳуқуқи бўйича шартнома;

– Ижролар ва фонограммалар бўйича шартнома;

– Товар белгилари бўйича қонунлар тўғрисидаги Сингапур шартномаси.

Мулк ҳуқуқлари ҳимояланиши халқаро индекси мезонларини ҳам ҳисобга олган ҳолда интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг ишончли ҳимояси таъминланганлигини баҳолаш ва таҳлил қилиш замонавий тизимини жорий этиш бўйича «Йўл харитаси» лойиҳасини ишлаб чиқиш таклиф қилинмоқда.

Куйидагиларни таъминловчи интеллектуал мулк объектларининг ягона мунтазам янгиланадиган интеграцияланган маълумотлар базасини ишлаб чиқиш ва жорий этиш режалаштирилмоқда:

– ҳуқуқий муҳофаза қилинадиган ва ундан маҳрум қилинган интеллектуал мулк объектларини реал вақт режимида кузатиш;

– интеллектуал мулк объектлари ҳуқуқий муҳофазасини олганда ва уни бой берганда тегишинча Интеллектуал мулк объектлари божхона реестрига автоматик равишда киритиш ва ундан чиқариб ташлаш;

– интеллектуал мулк ҳуқуқлари бузилиши ҳолатларини аниқлаш ва олдини олишда манфаатдор давлат органларининг ўзаро ҳамкорлиги.

Ушбу соҳадаги қонунчиликни такомиллаштиришга доир асосли таклифларни ишлаб чиққан ҳолда интеллектуал мулк объектларини тижоратлаштиришнинг жорий ҳолатини

танкидий тахлил қилиш, шу жумладан патент эгалари билан лицензия шартномаларини тузишга тўсқинлик қилувчи сабаблар ва шароитларни аниқлаш лозим.

Дунёнинг кўплаб давлатларида интеллектуал мулк соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи ягона давлат органи фаолият юритади. Хусусан, Швейцарияда – Швейцария федерал интеллектуал мулк институти, Буюк Британияда – Интеллектуал мулк офиси мавжуд. Ушбу ташкилотлар интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш бўйича ягона давлат органи сифатида муаллифлар, ноширлар ҳамда ижрочиларнинг мулк ҳуқуқларини биргаликда бошқаришга қаратилган инфратузилмани ўз ичига олади. Қонун лойиҳасини тайёрлашда бу борадаги жаҳон амалиёти ҳам ўрганилди ҳамда амалдаги хорижий қонунчилик нормаларидан фойдаланилди.

Президентимизнинг 2018 йил 7 майдаги «Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича кўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги қароридан<sup>135</sup> бу борадаги мавжуд муаммолар, жумладан олий таълим муассасалари илмий ишлари ва илмий тадқиқот ташкилотлари тадқиқотларининг натижаларини тижоратлаштириш кўрсаткичларининг пастлиги ҳамда қоникарсизлиги алоҳида кўрсатиб ўтилди.

Хужжатда белгиланган вазифаларнинг бири ҳам шу масаланинг ечимига, яъни бозорни тизимли равишда тахлил қилиш ва инновацион маҳсулот (иш, хизмат)ларга бўлган талабни ўрганиш, ўзини қоплаш муддатини, рентабеллик ва инновацион маҳсулотларни тижоратлаштириш билан боғлиқ хатарларни баҳолашнинг муҳимлигига қаратилди.

Номоддий активларни баҳолаш ҳамда интеллектуал мулкни тадқиқот натижаларини бошқариш воситаси сифатида баҳолаш, шунингдек номоддий активларни сифат жиҳатидан

---

<sup>135</sup> <http://uza.uz>



баҳолашга қаратилган турли ёндашувлардан фойдаланиб даражаларга ажратиш, баҳолаш моделлари бўйича БИМТнинг интеллектуал мулкни баҳолаш бўйича WIPO IP valuation guide деб номланган қўлланмаси миллий стандарт сифатида киритилди.

Мамлакатимизда илмий ва илмий-техникавий фаолиятни амалга ошириш, илмий-техникавий ва инновацион ривожланишни таъминлаш учун қулай шарт-шароитларни яратишда мавжуд молиявий ва моддий ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлаш бўйича кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Ушбу ишларни самарали институционал механизми сифатида 2018 йил 14 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»<sup>136</sup>ги қарори имзоланди.

Соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириб, интеллектуал мулк ҳимоясини кучайтириш, ҳар бир идора ва тармоққа илмий ютуқларни олиб кириш масалалари илгари сурилмоқда. Бунга Адлия вазирлиги ва Интеллектуал мулк агентлигига барча идоралар ва ҳудудлар, олий ўқув юртлари, илмий тадқиқот муассасалари билан кенг муҳокама қилиб, ҳукуматимиз томонидан соҳани ривожлантиришга қаратилган уч йиллик дастур ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Интеллектуал мулк яратувчиларини рағбатлантириш, патент эгаларини мукофотлаш каби имтиёзлар тизимини жорий қилиш зарурлиги ҳам белгилаб берилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги муассасалар томонидан илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини хорижда тижоратлаштиришга, шунингдек, уларни халқаро бозорларда илгари суришга дипломатик воситалар орқали<sup>137</sup> кўмаклаши зарурияти ҳам белгиланди.

<sup>136</sup> <https://lex.uz>

<sup>137</sup> <http://uza.uz>

Инновацион жараёнда интеллектуал мулк бозорини бошқаришнинг институционал механизмлари деб номланган учинчи боб натижалари асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

– ҳар бир маълумот ўзининг қимматли манбаи билан ажралиб туради. Жумладан, статистик маълумотлар, давлат бошқарув ҳокимият органлари, иқтисодиётнинг реал сектори, илмий жамоатчилик ва ташкилот раҳбарларининг интеллектуал мулкни яратиш ва улардан фойдаланиш нуқтаи назаридан инновацион фаолиятнинг ҳолати ва ривожланиш истикболлари тўғрисида ишончли маълумотларга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун қимматли маълумот манбаи ҳисобланади. Инновацион фаолиятда интеллектуал мулкдан фойдаланишда тўланган ҳақлар маълумотларини олиб бориш натижаси, аҳолини қўшимча даромадга, шунингдек яратувчанликка ундайди. Шу сабабли, интеллектуал мулкдан фойдаланишда муаллифлик ҳақлари тўғрисидаги маълумотни давлат статистика ҳисоботи акс эттиради;

– миллий интеллектуал мулк тизимининг яратилгани ва унинг халқаро ташкилотлар билан уйғун фаолият олиб бораётгани янгиликларни амалиётга татбиқ этишга кенг шароит яратиб бермоқда. Шу билан бирга, интеллектуал мулк ҳуқуқи соҳасидаги халқаро ҳуқуқ нормаларининг миллий қонунчиликка имплементация қилиниши ҳам соҳа ривожига туртки бермоқда. Дунё ва ривожланган мамлакатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда мамлакатимизда яхлит ва ягона интеллектуал товарлар ва у билан боғлиқ хизматлар бозорини вужудга келтириш давр талабига айланмоқда.

– иқтисодиётда интеллектуал мулк бозорини бошқаришнинг институционал механизмини такомиллаштириш аввало интеллектуал мулк мулкдорлари қатлами вужудга келишига, уларнинг ҳуқуқлари кафолатланишига, интеллектуал мулк

объектларининг иктисодиётимиз салмоғидаги ҳиссасини ўсишига ва охир-оқибатда моддий ва маънавий ривожланишга олиб келган бўлар эди.

Бугунги глобал бозорлар мустақил битим объекти ҳисобланади, шунингдек, замонавий иктисодий жараёнлар компаниянинг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини оширишнинг янги омилини пайдо бўлишига олиб келади. Бундай омил интеллектуал капитал бўлиб, у компаниянинг бозор қиймагини оширадиган номоддий (номоддий активлар) кадрятларни белгилаш учун умумий ресурсдир. Дунёда рўй бераётган иктисодиётнинг глобаллашув жараёни бир томондан тижорат муомаласига киритилган барча янги интеллектуал мулк объектларини ўз ичига олса, иккинчи томондан янги билимлар даврини яратади, бу эса интеллектуал мулк бозорини ривожлантиришнинг кучли қуролига айланади.

Умуман олганда, Ўзбекистон Республикасида интеллектуал мулк бозорини ривожлантириш учун, Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан 2022 йилда 636 919,0 миллион сўмга яқин маблағ сарфланиши кўрсатиб ўтилган бўлсада, ваҳоланки, интеллектуал мулк бозорининг айланмаси ривожланган мамлакатларникидан юз баравар кам. Корхоналаримизнинг мулкчилик таркибида интеллектуал мулк ўртача 0,02 фоизни, Фарбада эса 30 фоиздан 40 фоизгачани эгаллайди. Маҳсулотга бўлган ҳуқуқларни сотиш маҳсулотнинг ўзини сотиб олишдан кўра юзлаб марта фойдалидир. Биз бу ерда, жумладан, конунчиликнинг номукамаллиги ва бозорнинг виртуал йўқлиги туфайли ютқазмоқдамиз. Натижада, йирик ўзбек компаниялари интеллектуал маҳсулотга бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказишда хорижий юрисдикцияга, хусусан, Патент бўйича ҳамкорлик шартномасига (РСТ) (қатнашувчиларнинг

умумий сони 153 та, Ўзбекистон 1991 йил 25 декабрдан аъзо) мурожаат қилишни афзал кўришади.

Инновацион иқтисодиётнинг улуши юқори ликвидли товар сифатида интеллектуал фаолият натижаларини устунлик билан амалга оширган ҳолда иқтисодиётнинг илмий ишлаб чиқариш асосларини устувор даражага олиб чиқиш учун бозор механизмидан фойдаланиш имконини беради. Ушбу ёндашув билан келажакда интеллектуал фаолият оқилона бошқарув билан боғлиқ, чунки иккала жараён ҳам ресурслардан оптимал фойдаланишга, иқтисодий фаолиятни максимал даражада оширишга ва инновацион маҳсулотни яқуний амалга оширишдан энг катта самарани олишга қаратилган. Ишбилармонлик жамияти субъектларининг интеллектуал фаоллиги ва оқилона бошқаруви бозорга динамиклик, иқтисодий фаоллик беради, қулай иқтисодий муҳит яратади.

Давлат бозор иқтисодиёти агентларидан бири сифатида, бир томондан, фаннинг институционал тузилмасини шакллантирса, иккинчи томондан, бошқа агентлар ўргасидаги айирбошлаш жараёнида институтларнинг шаклланиши учун шароит яратади. Иккаласи ҳам бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ва ягона тизимни ифодалайди, бунда институтларнинг ҳар бири бошқаларнинг самарадорлигига таъсир қилади ва шу билан бирга институционал муҳитнинг ўзи ҳам таъсир қилади. Сўнгги йилларда бу борадаги институционал ўзгаришлар инновациялар ва бизнеснинг илғор шаклларини ривожлантириш ва уларни мос равишда қўллаб-қувватлашга қаратилган. Жумладан, интеллектуал мулк бозорини тартибга солишда давлат стратегиясининг иқтисодий механизмлари пирамидаси куйидагича ташкил этилади 3.3-расм.



3.3.-расм. Интеллектуал мулк бозорини тартибга солишда давлат стратегиясини иқтисодий механизмлари пирамидаси  
Манба: Муаллиф томонидан тузилди.

Интеллектуал мулк (ИМ) бозори ва унинг капиталлашуви ҳам объектив равишда технологияларнинг доимий янгиланишига ёрдам беради. Хуллас, бировнинг лицензияси бўйича печ курган металлургиялар бунинг учун миллионлаб доллар тўлаб, имкон қадар узок вақт ишлашади. Агар заводнинг 30 фоизга капиталлашуви, масалан, ўзининг янги дизайни бўлган печга бўлган интеллектуал мулк ҳуқуқига боглик бўлса, муҳандислар янги такомиллаштиришни ишлаб чиққанларида, корхона эски дизайнни янгисига алмаштиришга шошилади ва шу билан ўз капиталлашувини оширади, бу каби сўзлар албатта тушунарли аммо уни ишга тушириш ҳамда амалиётда қўллаш креатив масала ҳисобланади.

Ўзбекистон корхоналарининг янги глобал иқтисодий тизимга интеграциялашуви интеллектуал ресурслардан янада

самарали фойдаланишни назарда тутати. Тадбиркорлик субъектларининг умумий интеллектуал капитали мамлакатни инновацион иктисодий ривожланиш моделига ўтказишда асосий стратегик активга айланиб бормокда. Бозор айланмасига, қоида тариқасида интеллектуал мулкнинг ҳимоя қилинадиган ва айирбошланадиган объектлари киради. Ҳимоя қилинадиган объектларга ҳуқуқий ҳимояга эга бўлган интеллектуал мулк объектлари киради, яъни муаллифлик ҳуқуқи эгасининг ушбу объектга бўлган мутлақ ҳуқуқи белгисига эга.

Ўзбекистон ўзининг тўлақонли номоддий интеллектуал мулк активларига эга бўлган, юқори қўшилган қиймат ва миллий ялпи ички маҳсулотдаги улушини яратадиган, капиталлашувини сезиларли даражада оширадиган давлатга айланадими? (Хитой ва Ҳиндистон муваффақиятли амалга оширилаётганидек). Акс ҳолда, унинг баъзи қисмлари Африка ва Лотин Америкасининг энг қоққ мамлакатларида бўлгани каби бозор иктисодиёти аллақачон шаклланган давлатлар томонидан ташқи назорат объекти бўлади.

Ривожланаётган мамлакатларнинг интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш муаммоларига муносабати кўп жиҳатдан уларнинг миллий иктисодиёти ҳолатига боғлиқ. Интеллектуал мулкни ҳимоя қилишнинг самарали механизмининг мавжудлиги ушбу мамлакатлар учун фойдалидир, чунки у маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, хорижий сармояларни жонлантиришга ёрдам беради ва янги технологияларга йўл очади. Бундан ташқари, ушбу мамлакатларнинг экспортдан тушадиган даромади кўп жиҳатдан интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш даражасига боғлиқ.

Илмий изланишларга инвестицияларни жалб этиш яна бир муҳим омил ҳисобланади. Маълумки бу масалда маблағ етарли эмас. Ўзбекистоннинг ривожланган давлатлардан фарқи хусусий секторнинг интеллектуал соҳадаги инвестиция

фаоллиги даражасидадир. Мамлакатимизда интеллектуал махсулотлар ишлаб чиқариш соҳасини молиялаштиришнинг муҳим улуши давлат томонидан амалга оширилади (барча молиялаштиришнинг 90%). Ривожланган мамлакатларда хусусий секторнинг улуши давлат бюджети улуши билан таққосланади, масалан, 2020 йилнинг охирида АКШ, Буюк Британия ва Францияда 75-80% га яқинлашган бўлса, Японияда ҳатто 90% га етди.

Инновациялар интеллектуал мулкни яратиш жараёнларининг асосини ташкил қилади. Буларга инновациялар, иқтисодиёт, технология, ижтимоий ва интеллектуал мулкни яратишга ёрдам берадиган бошқа соҳалардаги ўзгаришлар киради. Ушбу инновациялар мамлакатнинг илмий-техник тараққиётини белгилайди ва янги ғоялар, ихтиролар, кашфиётлар ва бошқалар билан боғлиқ. Ўз навбатида, жаҳон бозор иқтисодиётининг глобаллашуви шароитида мамлакатнинг илмий-техникавий тараққиёти интеллектуал мулкнинг инновацион махсулотларидан фойдаланиш учун халқаро меҳнат тақсимоотида жойни тўғри танлашга боғлиқ. Шу билан бирга, инновацион жараён мамлакатнинг жаҳон бозори иқтисодиётига интеграциялашувининг муваффақиятини белгилайди.

## ХУЛОСА

Интеллектуал мулк бозори – интеллектуал мулкка мутлак ҳуқуқ эгалари ўртасидаги иктисодий муносабатлар тўплами сифатида инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилар, инвесторлар, давлат ҳокимияти ва маҳаллий ҳокимият органлари ва интеллектуал мулкнинг шаклланиши ва айланиши масалалари бўйича профессионал воситачилар ёрдамида инновацион технологияларни яратилиши ва улардан ишлаб чиқаришда, хизматлар кўрсатишда фойдаланиш тизимини тартибга солувчи восита бўлиб хизмат қилади.

Интеллектуал мулк объектлари бугунги кунда фуқаролик муомаласига энг кўп киритиладиган, инсон тафаккурини ўзгартириш ва янги билимлар тарқатишга асосланганлиги билан ажралиб туради. Шунга кўра, интеллектуал мулк объектлари ва уларнинг яратувчилари бўлган муаллифлар ҳуқуқларини ягона «Интеллектуал мулк кодекси» орқали муҳофаза қилишни ягона тартибга солувчи воситаси эканлиги аниқланди. Интеллектуал мулк объектларини саноатда ва ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳаларида қўллаш бўйича лицензия шартномаларини расмийлаштириш, тегишли ҳуқуқларни ишлаб чиқарувчиларга ўтказиб бориш ва уни бошқаришдаги муаммони аниқлаштириб олинishi самарали инновацион ёндашув ҳисобланади.

Муаллифлик ҳақини тўлаш тизимида янги институционал ўзгаришларни амалга оширишда интеллектуал мулк объектлари мулкый ҳуқуқларини жамоавий асосда бошқариш ташкилоти фаолиятдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.



Статистик маълумотлар инновацион фаолиятнинг ҳолати ва ривожланиш истикболлари тўғрисида ишончли маълумотларга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун қимматли маълумот манбаи ҳисобланади. Ҳолатдан келиб чиққан ҳолда «Интеллектуал мулкдан фойдаланиш ҳақида маълумот» ҳисоботини олиб бориш, интеллектуал мулк объектидан фойдаланишнинг иқтисодий самарасини ва бутун жараённинг ўзгариш тенденцияларини аниқлаш имкониятларини беради. Интеллектуал мулк объектнинг рақобатдош устунликлари (ҳимояланган интеллектуал фаолият натижалари) билан ҳимояланмаган интеллектуал фаолият натижаларини солиштириш максимал иқтисодий самандорликка эришиш йўллари ва воситаларини белгилаб беради.

Интеллектуал мулк объектларини молиялаштириш механизмларини тубдан такомиллаштириш, тижоратлаштириш ва стартап-экотизимни қўллаб-қувватлаш инфратузилмасини яратиш мақсадида соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этилиши соҳа ривожланишини иқтисодий самарадорлигини ошишини таъминлайди. Интеллектуал мулк бозори замонавий глобал иқтисодиётнинг ядроси бўлиб «моддий» бозорларнинг ўсиш суръатларидан юқори, йилига 10 фоиздан кўпроқ ўсмоқда. Шундай экан, интеллектуал мулк объектларини юридик шахслар устав капиталига улуш сифатида киритиб борилиши корхоналарнинг иқтисодий салоҳиятини ошириб, бутун глобал жараёни ўзгариш қонуниятларини прогноз қилиш имкониятларини беради.

Худудлар тизими сифатида интеллектуал мулк номоддий ва маълум шартларга кўра бир вақтнинг ўзида бир неча юридик ва яқка тартибдаги тадбиркор томонидан фойдаланишини эътиборга олган ҳолда, интеллектуал мулк бозорини тартибга солиш амалиётини умумэтироф этилган «Осло Йўриқномаси

2018» ва «Фраскаги Йўриқномаси 2015» каби халқаро тан олинган методик қўлланмалар асосида фойдаланиб келишади.

Бозор иқтисодиёти концепцияси нуктаи назаридан интеллектуал мулк бозорини иқтисодий томондан мушоҳад қилиш илмий тадқиқотларнинг янги йўналишини очиб берибгина қолмасдан, мавжуд қонун меъёрларини моҳиятини англаб етиш, янгидан-янги иқтисодий меъёрлар ва ҳуқуқий ечимларни ишлаб чиқишда менежмент тадқиқотларини ўтказиш аҳамияти ўрганилди.

## **ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

### **I. Норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 8 декабрь 1992 йил (ўзгартиришлари билан).

2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси. 29 август 1996 йил (ўзгартиришлари билан).

3. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. 25 декабрь 2007 йил (ўзгартиришлари билан).

4. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 6 майдаги «ЭХМ учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг хуқуқий ҳимояси тўғрисида» қонун (ўзгартиришлар билан).

5. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 6 майдаги «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида» қонун (ўзгартиришлар билан).

6. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августдаги «Селекция ютуқлари тўғрисида» қонун (ўзгартиришлар билан)

7. Ўзбекистон Республикасининг Баҳолаш фаолияти тўғрисида қонун. 1999 йил 19 август «Интеграл микросхемалар топологияларини хуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида» қонун (ўзгартиришлар билан).

8. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 12 майдаги «Интеграл микросхемалар топологияларини хуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида» қонун (ўзгартиришлар билан).

9. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 августдаги «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида» қонун (ўзгартиришлар билан).

10. Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 20 июлдаги ЎРҚ-42-сон «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида» Қонун (ўзгартиришлар билан).

11. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 20 августдаги ЎРҚ-709-сон «Интеллектуал мулк объектларининг ҳуқуқий муҳофазаси янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 февралда «Интеллектуал мулк соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4168-сон Қарори.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4796-сон Қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрдаги «Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-6097-сон Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 январдаги «Интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4965-сон Қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 февралдаги «Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-4996-сон Қарори.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 8 январдаги «Муаллифлик ҳақи ва бошқа ҳақ тўлаш турлари ставкаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 8-сонли Қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги интеллектуал мулк агентлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 609-сон Қарор.

20. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2012 йил 22 майдаги 01/19-18/09-сон қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Мулкни баҳолаш миллий стандарти (13-сон МБМС) «Интеллектуал мулк объектлари қийматини баҳолаш» стандарти.

#### **Монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар**

21. Суннатов М.Н. Интеллектуал мулк бозорини тартибга солишда давлат стратегияси. // «Иқтисодиёт ва таълим». 2018. – №6. 74-78 б. (08.00.00; №11).

22. Суннатов М.Н. Интеллектуал мулк натижаларини рағбатлантиришнинг институционал механизми. // «Иқтисодиёт ва таълим». 2017. – №6. 86-92 б. (08.00.00; №11)

23. Суннатов М.Н. Механизм регулирования рынка интеллектуальной собственности в Узбекистане. // «Экономика и предпринимательство» – М.: 2021. – №6 (131). – С. 485-489. (08.00.00; №19).

24. Суннатов М.Н. Интеллектуал мулк бозорини тартибга солиш чора-тадбирлари. «Замонавий бизнесни бошқариш, иқтисодиёт, инновацион технологиялар ва ижтимоий фанларни ривожлантириш: назария ва амалиёт уйғунлиги» мавзусидаги олий ўқув юртлариаро халқаро конференция материаллари тўплами (2021 йил 24 май). –Т.: ТМИ. 311-315 б.

25. Суннатов М.Н. Инновацион иқтисодиётда интеллектуал мулк бозорини тартибга солишнинг институционал механизми. «Ўзбекистон Республикасининг Ҳаракатлар стратегияси:

мақриқтисодий барқарорлик, инвестицион фаоллик ва инновацион ривожланиш истиқболлари» мавзусидаги II Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари тўплами (2019 йил 27-28 май). –Т.: ТДИУ. 408-415 б. «Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» илмий электрон журнал. www.wc.tseu.uz

26. Алимов Н. Ўзбекистонда интеллектуал мулк муҳофазаси. – Т.: «Иқтисодиёт ва таълим», 1-сон 2010. – 52б.

27. Пудеян Л.О. Подходы к оценке стоимости интеллектуальной собственности. Институт Государственного управления, права и инновационных технологий (ИГУПИТ) Интернет-журнал «Науковедение» №4 2012.-2с.

28. Оқюлов О. Интеллектуал мулкнинг ҳуқуқий мақоми –Т.:ТДЮИ. Док.дисс.

29. Пўлатов М.Э. Интеллектуал капитал ҳисоби ва аудити методологиясини такомиллаштириш. –Т.:ТДИУ. 2017. Док. дисс.

## **II. Фойдаланилган бошқа адабиётлар**

30. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъи тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Т: Ўзбекистон, 2017.

31. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси. /Халқ сўзи, 05.08.2017.

32. Лукичёва Л.И., Управление интеллектуальным капиталом. Учеб.пос. 2-е изд. –М.: «Омега-А» 2009. 52с.

33. Наумов А.Ф., Степанова И.П. Управление интеллектуальной собственностью. Учебное пособие. Саратов, 2017, 220с.

34. Судариков С.А., Грек Н.Г., Бахренькова К.А., Экономика и интеллектуальная собственность. –М.:Изд-во деловой и учеб. лит., 2004, 49с.

35. Мухопад В.И. Коммерциализация интеллектуальной собственности. – М.:ИНФРА-М, 2010, 312с.

36. Мухопад В.И. Сущность, средства и проблемы коммерциализации интеллектуальной собственности а Российской экономике. – М.: ГОУ ВПО РГИИС. 2010, 57с.

37. Олейник А.Н. Институциональная экономика. Учебное пособие. -М.: ИНФРА-М, 2002, 110с.

38. Цыбулов П.Н. Оценка интеллектуальной собственности. Учебное пособие, -Киев.: Институт интеллектуальной собственности и права. 2005, 46с.

39. Козырев А.Н., Оценка интеллектуальной собственности: Функциональный подход и математические методы. Издательские решения По лицензии Ridero., – М.: 2016. -105-107сс.

40. Сергеев А.П. Право интеллектуальной собственности в российской федерации –М.:Проспект. 2004, 34-54с.,

41. Мерзликина Р.А. Права интеллектуальной собственности.–М.:2009, 23-27с.

42. Моргунова Е.А. Авторское право. – М.: Норма. 2009. 24-25с.

43. Дашян М.С. Интеллектуальная собственность в бизнесе. – М.: Эксмо. 2009, 122-128с., Иванов Н.В. Авторские и смежные права в музыке. – М.: Проспект. 2009, 103-105с.

44. Шипова Е.В. Оценка интеллектуальной собственности. Иркутск. 2003, 28-30с.

45. Беркинов Б.Б., Эргашходжаева Ш.Ж., Маматова Ф. Трансакция ва трансакция харажатлари. –Т.:ТДИУ.2010. 52-55с.

46. Zoyirov L.S., Qosimova S.K., Intellektual mulk va nomoddiy aktivlarni baholash, O'quv qo'llanma, – T.: «Iqisod-Moliya», 2019. -31-32b.

47. Маматова Ф.Х. Трансакция харажатларини тахлил қилиш асослари. –Т.: «Фан ва технология», 2014й., 3-13 бетлар.

48. Abduramanov X.X., Arabov N.U., Xolmuxamedov M.M. Aholi daromadlari va turmush sifati. O'quv qo'llanma. –Т.: ТДИУ. 2016. 86б.

49. Борисова И.И., Орлова Е.А. Оценка и учет объектов интеллектуальной собственности. Методические рекомендации. Н.Новгород. 2012. 9-10с.

50. Matmurodov F.M., Baholash ishi. O'quv qo'llanma. – T.: «Fan va texnologiya» nashiryoti, 2012, 90b

51. Алиева С.Б. Роль интеллектуальной собственности в развитии евразийской интеграции. Под редакцией С.Б. Алиева, академика РАН, докт.техн.наук, профессор. -Москва 2016, 76с.

52. Қосимов М.С. Инвестиция лойиҳаларини тахлили. Дарслик 2018 йил 33бет.

53. Мизес Л. Человеческая деятельность. Трактат по экономической теории М Экономика, 2000, 488с

54. Армен А.Алчян, Гарольд Демсец. Производство, стоимость информации и экономическая организация. Опубликовано в American Economic Review. 2012. С317. -218с.

55. Рустамбеков И.Р., Мусаев С.Ф. Международное авторское и патентное право. –Т.: ТГЮУ. 2016. -187-190с.

56. Рузакова О.А., Права интеллектуальной собственности. –М. 2004. Московския финансово-промышленная академия. -23с.

57. Борисова И.И., Орлова Е.А. Оценка и учет объектов интеллектуальной собственности. Методические рекомендации. Н.Новгород. 2012, 24-25.



58. Антонишин Ю.Т., Ловкис В.В., Маркевич В.В., Носко В.В., Основы управления интеллектуальной собственностью, учебно-методический комплекс. – Минск.: БГАТУ, 2016, -92-93.

59. Кураков Л.П., В.Л.Кураков, А.Л.Кураков, Экономика и права: словарь-справочник. –М. 2004.

60. Назина К.Н., Кокурина Д.И., Агабекова С.И., Инновационная политика. Учебное пособие. – М.: Юрайт. 2019, 157-160сс.

61. Йўлдошев Н.К., Захидов Ф.Э. Менежмент. –Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти. 2018, 140-150б.

62. HodiyeV B.YU., Berkinov B.B., Kravchenko A.N., Biznes qiymatini baholash, – Т.: «Iqtisod-Moiiya», 2007, 138b.

63. Петрикова Е.М., Исаева Е.И., Овсянникова М.А., Методы оценки стоимости нематериальных активов. Статья подготовлена по материалам журнала «Финансы и кредит». 2015. № 12. -43с.

64. Беркинов Б.Б. Институционал иктисодиёт. –Т.ТДИУ. 2013.

65. Kamil Idris. Intellectual property a power tool for economic growth. World Intellectual Property Organization (WIPO) Geneva 2003. 4-6 -page.

66. Keith E. Maskus. Intellectual Property Rights and Economic Development. Case Western Reserve University (2000), -473.

67. William M. Eandes Richard A. Posner. The Economic Structure of Intellectual Property Law. Cambridge, Massachusetts, and London, England I 2003. -74p.

68. Christine Greenhalgh, Mark Rogers. Innovation, Intellectual Property, and Economic Growth. Copyright c 2010 by Princeton University Press Published by Princeton University Press. -330-340p.

69. Dean Baker, Arjun Jayadev, Joseph Stiglitz. Innovation, Intellectual Property, and Development: A better set of approaches for the 21st century. -59-68p.

70. Tonissn,L., Maicher,L. (2012): Patents, their importance and valuation methods. Fraunhofer MOEZ Working Paper, issue 3/2012. -22.

### **Интернет тармоғи веб – сайтлари ва манзиллари**

71. [www.lex.uz](http://www.lex.uz). Ўзбекистон Республикаси электрон қонун ҳужжатлари тўплами.

72. [www.mineconomy.uz](http://www.mineconomy.uz). Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг расмий веб-сайти.

73. [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz). Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий веб-сайти.

74. [www.stat.uz](http://www.stat.uz). Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий веб-сайти.

75. [www.ima.uz](http://www.ima.uz) – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигининг расмий сайти.

76. [www.rao.ru](http://www.rao.ru) – Россия муаллифлар жамоаси уюшмаси.

77. [www.wipo.int](http://www.wipo.int) – Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг расмий сайти.

### **Патент идораси сайтлари:**

78. Халқаро патент таснифи <http://www.wipo.int/classifications/> (WIPO).

79. АҚШ патент таснифи тизими, (United States Patent Classification (USPC), Европа патент идораси European Patent Office (EPO) билан биргаликда ишлаб чиқилган Кооператив патент таснифи Cooperative Patent Classification (CPC) ( <http://www.uspto.gov/go/classification/>

**Асосий патент серверлари куйидагилар:**

80. Интеллектуал мулк миллий маркази <http://belgopatent.org.by>
81. БИМТ <http://www.wipo.int>
82. РОССИЯ <http://www.fips1.ru>
83. АҚШ <http://www.uspto.gov/patft/index.html>
84. Буюк Британия <http://www.patent.gov.uk>
85. Германия <http://www.dpma.de>
86. Япония <http://www.jpo.go.jp>

## ШАРТЛИ БЕЛГИЛАР ВА АТАМАЛАР РЎЙХАТИ

Интеллектуал мулк	ИМ
Интеллектуал мулк объекти	ИМО
Номоддий активлар	НМА
Асосий воситалар	АВ
Асосий фондлар	АФ
Бугунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти	БИМТ
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги	ИМА
Патент кооперацияси тўғрисидаги шартнома	РСТ
Халқаро патент классификацияси	ХПК
Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти	БҲМС
Мулк ҳуқуқлари бўйича халқаро индекс	IPRI
Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги	МДХ
Бирлашган миллатлар ташкилоти	БМТ
Жаҳон савдо ташкилоти	ЖСТ
Интеллектуал мулк ҳуқуқларининг савдога оид жиҳатлари тўғрисидаги битими. (рус. Соглашение по торговым аспектам прав интеллектуальной собственности). (англ. Agreement on Trade-Related Aspects of Intellectual Property Rights).	ТРИПС
Ўсимликларнинг янги навларини ҳимоя қилиш халқаро ташкилоти (англ. International Union for the Protection of New Varieties of Plants)	UPOV

СУННАТОВ МУХТОР НЕЪМАТОВИЧ

**ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК БОЗОРИНИ ТАРТИБГА  
СОЛИШ МЕХАНИЗМИ**

Тошкент – «Инновацион ривожланиш  
нашриёт-магбаа уйи» – 2022

Мухаррир	М. Ҳайитова
Тех. муҳаррир	А. Мойдинов
Мусаввир	А. Шушунов
Мусахҳиҳа	Л. Ибрагимов
Саҳифаловчи	Ш. Сирожиддинов

Нашриёт лицензияси А1 № № 3226-275f-3128-7d30-5c28-4094-7907  
10.08.2020.

14.03.2022 йилда босишга рухсат этилди.

Қоғоз бичими 60×84  $\frac{1}{16}$ . «Times New Roman» гарнитураси.  
Шартли босма табағи 12. Нашр босма табағи 11,25. Адади 50 нусха.  
Буюртма раками № 25. Баҳоси шартнома асосида.